

ЖАВЛОН ЖҮРАЕВ

ЎЗЛИК САРИ
ЕТТИ ҚАДАМ

4

ЯХШИ ВА ёМОН

Эпиграф

- Ёмонлик, сен нега бунчалик ёмонсан?
- Бу қанақа бемаъни савол, Яхшилик – мен сен яхши бўлганинг учун ёмонман.
- Мен яхши бўлмасам, сен ҳам ёмон бўлмасмидинг?
- Албатта! Унда менинг ёмон бўлишимга ҳожат қолмас эди...

Дикқат

Китобда билдирилган динга ва эътиқодга доир мулоҳазалар муаллифнинг шахсий фикри бўлиб, улар ҳеч бир диннинг расмий ҳақиқати сифатида айтилмаган. Муаллифнинг дин номидан гапиришга диний саводи етарли эмас ва бу фикрлар фақатгина фалсафий нуқтаи назарни ўқувчига етказиш учун мисол тариқасида келтирилган.

Мундарижа

Муаллифдан	4
Бошлайдик	5
Шахсият	7
Буюк ёлғон тарихи	7
Ёмонлиқдан омонлик.....	11
Шахсий ожизлик.....	14
Мазмунли жонзот	18
Мұхимлік	22
Дараҳтдаги маймұнлар.....	22
Тилтегмас мұхимліклар	25
Қани әнди ер ютса.....	29
Касб танлаш	33
Кемтиклар	37
Босди-босди қилингандар	37
Номпарастлық	41
Тубсиз қудуқлар	45
Синган күнгиллар	48
Құрқувлар	53
Диққат, очилмасин!	53
Ижтимоий босим.....	56
Ёмондан құрқыш	60
Ришталар	64
Хақиқиي масъулият	64
Мәхрнинг уч йұналиши	67
Олинг, қуда – фақат олинг	71
Бунёдкор күч	76
Азалий мувозанат	76
Құдратнинг түрт поғонаси	82
Илм чироғи.....	86
Яна бир ёлғон.....	89
Баҳт	93
Муаллиф ҳақида	94

Муаллифдан

Азиз Китобхон,

Ҳали жонингизга тегмадимми? Бу учта китоб ёзиб ҳам, айтадигани тугамабди деб жаҳлингиз чиқмаяптими?

Сизни зериктирмаган бўлсам, навбатдаги сұхбатимизга хуш келибсиз. Тан олишим керак, сиз билан сұхбатлашишни жуда соғинганман. Бу ожизлигимни кечирасиз деган умиддаман.

Аввалги уч китоб сизга ҳам, менга ҳам кўп нарсани ўргатди. Пайқаган бўлсангиз, китоблар жуда оддий, камтар, жиддийликдан ҳоли оҳангда ёзилган. Бу бизга яқин дўст бўлиб олишимиз учун зарур эди.

Энди бир-биrimizni яхши биламиз – бир оз дадилроқ гаплашсак ҳам бўлади, менимча. Бу галги сұхбатимиз бир-бирига ишонадиган, бир-бирининг фикрини ҳурмат қиласидиган одамларгина муҳокама қиласидиган мавзуларга бағишланади. Уларнинг баъзилари жиддий – аммо кўнглимизга таяниб иш тутсак, бир-биrimizни албатта тушуна оламиз.

Бизни яхши ва ёмон ҳақидаги ажойиб сұхбат кутмоқда. Анъани сақлаган ҳолда, китоб сиз билан янги сирларни ўртоқлашади. Ва, албатта, сиздан ҳам очиқ кўнгиллиликни ва очиқ фикрлиликни кутади.

Сұхбатимизга энди келиб кўшилганларга аввал туркумдаги биринчи уч китобни ўқиб чиқиш тавсия этилади. Чунки сұхбатда ишлатиладиган кўп тушунча ва атамалар олдин таърифлаб ўтилган ва муҳокама қилинган. Бу сұхбатдан тўлиқ мароқ олишингиз учун, асосий тушунчалар билан таниш бўлганингиз маъқул.

Менимча, ҳамма айтадиганимни айтдим. Ҳа, эсимдан чиқай дебди: ушбу китоб яралишида менга ўз мактублари билан ёрдам берган барча дўстларимизга самимий миннатдорчилигимни билдиromoқчиман. Бу китобни бир мен эмас – ҳаммамиз бир бўлиб ёздиқ. Ўзимизни озгина мақтаб қўйсак зарар қилмайди.

Ўзлигимиз сари навбатдаги сафарни мана энди бошласак бўлади.

Бошладик

“Ёлғон, ҳаммаси ёлғон,
Дунёда ўлимдан бошқаси ёлғон...”
(Юлдуз Усмонова қўшиғидан)

Мен ёлғончиман десам, нима деган бўлардингиз? Бунга ишонсангиз ҳам, ишонмасангиз ҳам мен ёлғончи бўлиб чиқаман. Сиз ёлғончисиз десам-чи?

Аслида, ҳаммамиз ёлғончимиз. Чунки болалиқдан бизни кўп алдашган. Ёлғонлар ичida катта бўлган одамда ростгўйлик бўлиши ҳам ёлъгон.

Ёлғонлар бизга яшашга, қийинчиликларни енгишга, кучли бўлишга имкон беради. «Ҳаммаси яхши бўлади» деб алдаймиз ўзимиз ва атрофдагиларни. «Мен сени севаман» деб алдаймиз. «Мен буни ўзим учун қилмаяпман» деб алдаймиз. «Мен баҳтлиман» деб алдаймиз.

Хўш, нега буснҳалик ёлғонларга кўп таянамиз? Наҳотки, фақат ростдан иборат ҳаёт қуриб бўлмаса? Наҳотки, шахсий эркинлигимиз ёлғонларга боғлиқ бўлса?

Инсон ўз тараққиётида ёлғонни четлаб ўтиши имконисиз бўлган. Ақл ўсгани сари, кўнгил билан ақл зиддияти кучайган. Кўнгил самимий ва содда бўлгани учун, ақл унга нисбатан таъсир қуроли сифатида айнан алдовларни ўйлаб топган. Ва аста-секин ёлғонни санъат даражасига олиб чиқкан.

Ёлғон бизга шахсиятимиздаги мувозанатни тутиб туриш учун керак. Айнан ёлғон қалб ва ақл зиддиятларини ҳал қилишда беминнат хизмат кўрсатади, ақл зулмидан тана ва қалб тамоман жабр кўришининг олдини олади. Агар бу мослама ишламай қолса, инсон руҳий саломатлиги бузилади. Руҳий касалликларнинг кўпчилиги ана шундай келиб чиқади – одам қалби ақли айтган ёлғонларга ишонмай қўяди ва қўзғолон кўтаради.

Демак, ёлғон бизнинг соғлигимиз учун зарур экан-да? Бир жиҳатдан, ҳа. Аммо ёлғон соясида яшашни танлаган одамда шахсий эркинлик бўлмайди ва у ақл ҳокимятини тан олиб яшайди. Кўнгил бир умр ёлғонлар билан суғорилади ва ўз истакларига эриша олмайди. Ёлғон дорисини ичиб яшаган одам соғлом – бироқ баҳтсиз бўлади.

Хўш, ёлғонларсиз яшаб, мустаҳкам саломатликка эришиш учун нима қилиш керак?

Бунинг учун ақлни назоратпарамастлиқдан ҳоли қилиб, уни кўнгил билан дўстлаштириш керак. Ана шунда ақл қалбни ўзига душман билмайди ва унга қарши ёлғондек ҳавфли қурол ишлатмайди.

Ақл билан қалбни дўстлаштириш бир масала – биз биринчи суҳбатимиздан бери шу ҳақида гаплашамиз. Бошқа масала – ақл ишлатадиган ёлғонларни таний билиш. Бу галги суҳбатимиз ана шунга бағишланади. Унда қанчалик самарага эришганимизга суҳбат охирида баҳо берамиз.

Суҳбат давомида биз ҳаётимизга ва шахсий ўсишимизга катта таъсир ўтказадиган ёлғонлар ҳақида билиб оламиз. Ёлғонлар таъсирида қандай муҳимликларга берилишимиз, қандай кемтиклар орттиришимиз муҳокама қилинади. Қайси ёлғонлардан қўрқишимиз ва ёлғонлар соясида аҳд кучимиз қандай исроф бўлиши ҳақида суҳбатлашамиз.

Келинг, суҳбатни тарихдаги энг катта ёлғон билан танишишдан бошлаймиз.

ДУШАНБА

Шахсият

Буюк ёлғон тарихи

Яралиш аввалида Ер юзи жаннат бўлган. Унда ҳамма жонзотлар ўзаро мувозанатда яшаганлар. Улар орасида бир жонзот бўлганки, у ўз қизиқиши билан бошқа мавжудотлардан кескин ажралиб турган.

Қизиқиши уни ймоғир нималигини билишга, дарахт тепасига чиқишга, бошқа ҳайвонлар уясига кириб кўришга ундалган. Қизиқиши уни турли меваларни еб кўришга, чақмоқ уриб ёниб кетган дарахт танасидан қолган чўғни ушлаб кўришга чорлаган.

Айнан қизиқиши орқали одамзотда ақл ривожланган. Биз айнан қизиқувчанлигимиз сабаб ман қилинган мевадан еб кўрганмиз ва бизга ақл битган. Илм-фан ҳам, дин ҳам бир ҳақиқатлар ҳақида сўзлайди – фақат иккиси буни ўз усулида, ўз воситаларидан фойдаланиб қиласди.

Ақл – инсонда қизиқувчанлик ортидан шаклланган. Қизиқувчанлик сабаб аччиқ мевани еб қўйган одамзот онгида буни қайтиб қилмаслик кераклиги ҳақидаги хулоса шаклланган. Чўғни ушласа қўл кувиши, айни бир ўтни чайнаса сарҳуш бўлиши, дарахтга чиқса атроф яхшироқ кўриниши ана шундай хулосалар шаклида одам онгидан жой ола бошлаган. Ақл ана шундай шаклланган.

Фақат ақл бунда бир муаммога дуч келган: ширин мевани еб кўргандаги роҳатни аччиқ мева егандаги азобга солишириш ва уларни бир-биридан фарқлаш учун шартли белгилар керак бўлган. Шунда ақл унга ёқкан ҳамма нарсани «яхши» – унга ёқмаганларини эса «ёмон» ёрлиғи билан белгилай бошлаган.

Биз улуғлайдиган «яхши» ва «ёмон» сифатлари ана шундай пайдо бўлган. Бу иккиси шучаки шартли белги – улар одам хулосаларини таснифлаш учун керак бўлган, холос. Аммо таъми аччиқ бўлган мева аслида танага шифо эканини ақл билмаган. Чўғ тўғри ишлатилса, совуқда тафт, зулматда нур мериши мумкинлигини ҳам

ақл билмаган. У бу нарсаларни билмай туриб аччиқ мева ва чўғга «ёмон» ёрлиғини осган.

Ақл атрофдаги нарса, жонзот ва ҳодисаларга яхши ва ёмон сифатини беришга шу даражада киришиб кетганки, тез орада у бутун дунёни икки хил турга ажратиб ташлаган. Аммо вақт ўтиб, у аввал яхши деган нарсалар аслида заарли, у аввал ёмон деб атаган нарсалар аслида фойдали эканини билиб қолган. У катта қийинчиликлар билан бу нарсаларга берган баҳосини ўзгартиришга мажбур бўлган.

Яхши ва ёмон – тарихдаги энг катта ёлғон. Дунёда яхши ва ёмон нарсалар, жонзотлар, одамлар йўқ. Ҳаётда яхши ёки ёмон ҳодисалар содир бўлмайди. Ақлимиз у ёки бу нарса яхши ёки ёмон эканига бизни алдаб ишонтиради. У буни бизнинг қарорларимиз устидан эга чиқиш учун – бизнинг шахсиятимизни қамалда сақлаш учун қиласди.

Бу дунёда яхши ёки ёмон нарса йўқ – бу дунёда оддий нарсалар бор. Бу дунёда яхши-ёмон жонзот йўқ – табиатда ҳар бир жонзотнинг ўз ўрни бор. Бу дунёда яхши-ёмон одам йўқ – бу дунёда сиз ва мен каби оддий одамлар бор.

Хўш, бу буюк ёлғонга қандай ишонганмиз? Ақлнинг яхши ва ёмон ҳақидаги найрангига қандай учганмиз?

Буни англаб етиш учун биз аввалги китобларда муҳокама қилинган табиий ва орттирилган (ижтимоий) билим тушунчаларига мурожат қилишимиз лозим.

Ҳайвоннинг боласи атрофидаги ҳавф-хатардан боҳабар туғилади. У нимадан қочиш, кимга талпиниш, қандай тирик қолишни билади. Бу билимларни унга табиат берган. Бу билимлар унга ота-онасидан қон билан – жон билан ўтган. Бу билимлар унинг генида ёзилган.

Одамзот боласи ҳам ҳудди шундай табиий билимлар билан яралади. Биз ҳам ота-онамиздан тирик қолиш, яшаш ва ривожланиш учун зарур ҳамма билимларни олиб дунёга келамиз. Бу билимлар (ҳақиқатлар) бизга яралиш пайтида берилган.

Нега биз яхши ва ёмон нима эканини билиб туғилмаймиз? Чунки «яхши» ва «ёмон» тушунчалар фақат жамиятга тегишли. Чунки бу табиий билим эмас. Чунки «яхши» ва «ёмон» деган ҳақиқатлар йўқ аслида. Бу – одамлар дунёни борича қабул қила олмаганидан келиб чиқкан сароб. Улар бу ёлғонни ўзларига қарши ўйлаб топишган. Бу ёлғонни ақл одамзот устидан бўлинмас ҳукмга эга бўлиш учун ўйлаб топган. Биз ўз ақлимиз ёлғони ташлаган қопқонда яшаймиз.

Бу таъкид кимдадир норозилик уйғотиши мумкин. Бизга эсимизни таниганимиздан бир гап уқтирилади: яхши-ёмонни билмаган яшай олмайди, баҳтли бўлмайди. Бу гап ҳам ёлғон – бизга яшаб қолиш ва баҳтли бўлиш учун бу дунё, унинг таркибий қисмларини, бошқа жонзот ва одамларни яхши ва ёмонга ажратиш шарт эмас. Аниқроғи – бундай қилиш бизга яшашга – баҳтли яшашга ҳалал беради.

Жуда кўп ҳолларда яхши ва ёмон сифатлари шунчаки андозага таяниб айтилади. «Ўғлим, бу ишни қилиб бўлмайди – Нега? – Ёмон бўлади» каби тарбия болада заарали яхши-ёмон тушунчасини шакллантиради. Тарбия пайтида у ёки бу ишни яхши ёки ёмон эмас – фойдали ёки заарали, бунёдкор ёки вайронкор, керакли ва кераксиз каби таъриф орқали етказган маъқул. Бунда айнан шу иш нега ижобий ёки салбий жиҳатга эга эканига етарлича асос бериш лозим.

«Ўғлим, ана бу болаларга қўшилмагин. – Нега? – Чунки улар ёмон болалар – Нега? – Чунки улар сени ёмон одатларга ўргатади...» Болага «яхши» тарбия бериш важи билан бирорвнинг боласини ёмон дейишнинг ўзи тўғримикан? Бундай таъкид болада бу дунёда ҳамма тенг эмаслиги – кимлардир дўстларшишга ва ишонишга лойик, кимлардир бунга муносиб эмаслиги ҳақидаги асоссиз хулосани шакллантиради. Яъни яхши-ёмон тушунчалари фарзандингизни ҳаётдаги асл қадриятлардан чалғитади.

«Ўғлим, ҳар ким билан дўст бўлиш яхши. Фақат у ёки бу ишни қилишдан аввал бу сенга чиндан керакми-йўқми – ўйлаб кўргин. – Нега? – Чунки одамлар қиласидиган ҳамма иш ҳам фойдали бўлавермайди. – Фойдасиз ишни қилсан, кимга зарар? – Энг аввало ўзингга, кейин бошқаларга...»

Бу таъкидда, содда тил билан айтганда, «одам ажратиш» йўқ. Болада одамлар ва уларнинг хатти-ҳаракатларини яхши-ёмонга ажратиш илинжи пайдо бўлмайди. Ҳар кимнинг шахсиятини тенг ҳурмат қилиш ва ўз танловлари учун маъсулиятни сезиш шаклланади. Болани бузғинчи ишлардан «ёмон» одамлардан нари юриши эмас – ўз қарорлари учун жавобгарликни билиши тежаб қолади.

Яхши ва ёмон ҳақидаги ёлғон шу қадар қадимги ва улканки – унинг аслида ёлғон эканини кўпчилик унуган. Ақлимиз шу буюк ёлғон асосида кўплаб бошқа «ёлғончалар»ни ўйлаб топиб, ҳаётимизга киритган. Бу ёлғончалар баъзида бир-бирига зид фирмкларни таъкидлайди: бири бу дунёда ҳар доим яхшилик ғалаба қозониб, ёмонлик жазога маҳкум эканини айтса – бошқаси «яхшига кун йўқ, ёмонга - ўлим» дейди.

Бу ички зиддиятларни биз одатда сезмаймиз – чунки ақл ҳар бир ёлғончани ўз жойида ишлатади: яхшилик устунлигини ўтказсих керак бўлганда биринчи ёлғонча кор келади, адолатсизликка урғу бериш керак бўлганда иккинчи ёлғонча ишга тушади. Аммо сергак туриб, ҳамма ёлғончаларни бир сафга қўйса – уларнинг кўпчилиги бир-бирига зид экани ошкор бўлади.

Яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги буюк ёлғон қўл остидаги кичик ёлғончалардан куч олиб яшайди. Ёлъгончалар фош бўлса – уларнинг бобоси буюк ёлғон ҳам ошкор бўлади. Ҳар хил нарсага бўлган муносабатингизни астойдил ўрганиб чиқсангиз – бунақа ёлғончалар сиз умуман кутмаган жойларга яширинганини билиб оласиз.

Келинг, биз ана шу ёлғончаларни фош қилишга уриниб кўрамиз.

Ёмонликдан омонлик

Сизга, ҳар доимгидек, бир ажойиб саволим бор: Сиз яхши инсонмисиз?

Жавоб бериш қийин-а? Балки, осонгина жавоб бергандирсиз. Нима бўлганда ҳам, шу саволни ўқиб, хаёлингиздан ўтган фикрларни эслаб қолинг – биз уларга ҳали яна қайтамиз.

Бизнинг дунё – қарама-қаршиликлар дунёси. Унда ҳамма нарсанинг акси – зидди бор. Ёруғликка қарши зулмат, иссиққа қарши совуқ, меҳрга қарши қаҳр. Табиат ҳам мукаммал зиддиятлардан ташкил топган – борлиқни ташкил қилган зарраларда ҳам қанча манфий қувват бўлса, унга қарши шунча мусбат қувват бор. Баъзи олимлар бугун ҳатто модданинг ҳам зидди – антимодда (антиматерия) мавжудлигини таъкидлашмоқда.

Биз бу бир-бирига зид кескинликларни бир-бири билан таққослаб ўрганамиз. Оқ нима эканини фақатгина уни қорага солиштириб айтишимиз мумкин. Ақлимиз ҳамма нарсани таққослаб, ҳамма нарсага номлар, сифатлар бериб чиқкан. Биз дунёни ана шу сифатлар асосида кўриб, қадрлаб яшаймиз.

Бу йўлдаги энг катта ютуғимиз – «яхши» ва «ёмон» сифатларини ўйлаб топганимиз бўлган. Бу икки сўзнинг асл қудратини биз ҳар доим ҳам билавермаймиз – аммо бу икки сўз бизнинг ҳаётимизга жуда кучли таъсир қиласди.

Биргина «яхши» ёки «ёмон» сифатига эргашиб, биз қарорлар қабул қиласми. «Яхши» ёрлиғи илинган одамлар, буюмлар ва ғояларга эргашамиз – «ёмон»ларини ўзимиздан нари тутишга уринамиз. «Яхши» деб билган ишларимизни қиласми, «ёмон»ларидан тийинамиз. Буларнинг барини биз ўзимиз «яхши» бўлиш учун – ўзимизга «яхши» бўлиши учун қиласми.

Нима деб ўйлайсиз: қўлингиздаги китоб яхшими? У сизни яхши инсон бўлишга чорляяптими? Яхшилик қилишга ундајптими? Уни ўқиб, ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми?

Бу саволлар ичida чалкашиб қолмай туриб, сизга аввал айтган гапни эслатай: яхши ва ёмон тушунчалари – одамзотнинг баҳтли

бўлишига қаршилик қиладиган энг катта ёлғондир. Ҳа – дунёда яхши ва ёмон одамлар, нарсалар ва ҳодисалар йўқ.

Тарбия билан онгингизга сингдирилган қоидалар ҳозир талвасага тушган бўлса керак. Лекин бунга ишониш қанчалик қийин бўлмасин – яхшилик ва ёмонлик бор-йўғи нисбий ҳақиқатлар. Уларни одамзот ўз-ўзини баҳтдан айриш учун билмасдан ўйлаб топган.

Яхшилик ва ёмонлик – ижтимоий тушунчалар. Табиатда бундай тушунчалар мавжуд эмас. Табиат бундай сунъий тушунчаларни тан олмайди, уларга қараб яшамайди. Қўрқоқ ва оқкўнгил қуёнлар-у, кучли ва ёвуз бўрилар фақат эртакларда бўлади. Табиатда эса қуёнлар ҳам, бўрилар ҳам бир хил ўринга эга.

Айтайлик, шоқол кийиклар тўдасидан айнан нимжон кийик боласини танлаб, ҳужум қилди ва ўлжасига эришди. Хўш, шоқол ёмон иш қилдими? Унинг тўдадоши қари ва касалванд, ҳеч нарсага ярамай қолган кийикни ўлдирди. Хўш, буниси-чи?

Иккала шоқол яхши ҳам, ёмон ҳам эмас – улар оддий. Улар яхши иш ҳам, ёмон иш ҳам қилмадилар – улар табиий иш қилди. Иккиси ҳам ортиқча куч сарфламай, ўлжага осон эришиш йўлидан борди. Чунки бугун кучини тежаса, эртага ҳам кучукларини боқишига қуввати етади.

Бу воқеани четдан кузатиб турган одамзот эса дарров «яхши-ёмон» ўйинини бошлаб юборади. У дарров ожиз кийикчага ҳамла қилган шоқолни қоралашга тушади. Боласини қаровсиз қолдирган она кийикни ҳам айблаб қўяди орада.

Яхши ва ёмон сифатлари бизга аслида бизники бўлмаган «қозилик» ҳуқуқига даъво қилишга асос бўлади. Биз нафақат табиатдаги жараёнларни – балки бир-биrimizni ҳам ана шу элақдан ўтказамиз. Бирорни яхши, бирорни ёмон, бир ишни яхши, бошқасини ёмон дейишдан олдин чуқурроқ ўйлаб кўрмаймиз.

Биз ҳатто ўз танамизни яхши ва ёмон нимталарга ажратамиз. Ўнг қўл – яхши, чап қўл – ёмон. Ўнг қўл билан қилинган иш – яхшилик, чап қўл билан қилингани – қинғир. Бундай яхши-ёмон ёрлиқлари мақол ва удумларимизгача сингиб кетган. Фарзандларимизни ёшлиқдан ўнг қўлда овқатланишга, ёзишга, чизишга ўргатамиз.

Аммо соф табиий жиҳатдан бу жуда заарли. Одам танасининг ўнг ярмини миянинг чап ярми бошқаради. Миянинг чап ярми эса мантиқий ва танқидий фирмлашга жавобгар. Танамизнинг ўнг ярмига кўпроқ эътибор бериб, уни кўпроқ машқ қилдирсак – миямизнинг ҳам фақат чап ярми ривожланади. Яни, болангизга «яхши» бўлган ўнг томонни кўпроқ тарбиялашни айтиб, сиз унинг фақат бир ёқлама ривожланишига туртки берасиз.

Миянинг ўнг ярми – мавҳум фикрлаш ва ижодий фаолиятга жавобгар. Мона Лиза ва Шашмақомларни буюк даҳоларнинг айнан ўнг мия қисми яратган. Инсоният барпо қилган барча гўзал нарсалар – мия ўнг ярми маҳсулоти.

Кўпчилик иқтидорли одамларнинг чапақай бўлгани бизга маълум. Аммо бунда улар иқтидорли бўлганлари учун чапақай бўлиб қолмаганлар – аксинча, улар болалиқдан чап қўлларини ҳам тарбия қилганлари учун, уларнинг ўнг мияси яхши ривожланиб, улар истеъдодли бўлиб етишишган.

Шундай экан, фарзандингиз чап қўлда қошиқ ёки қалам тутса – уни койишга шошилманг. Ким билсин – у келажақда буюк ижодкор бўлиб, инсониятга завқ берувчи асарлар яратар. Санъат йўлидан бормаган тақдирда ҳам, у тўлақонли камол топган – миясининг икки ярмини ҳам тенг ривожлантирган кучли шахс бўлиб етишади.

Бола миясининг икки ярми мутаносиб ўсиши учун, унинг танасини ҳам чап, ҳам ўнг томондан тарбиялаш лозим. Мисол учун, унга чап қўлда сурат солиб, ўнг қўлда ёзишни ўргатиш мумкин. Қошиқни ҳар икки қўлда тутишни ўргатса ҳам бўлади – ишонинг, чапақай бўлса «ёмон» бўлмайди.

Кимдир боласига ёмон болалардан нарироқ юришни тайинлаганини эшитсан – ҳайрон бўламан. Ёмон бола қанақа бўларкин? Наҳотки, боланинг ҳам ёмони бўлса? Балки, улар бу билан ёмон тарбияли болани назарда тутар? Унда «ёмон тарбия» қанақа бўлади? Ким боласига «ёмон бола бўлгин, қулоқсиз, одобсиз, қайсар бўлгин» деб тарбия беради ахир?

Айтайлик, битта «ёмон» болага иккита «яхши» бола қўшилиб қолди. «Яхши» болаларнинг бири «ёмон» бола таъсирига тушди –

иккинчиси ўзгармади? Шундай бўлиши мумкин-ку. Демак, гап аслида «ёмон» боланинг «ёмон» тарбиясида эмас экан-да?..

Болалар бир-бирларини яхши-ёмонга ажратмайдилар. Бунга сабаб ёш бола яхши-ёмоннинг фарқига бормаслиги эмас – болалар аслида дунёда яхши ёки ёмон одам бўлмаслигини, ҳар қандай бола дўстлашиб, бирга ўйнашга муносиб эканини биладилар. Одамларни яхши-ёмонга ажратишни эса уларга биз – катталар ўргатамиз.

Яхши ва ёмон сифатлари бизга яшашга ҳалал беришига мисоллар жуда кўп. Ўз шахсиятимиз, бошқа одамлар ва ҳаётий вазиятларга яхши ва ёмон сифатини бериб яшаш билан биз ўзимизни кўп нарсадан чеклаймиз. Бу билан биз ўзимизни шахсий ўсишдан – шахсий куч тўплашдан чеклаймиз. Мана шу ростан ҳам ёмон.

Шахсий ожизлик

Бу қанақаси – демак, ҳаётда ёмон инсонлар бўлмас экан-да? У ҳолда ҳаётда содир бўладиган шунча бузғунчи ишларга нима сабаб?

Аввалги бобдаги таъкидлар билан мен сизга одамлар ҳеч қачон хато қилмайди, уларнинг ишлари ҳеч кимга зарар етказмайди – ҳеч ким бузғунчи иш қилмайди демоқчимасман. Албатта, ҳаётда тубан ва ёвуз ишлар содир бўлади. Мен сизга ана шу ишларга ёмонлик аломати деб қарамасликни тавсия қиласман, холос.

Нима деб ўйлайсиз – одамлар нега ёлғон гапиради? Нега фирибгарлик қиласди? Нега бирорнинг ҳақига ёки мулкига тажоввуз қиласди? Нега оғир жиноятлар содир этади? Ёмон одам бўлгани учунми?

Йўқ. Одамлар ожизлиги сабаб бузғунчи ишлар қиласди. Мен сизга одамларнинг хатти-ҳаракатларини яхши-ёмонга эмас – бунёдкор ва бузғунчи ишлар тоифасига бўлиб баҳолашни тавсия қиласман. Фақат бунда бунёдкор ишни ёки шу ишни қилган одамни улуғлаш (илоҳийлаштириш) ва бузғунчи ишни ёки шу ишни қилган одамни қоралаш (гуноҳкор санаш) илинжидан қутулиш зарур. Одамлар ва

уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда муҳимлик иштирок этмаслиги лозим.

Шундай қилиб, одамлар ўз ожизликлари сабаб бузғунчи ишларга қўл уришади. Мен ожизлик деганда жисмоний ёки ижтимоий ожизликни назарда тутмаяпман. Бузғунчи ишлар қилиш учун катта жисмоний куч ёки ижтимоий таъсирдан қисилган бўлиш шарт эмас. Ва аксинча – жисмоний ёки ижтимоий кучга эга одамларнинг ҳаммаси ҳам бунёдкор шахслар эмас.

Ҳамма гап шахсий (маънавий) кучда. Ҳаётий қуввати кам бўлган одам ўз мақсадларига интилишда ҳар доим бузғунчи йўлдан боради. Бунга ҳаётий мисоллар келтирсак, тушунарлироқ бўлади.

Масалан, бир жамоада икки спортчи бор: бири иккинчисидан анча тажрибали ва жисмонан чиниккан. Аммо тажрибаси кам спортчи муҳимлиқдан ҳоли ва у катта шахсий кучга эга. Дейлик, шу иккисидан бири жамоа сардори этиб тайинланиши кутилмоқда. Катта жисмоний кучига қарамай, шахсий кучи кам бўлган спортчи шу мавқега эришиш учун бузғунчи ишлар қиласи: рақиби обрўсини тушириш учун ёлғон гапиради, керак бўлса ўз мақсади учун жисмоний кучини зўравонлик йўлида ишлатади.

Бир қарашда бу спортчининг ҳаракати мантиқсиз туюлади – у шундоқ ҳам кучлироқ ва тажрибалироқ, сардорлик унга насиб этиши эҳтимоли катта. Нега у шунда ҳам курашни қўймаяпти? Жавоб жуда оддий: унда ўз имкониятларига бўлган ишонч кам. Унда сардорлик уники эканини айтиб турган хотиржамлик йўқ. Унинг ўзига ишончини ва хотиржамликни таъминлайдиган шахсий кучи йўқ. Бор-йўғи шу.

Одам катта мавқе ва давлатга эришиб ҳам, шахсий ожизлигини йўқотмаслиги – натижада бузғунчи ишлар қилишда давом этиши мумкин. Шунинг учун қўлида катта бойлиги ва қудрати бўлган одамлар ҳар доим ҳам бунёдкор иш қилавермайдилар.

Келинг, шу ерда икки хил куч ҳақида эслаб олайлик. Одамзотга (худди бошқа ҳар қнадай жонзот цингари) икки хил куч берилган: моддий ва маънавий. Моддий куч – атроф дунёга тўғридан-тўғри моддий таъсир қиласидиган кучдир. Бизнинг жисмоний кучимиз –

моддий куч. Бойлигимиз ва ижтимоий таъсиришимиз – моддий куч. Мантиқий фикрлаш қобилятимиз – моддий куч.

Маънавий куч эса – биздаги ҳаётий қувват даражаси билан белгиланади. Оғир қалтис вазиятларда ўзини йўқотмаслик – маънавий куч. Қўрқувлардан ҳоли яшаш – маънавий куч. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хотиржамликни ва сергакликни сақлай билиш – маънавий куч. Одамларга маънавий завқ ва озуқа берадиган ижод намуналарини яратувчи илҳом – маънавий куч.

Бу икки куч бир одамда жам бўлган ҳолати жуда кам учрайди. Ҳам моддий, ҳам шахсий кучи катта одамлар тарихда ҳам кам бўлган. Бунга антик давр буюк саркардаси Ганнибал мисол бўла олади. У Африка шимолидаги Карфаген шаҳрида Рим империяси тазийқи остида яшаган. У бу тазийқа барҳам бериш учун аскарларини Гибралтар орқали олиб ўтиб, Римга шимолдан – Алп тоғлари оша ҳужум қилган. Бу саркарда ҳам жисмонан, ҳам шахсан кучли одам бўлган. У римликлар она шаҳрини эгаллаганда ҳам ўзлигини йўқотмаган ва сергак туриб иш қилган.

Ганнибалнинг мантиқий фирмеклаши ва билимлари ҳам кучли бўлган. Алпдан лашкарларини олиб ўтишда катта қоя унинг йўлини тўсади. Шунда у аскарлар ўзи билан олиб кетаётган сув ва май тўлдирилган мешларни қорга қўйиб, совитишни буюради. Қоя атрофида эса алланга ёқиб, уни қиздиришни тайинлайди. Қоятош етарлича қизиганда, яхдек сув ва майни унинг устига сепишади. Қизиб турган тош кескин совитиш туфайли ички қуввати остида ёрилиб, майда бўлакларга бўлиниб кетади. Лашкар учун йўл очилади.

Инсон ўз интилиши билан катта шахсий куч эгаси бўлиши мумкин. Аввал айтилгандек, шахсий куч етишмаслиги бизни турли бузғунчи ишларга бошлайди. Бу эса одамлар орасида яхши ва ёмон ҳақидаги ёлғон оммалшишига ҳисса қўшади.

Ўз мақсадига тўғри йўлдан бора билмаслик – шахсий ожизлик аломати. Масалан, нега одамлар ўз ниятига эришиш учун, кимгадир пора беради. Порахўрлик авж олишида пора берувчининг ҳиссаси кўпроқ бўлади. Чунки у ўз шахсий ожизлиги сабаб, мақсадига тўғри йўлдан бора олишига кўзи етмайди, ўз имкониятларига – ўзига ишонмайди.

Бундай одамнинг жазоси ўзи билан. У ҳар қанча мақсадига эришиб ҳам, ўзини баҳтли ва хотиржам ҳис қилмайди. Ва у ўз шахсий ожизлиги сабаб кўп нарса йўқотади. Айтайлик, бир йигит пора бериб, олийгоҳга шартнома асосида ўқишга кирди. Шахсий ожизлик сабаб, у энди олийгоҳда ўқий ҳам олмайди ва пора бериб, фанлардан баҳо олади. Натижада у ҳам порага, ҳам шартномага пул сарфлайди – ва олийгоҳни ҳеч қандай билим олмасдан битиради. Бундай ҳолатни мен «йирик ҳисобда ютқазиш» деб атайман.

Юқоридаги каби инсонларни ёмон деб бўлмайди. Улар, шунчаки, ожиз одамлар. Уларни қоралаш ҳам, айблаш ҳам – уларга ачиниш ҳам керак эмас. Уларга нисбатан бизда ҳеч қандай салбий муносабат бўламслиги керак. Чунки биз ҳам оддий одаммиз – бизнинг ҳам кўплаб нуқсонларимиз бор. Биз ҳам камчиликлардан ҳоли эмасмиз. Ундан кейин – кучли шахс ҳеч қачон бошқа шахсларни ожизлиги учун қораламайди.

Одамларни яхши-ёмонга ажратиш – муҳимлик белгиси. Ўйлайманки, шахсиятингизни сиз муҳимлик касалидан даволаб улгургансиз. Яхши инсон бўлиш ҳақида қайғуриш керак эмас – чунки «яхши одам» деган тушунчанинг ўзи мавҳум. Ўз шахсиятингизни жамият чизиб берган «яхши одам» қолипига солишга уринманг. Чунки жамиятнинг «яхши» ва «ёмон» қолиплари тинимсиз ўзгариб туради. Ўзингиз билан узоқ курашдан сўнг, яхши одам қолипига кирганингизда – жамият янги қолипни ўйлаб топган бўлади. Бу ҳам «йирик ҳисобда ютқазиш» бўлади.

Бунёдкор одам бўлиб, бунёдкор ишлар қилиш ҳақида қайғурган афзал. Бунинг учун эса сизга биргина нарса – шахсий куч керак. Тўғри – моддий куч зарар қилмайди: танангизни чиниқтирангиз, обрў ва бойлик орттириш учун ҳаракат қипсангиз, билим овига чиқсангиз – бунинг ҳеч бир зарари йўқ. Лекин шахсий куч сизнинг энг муҳим ўлжангиз бўлиши лозим. Моддий куч тўплаш йўлида хотиржам ва баҳтли яшаш учун сизга айнан шахсий куч керак бўлади.

Асосийси, моддий куч ортидан қувиш учун, шахсий кучдан воз кечиб, охир оқибат йирик ҳисобда ютқазмаслик. Шахсий ожизлик –

бизни «ёмон» одамлар сирасига қўшади. Шахсий ожизлик билан биз буюк ёлғоннинг бир қисми – бузғунчи бир қисмига айланамиз. Шахсий ожизликнинг ёмонлиги ана шунда.

Мазмунли жонзот

Яхши-ёмон ҳақидаги ёлғонга эргашиб, бизда бир заарли одат авж олади: биз ўз борлигимизга асос қидирамиз. Одамзот ўз мавжудлигини аҳамятсиз, оддий ҳолат деб қабул қила олмаслигига сабаб – мазмунсиз ҳаёт ёмон, мазмунли ҳаёт яхши деб билишидир.

Аммо биз ўз борлигимизга муҳимлик тусини беришга қанча ҳаракат қилмайлик, табиатда бир сир ўзгармас қолади – дунёда ҳеч нарса мазмунга эга эмас. Инсон мазмунли ёки мазмунсиз ҳаёт яшаб ўтмайди – инсон оддий ҳаёт яшаб ўтади.

Умрдан мазмун излаш – муҳимлик белгиси. Жамият ёки шахсий комплекслар таъсирида ақл ҳаётга мазмун беришга уриниши инсоннинг инсонийлик мағурурлигидан келиб чиқади. Биз ўзимизни бошқа жонзотлардан муҳимроқ деб билганимиз учун, бу дунёдаги тутган ўрнимизга ортиқча аҳамят берамиз.

Табиатни ҳолис кузатсангиз, унда мазмунга эга ҳеч нарса топа олмайсиз. Йиртқичнинг ўлжасини тутиб ейишида ҳеч бир чукур маъно йўқ. Триллионлаб жонзотлар туғилади, яшайди ва бу дунёни тарк этади. Уларнинг бу ҳаётида алоҳида бир аҳамят ёки мазмун йўқ: улар яхши ёки ёмон ҳаёт яшамайди. Улар, шунчаки, яшайди.

Одам ҳам ҳудди шундай: бизнинг борлигимиздан ҳам қандайдир бир яширин илоҳий мақсад ёки мазмун мавжуд эмас. Яшашнинг яшашдан бошқа маъноси йўқ.

Менга мазмунли ҳаётни таърифлаб бера оласизми? Илм чўққиларини эгаллаб, оламшумул кашфиётлар қилиб яшаш мазмунли ҳаётми? Балки, худони танишга интилиб, авлиёнамо ҳаёт тарзини юритиш мазмунлироқdir? Ўзидан моддий ёки маънавий мерос қолдирмаган одам ҳаётини чиндан ҳам мазмунсиз дейиш мумкинми? Бундай одам ёмон ҳаёт яшади дея оламизми?

Одам яхши ёки ёмон яшамайди. Одам кучи етган, ўзи уddaлаган усулда яшайди. Одам шахсий кучи имкон берган даражада баҳтли яшайди. Бунда кучи кўплар муҳимликка берилмасдан, хотиржам яшашни танлайдилар; бунда ожизлар комплекс ва ёлғонлар таъсирида курашиш ва бир умр ўз ҳаётларини мазмунли қилишга интилишни танлайдилар. Бу танловда ҳам ҳеч бир маъно йўқ – бу, шунчаки, бир танлов.

Бу гапларим сизда норозилик уйғотаётган бўлса – демак, сиз ҳали ҳам муҳимлик таъсиридасиз. Ҳаётингизга сунъий муҳимлик бериб, дунёга шунчаки келмаганингизни таъкидлашга сизни нима мажбур қилаётганини яхшилаб таҳлил қилиб кўринг.

Яхши-ёмон ўйини биз – одамларга ўзимизни бошқа жознотларга таққослашга, бу қиёслашда ўзимизни юқори ҳисоблашга имкон беради. Одамлар ҳайвонларни «ёмон» деб билгани учун, бир-бирини ҳақорат қилиш учун шу ҳайвон номларидан фойдаланди.

Аммо энди сиз бу дунёда устун-қуи, яхши-ёмон мавжудот йўқлигини билдингиз. Энди сизда инсоний ғууррга берилиш, ўз борлигингизни оламшумул бир ҳодиса эканини айтиб, оламга жар солиш илинжи йўқ.

Агар одамзот шунчалик муҳим мавжудот бўлганда – уни Худо биринчи бўлиб яратмасми? Етти иқлимдаги борки тирик жон пайдо бўлгандан кейингина одамзот вужудга келган – бу ҳам бизга камтар бўлишга, ўз борлигимизга ортиқча баҳо бермасликка бир ишорадир, балки?

Одамлар ўзларини алдашни бунчалик яхши қўришларига сабаб нимада экан? Биз нимага ўзимизга ўзимиз, атроф дунё, бутун борлиқ ҳақида тинимсиз ёлғон гаирамиз? Буюк ёлғон таъсирида узок муддат яшаб, шундай одат чиқарганмизми, дейман.

Мен ўзим узок муддат ўзимни алдаб яшаганман. Шахсиятим, уни ҳаётда тутган ўрни, борлигим мазмуни ҳақида ўйлашни, жиддий саволлар беришни эрта бошлаганман. Балоғат ёшимгача ҳаётимдан мазмун топишга – топа олмасам, уни ўзим ёлғондан яратишга уринганман. Ва бу муҳимлик учун баҳтсиз ҳаёт кечирганман.

Бундай тажриба ҳар кимда бор. Мен бу борада ҳаммадан бошқача эмасман – ҳар ким умрининг бошида «ҳаёт мазмуни» қопқонига бир марта тушади ва азобланади. Бу ҳам яхшиликка – биз шу баҳона ўзимизга жиддий саволлар берамиз ва жавоб излаймиз. Аммо, афсуски, жавоб топишга кучимиз ёки аҳдимиз етмаса – ўзимизга ёлғон жавоблар ўйлаб топамиз.

Мана энди «ҳаёт мазмуни» мавзусидаги изланишларингиздан «яхши-ёмон» омилини чиқариб ташланг. Ҳаммаси анча соддалашади ва ойдинлашади. Сиз аслида оддий бўлган гўзал ҳаётга мажбурлаб мазмун пардозини беришга уринганингизни англаб етасиз.

Ҳаётда мазмун йўқ деган таъкидимни кимдир мақсадсиз ҳаётдек тушуниши мумкин. Яшашдан мақсад бор – бу бахтли яшаш. Бизнинг ҳаётимиз мазмунли бўлиши керак эмас – бахтли бўлиши керак. Аслида аҳамяти нольга teng ҳаётга мазмун бағишлишга интилиш муҳимлиқдан келиб чиқади ва бизни кўнгил хотиржамлигидан айради.

Ҳеч эътибор берганмисиз: «мазмунли» ҳаёт тарзини юритганларнинг ҳар доим душмани бўлади. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз? Нега мазмунли ҳаёт яшашдек олий йўлдан бораётганларга қарши чиқувчилар кўп бўлади? Ҳасадгўйлар кўпмикан дунёда шунчалик?

Гап ҳасадда эмас. Гап «мазмунли» ҳаёт эгасининг муҳимлигига. У тўғри яшаш тадбирига қанча катта аҳамят берса, атроф мувозанатни шунча бузаверади. Мувозанат бузилишига эса атрофдагилар, табиийки, қаршилик билан жавоб қайтаради.

Мен юқоридаги таъкидларим билан одам илм излашдан қайтиши керак демоқчимасман. Илм бизнинг шахсий ўсишимизга хизмат қиласи. Фақат бунда мазмун топишга уримаслик керак.

Қайтанга, қанча кўп нарсани билсак, бу дунёда тутган ўрнимизни шунча яхши англаб борамиз. Бу эса бизга атроф дунё билан келишиб яшашга, ҳаётни мазмун учун курашга айлантирмасликка имкон беради.

Атроф-дунёни ўрганинг, ёввойи табиатдаги ҳаётга қизиқинг. Ўз танангиз, онгингиз ва қалбингиздаги жараёнларни тушунишга, уларга тўғри баҳо беришга интилинг. Бу интилишларингизга муҳимликни аралаштируманг – токи у ҳар нарсадан мазмун излаб, ишнинг белига тепмасин.

Динёдаги ҳар қандай жонзот ҳаётини ҳурмат қилинг, табиатни севишни ўрганинг. Табиат – ҳар қанча меҳрга арзийдиган гўзаликка эга. Унинг ақлни шоширадиган мўжизалари жуда кўп. Дунёга «инсонийлик ғурури» деган шоҳсупа устида туриб назар ташлаганлар табиатнинг ҳар қандай гўзаллигидан маҳрумдирлар.

Инсоний манманлик – яхши-ёмон ҳақидаги ёлғондан куч олади. Энди сиз бу ёлғондан – бунинг ёлғон эканидан боҳабарсиз. Шундай экан, ғуур ва манманлик шахсиятингизни ожиз қилишига, кўнглингиздаги тинчликка рахна солишига, сизни мазмунли – лекин баҳтсиз мавжудотга айлантиришига имкон берманг.

СЕШАНБА

Муҳимлиқ

Дарахтдаги маймунлар

“Тўқайга ўт кетса,
хўлу қуруқ тенг ёнади”

(Ўзбек мақоли)

Анъани бузмаган ҳолда, сизга эртак айтиб бераман.

Улкан ва гўзал чакалакзорда ажойиб зийрак маймунчалар яшар экан. Уларнинг ўрмонида турфа хил дарахтлар ўсар экан. Аввалига маймунчалар ерда яашашга одатланган экан. Улар улкан дарахтларга қўрқув билан қараб, уларга тирмашишга ҳадиксирар эканлар.

Аммо вақт ўтиб, маймунлар ўз қўрқувини енгиб чиқиб, аста-секин дарахтларга тирмаша бошлабди. Улардан баъзилари қўнғир пўстлоқли бир текис ўсган дарахтларга чиқса, бошқалари сариқ пўстлоқли шоҳларини ҳар томонга тарқатиб ўсадиган дарахтларга чиқиб кўрибди. Маймунлар дарахтларда қорин тўйғазсих мумкин бўлган турли-туман меваларни топишибди. Бора-бора маймунлар дарахтларни ўз уйларига айлантириб, ерга деярли тушмайдиган бўлибдилар.

Сариқ дарахтларни макон қилган маймунлар қўнғир дарахтдаги маймунлар билан ҳеч чиқишимас экан. «Бизнинг дарахтлар кенг ва сермева. Уларнинг шоҳлари кўп ва барглари кенг – ҳаммага жой етади. Сизнинг дарахтингизда эса деярли шоҳлар йўқ – унда яашаш жуда қийин. Сизлар нотўғри дарахтда яшаяпсиз» дейишар экан улар. Бунга қўнғир дарахтларни маскан қилган маймунлар «Тўғри, бизнинг дарахтимиз яашашга ноқулай. Лекин у мустаҳкам ва баланд. Унинг устида биз узоқ-узоқларни кўра оламиз. Устига-устак, бундай баландлик бизни кўп йиртқичлардан омон сақлайди» деб жавоб беришар экан. Бора-бора бу зиддият очиқласига адоватга айланибди.

Аммо бир кун ўрмонга чақмоқ уриб, ёнғин чиқибди. Бу ёнғинда қўнғир дарахтлар ҳам, сариқ дарахтлар ҳам омон қолмабди. Талвасага тушган маймунлар дарахтларидан тушиб, ўрмондан қочиш билан ўз жонларини сақлаб қолишибди. Ва улар аслида ҳамма дарахт ерда ўсишини, қачонлардир улар ана шу ердан паноҳ топиб яшашганини эслалишибди. Улар ўртасидаги бўлиниш ва адовар сунъий экани фош бўлиб, улар яна аҳил-иноқ яшай бошлишибди...

Биз бу дунёга у ҳақида кўп нарсани билмай келамиз. Ҳаёт бизга айнан бу дунёning сирларини ўрганиш учун берилади. Кимдир бу дунёга кенгроқ назар ташлаш учун илм-фан дарахтига тирмашса, кимдир бунда ўзига дин дарахтини танлайди.

Бунда нотўғри танлов бўлмайди. Ҳар қандай дарахт инсонни буюк юксакликларга олиб чиқиши мумкин. Илм-фан ҳам, дин ҳам одамни бу дунёни яхшироқ англашига, ўзининг бу дунёда тутган ўрнига одилроқ баҳо беришига ёрдам бера олади. Ҳар қандай дарахтни танлаган одам ҳам адашмайди.

Лекин кўпчиликнинг ўз танловига бўлган муносабати муҳимлик сабаб нотўғри томонга оғиб кетади. Улар ўз танловлари аҳамитанини ошириб юборишади. Натижада уларда ўзлари танлаган дарахтни бошқа дарахтлардан устун қўйиш истаги аллангаланади. Муҳимлик сабаб, улар ҳаётлари бошида ерда юрган маймунча бўлганини унутишади (одамни маймунга тенглаштирганим қайсиdir дарахтга чиқиб олиб, ўз ҳақлиги ҳақида оламга жар solaётган одамлар шахсиятига тегиши мумкин – аммо улар ўзларини бу дунёдаги бошқа мавжудотлардан юқори ҳисоблаб, маймунга тенглаштирилишдан ҳазар қилса, бу уларнинг муҳимлигидан дарак).

Биз ўзимиз танлаган дарахтга баъзан шу қадар берилиб кетамизки, бошқа дарахтлар ҳақида унутиб қўйишимиз мумкин. Баъзан динга муккасидан кетиб қолган одам дин дарахти барглари орасидан туриб, ташқи дунёни кўра олмай қолади. Улар бу сўқирлиқда шу даражага бориб етишадики, илм-фанни тамоман инкор қилишга ўтишади. Айнан илм-фан яратган чироқлар ёруғида диний китобларини ўқишаётгани, илм-фан яратган дармонлар хасталик қийнаганда жонларига оро кириши ёдларидан чиқади.

Илм-фан дарахти вакиллари орасида ҳам ақлнинг устуворлигини таъкидлаб, ўз илмий фаразлари орасида ташқи дунёдан узулиб қолганлари кўп учрайди. Ашаддий фанпарастлар динни тамоман рад этишади. Лекин улар ҳам чорасиз вазиятларда эътиқоддан таскин топишади.

Ҳар қандай дарахтда бошқа дарахт вакилларини қораловчилар ва улардан нафратланувчилар бор. Илм-фан дарахтида эътиқод соғ психологияк жараён эканини таъкидлаб, кўр-кўронা илоҳий куч мавжудлигига ишонган дин дарахти вакилларини аҳмоқликда айблайдиганлар бор. Дин дарахтида Дарвин таълимоти бўйича ўзини маймун авлоди ва эвалюция натижаси деб биладиган илм-фан тарафдорларини ўзбилармон дахрий деб қоралайдиганлар бор. Бундай ҳолат шахсий муҳимлик сабаб келиб чиқади.

У ёки бу дарахт вакиллари жамиятда кўпроқ қудратга эга бўлиб қолса, дарҳол бошқа дарахт вакилларига босим ўtkаза бошлайди. Тарих бунга жуда кўп исбот келтирган. Ўрта аср Европасида илм-фан дарахти вакиллари Ватикан томонидан қувғин қилиниб, ўзлари ва асарлари оловда ёндирилган. Собиқ иттифоқ даврида эса коммунизм қуриш ваъжи билан илф-фан дарахти вакиллари дин дарахтини таг-томири билан йўқ қилишга урунган. Муҳимликка берилган илм-фан ёки дин вакилларига қудрат берилса, одамзот бошига ана шундай оғатлар келади.

Илм-фан ва дин дарахтлари ўртасида яна бир дарахт бор. Унинг вакиллари унча кўп эмас – чунки бу дарахт дин ёки илм-фанчалик катта дарахт эмас. Бу дарахт илм-фан ва дин дарахти уруғлари бирлашишидан униб чиқсан. Бу – фалсафа дарахти.

Фалсафа ҳам шунчаки бир дарахт – унинг бошқа дарахтлардан ҳеч бир устунлиги йўқ. Уни танлаган ва муҳимликка берилмаган инсонни у ҳам юксакларга олиб чиқади. Муҳимликка берилган одамни эса, у ҳам нафратпараст курашчига айлантиради.

Фалсафа дарахти илм-фан ёки дин дарахтичалик баланд эмас. Унинг вакиллари ерга яқин яшашади. Улар моддий бойлик ва қудрат ортидан қувмайди, бировлар билан беллашмайди. Шунинг учун уларнинг кўпчилиги инсоният тирмашиб олган дарахтлар ҳаммаси

бир ерда ўсишини, уларнинг асоси битта – инсон тафаккури эканини яхши билишади.

У ёки бу дарахт вакили бўлиш – тобелиkdir. Илм-фан ёки динни ўз ҳаёти мазмунига айлантирган одамлар қанчалик ўз дарахтларига қарам бўлишларини тасдиқловчи мисолларни ҳар ким келтира олади. Энг катта тобелик шундаки, ҳар қандай дарахт одамга дунё ҳақидаги билимларни яхши-ёмон, тўғри-нотўғрига ажратиб ўргатади. Одамда нима бунёдкор кучга эга-ю, нима вайронкор эканини ўзи мустақил ҳал қилиш имкони бўлмайди. У ўз дарахти белгилаб қўйган ҳақиқатлар асосида яшашга мажбур.

Кучли шахс бўлиш – эркинликни талаб қиласи. Аммо у ёки бу дарахтга маҳкам ўрнашиб олган одамни эркин деб бўлмайди. Эркин одам истаган пайт ўз дарахтидан тушиб, бошқа дарахтларни ҳам кўра олади. У ҳеч қачон ўз шахсиятини фақат битта дарахтга боғлаб қўймайди. Эркин одам ерда яшашни ҳам билади.

Бир кун келиб, ҳамма улкан дарахтлар қулласа, биз ҳаммамиз бир хил эканимиз, бир-биrimizni қоралаш ва айблашга – бир-биrimizдан нафратланишга ҳеч қандай асос йўқлиги ошкор бўлади. Ҳаммамиз яна ерда яшашга ўрганамиз. Ҳозир эса танлаган дарахтимиз шохлари орасида ўтириб, унинг мевасини еб, мевадан қолган данакларни қўшни дарахтдаги турдошларимизга отишдан ўзимизни тия олсак – тафаккуrimизни ўзаро фарқларни топиб, уларга асосланиб бир-биrimizни ёмон кўришга эмас, умумий жиҳатларимизга эътибор бериб, бир-биrimizни ҳурмат қилишга қаратсак – бунёдкор иш бўлади. Бу билан инсонлар ҳам, қанча адашмасин, бунёдкорликда бошқа мавжудотлардан кам эмаслигини амалда кўрсатган бўламиз.

Тилтегмас муҳимликлар

Яхши-ёмон ўйинига одам қанчалик муккасидан кетиши унинг ички ва ташқи муҳимлигига боғлиқ. Муҳимлик бизга яхшини ёмондан «тезроқ» ва «яққолроқ» фарқлашни ўргатади. Муҳимликнинг гапига кириб биз кимнидир улуғлаймиз, кимнидир камситамиз.

Илоҳийлаштириш – ҳар замонда катта оғат бўлган. Аслида қадри тенг бўлган дунёнинг таркибий қисмларига ҳаддан зиёт ортиқча аҳамят беришдан келиб чиқади бу ҳолат. Ҳар кимда бунга мойиллик бор – чунки ҳар биримизда ақл бор. Ақл ҳиссиётлар жумбушга келганда завқ олади.

Шу ўринда ҳиссиёт (емоция) ва туйғулар ўртасидаги фарқни аниқлаб олсак. Ҳиссиёт – асаб тизимининг иши ташқи ёки ички таъсир натижасида жумбушга келган ҳолат. Бунда танадаги табиий жараёнлар бузилади, турли ҳиссиётда турлича моддалар ишлаб чиқарилади ва асаб толаларини «қитиқлайди». Бунда тана катта қувват сарфлайди – буни кучайган терлаш, титроқ ёки совуқ тер сифатида билиш мумкин. Эмоциялар қисқа муддатли ҳолатдир – чунки тана узоқ муддат бундай ҳолатга чидай олмайди ва бу ҳолатдан ўзини олиб чиқишга интилади. Табиий ҳолатда ҳиссиёт ҳеч қачон юзага келмайди – уни фақат ақл пайдо қилиши мумкин. Агар тана ҳиссиётни ўз вақтида бостира олмаса, иммунитет одамни ҳушсизлантириб, қувват сарфини тўхтатишга мажбур бўлади.

Ҳиссиёт ўз келиб чиқиши ва кечишига кўра ақлий-жисмоний жараён. Туйғу эса кўпроқ руҳий-жисмоний ҳолат. Туйғу доимий ёки, камида, узоқ муддатли бўлади. Туйғулар табиий асосга эга бўлиб, одамга тирик қолишга ва насл қолдиришга имкон беради.

Севинч, ғазаб, ҳаяжон, ачиниш – муҳимлиқдан келиб чиқади. Уларни ақл пайдо қиласди. Очлик, тўқлик, қўрқув, қониқиш, хотиржамлик, меҳр, баҳт – туйғулар. Улар ақл назоратидан ташқарида. Ақл инсонда ҳадик уйғотиши мумкин – лекин қўрқита олмайди. Ақл инсонни севинчдан маст қилиши мумкин – лекин баҳтли ёки хотиржам қила олмайди. Ақл инсонга илоҳийлаштиришни ўргатиши мумкин – лекин меҳрибон бўлишни ўргатмайди.

Илоҳийлаштириш обьекти турлича бўлиши мумкин. Кимдир пулни ва, умуман, моддий манфатни илоҳийлаштиради. Кимдир бошқа инсонга илоҳийлаштириш даражасида ортиқча аҳамят беради. Маънавий нарсаларни – масалан илмни илоҳийлаштирадиганлар ҳам бор.

Моддий нарсани илоҳийлаштириш натижаси ҳаммамизга равшан. Бунда одам моддий бойлик ёки моддий қудрат учун ўз тинчидан воз кечади. Бундай одамларга уларнинг илоҳлари бўлмиш бойлика интилмаган, уни ҳурмат қилмаганларга ғазаб билан қараш одат бўлган. Улар бойлика эга бўлмаганларга ачиниш ёки камситиш билан қарашга ўрганишган. Бундай одамларни «пул ҳамма нарсани ҳал қиласди», «пулинг бўлмаса, ҳеч ким эмассан», «ночор бўлсанг, бунга ўзинг айбдорсан» каби таъкидлар орқали таниб олиш мумкин.

Шахсни илоҳийлаштириш ҳам қандай офатли ҳолат эканини тарих кўп марта исботлаган. Қадимги Мисрда фиръавнларни худо деб билингани-ю, ўз даврида Ленинни даҳои олам дейилгани бунга яққол мисол.

Илоҳийлаштиришнинг энг яққол белгиси – унинг ҳеч қандай танқидга чидай олмаслигидир. Одамга у илоҳийлаштирган нарса ёки шахс ҳақида танқидий фикр билдириб кўринг – унинг энг катта душманига айланасиз. Чунки илоҳий нарса – танқиддан юқори туради. Ҳар қалай, илоҳийлаштиришга мойил одам шундай деб ўйлади.

Илоҳийлаштириш бугун ҳам кенг тарқалган офат. Авлиёлар, турли обидалар, минг йиллик дарахтлар, терисида арабча ёзувга ўхшаган доғлар билан туғилган чақалоқлар – ёки шунга ўхшашларни илоҳийлаштириш, афсуски, кўп учрайди. Бундай ҳолатга, баъзилар таъкидлагандек илмсизлик сабаб эмас. Ижтимоий аҳволи жуда жойида бўлган маълумоти олий одамлар ҳам бундай муҳимликка берилишади. Бу илоҳийлаштириш одамнинг қанчалик муҳимликка берилувчан эканига боғлиқ эканини – илмдорлик буни енга олмаслигини кўрсатади.

Аввал айтганимдек, илмнинг ўзини ҳам илоҳийлаштирадиганлар бор. Улар илмсизликдан ва илмсизлардан ҳазар қилиб яшашади. Билимни илоҳийлаштириш ортидан фарзандларини пора бериб бўлса ҳам ўқишига жойлаётганлар ёки билимли бўлиш учун кўп инсоний жиҳатларни қурбон қилаётганлар бунга мисол. Улар аслида билимни эмас – у келтириши мумкин бўлган моддий қудратни илоҳийлаштиришади аммо буни ўzlари билмайди ёки билиб туриб тан олмайди.

Навбатдаги таъкид илоҳпарастларда менга нисбатан камида норозилик уйғотади. Бу дунёда ҳеч нарса илоҳий эмас. Буни тушуниш учун муҳимлиқдан қутилиш, дунёга сергак назар солиш зарур.

Бу ҳақиқат биз кўп марта такрорлайдиган сўзларда айтиб ўтилган. Ҳар сафар калимаи шаҳодатни айтганимизда биз нафақат бу дунёда – мавжуд ҳамма дунёларда яратувчидан бошқа илоҳ йўқлигини таъкидлаймиз. Биз баъзида эътиборсиз айтадиган ана шу жумлада буюк – ва жуда ҳам оддий ҳақиқат айтилган: бу дунёда ҳеч нарса илоҳийлаштирилиш даражасида муҳим эмас.

Илм-фанни илоҳийлаштирадиган дўстларимизга алоҳида таъкид: фан ҳамма нарсага қодир эмас. Бир вақтлар иложсиз нарсалар бугун фан туфайли амалга ошганини баҳона қилиб, илм-фанни илоҳийлаштируманг – чунки у илоҳий бўлганда ҳамма нарсани бирданига кашф қилган бўларди.

Динни илоҳийлаштирадиган дўстларимизга ҳам алоҳида эслатма: дин – илоҳий эмас, уни бизга йўриқнома қилиб берган яратувчи қудрат илоҳий. Ҳеч бир одам – хоҳ у шайх бўлсин, хоҳ авлиё – илоҳий эмас, барчамизни оддий одам қилиб яратган қудрат илоҳий.

Муқаддас китоблар битилган олий сифат қоғоз ва ҳайвон терилари илоҳий эмас – улар бизга айтаётган ҳақиқатлар илоҳий. Чунки оғат келса, у китоблар ёнади, аммо улар айтган ҳақиқатлар ҳеч қачон йўқолмайди. Шу жумладан бу дунёда ҳеч нарса илоҳий эмаслиги ҳақидаги ҳақиқат ҳам. Бу ҳақиқатларни қоғозга кўчириб, ғилофга солиб, бизга сотилаётган туморлар илоҳий эмаски, бизни омон сақлаб, муродимизга етказса - у ҳақиқатларни англаб етиб, қалбимизга кўчирсаккина, улар ўз илоҳий кучини кўрсатади.

Тўғу-тошлар орасида яшайдиган авлиё сизга бахтга ёки соғликка эришиш учун бир дуони кунига юз марта қайтаринг деса-ю, ҳаммасини қилиб ҳам, сиз ўзингизни бахтли ҳис қилмасангиз – янги топган авлиёйингизни ёки ўзингизни айбламанг. У ёки бу дуо сўзлари илоҳий эмас – уларнинг маъноси, сизга етказмоқчи бўлган фикри илоҳий. Ана шу маънода сизга бахтли бўлиш сири айтиб қўйилган. Нафсни тийилса, озода юрилса, муҳимлик ва айирмачиликка берилиб, одамларга зулм қилинмаса – ана шунда

одам беташвиш ва бедард яшаши ҳақида айтилган ана шу юз марта қайтараётган дуоларингизда. Моддий воситалар эмас, яратувчи кучга илоҳ деб қараш, ундан мадад кутиш, унинг меҳрини билиб яшаш бахтга энг тўла ҳаёт экани очиқ-ойдин айтиб қўйилган сиз ўпиб, кузларингизга тўтиё қилаётган ана шу ёзувларда.

Ҳаммамиз оддий одаммиз, ҳамма нарса оддий нарса, ҳар қандай воқеа оддий ҳодиса. Муҳимлик бизни аслида оддий бўлган нарсаларни илоҳий деб билишга мажбур қиласди. Агар унинг бу найрангига учсак, аслида илоҳий бўлган ҳақиқатлардан узоқлашамиз. Асл ҳақиқатлардан узоқлашган одам эса ўзлигидан ва ўз яратувчисидан узоқлашади. Ҳақиқатга эришиш йўлингизни, бунда сизга йўл кўрсатган шахслар ва восита бўлган нарсаларни илоҳийлаштирсангиз – ҳақиқатдан йироқлашасиз. Бу ҳар кимнинг ўз танлови.

Қани энди ер ютса

Илоҳийлаштириш ва унинг оқибатлари билан танишиб олдик. Келинг, энди унинг акси билан танишамиз.

Муҳимлик энг жумбушга келган ҳолатлардан бири – нафратdir. Бу ҳис ҳаммамизга таниш. Ҳар биримиз камида бир марта бўлса ҳам кимдандир ёки нимадандир нафратланганмиз.

Ҳудди меҳрга тайинли таъриф бериб бўлмаганидек, нафратга ҳам аниқ бир изоҳ бериш қийин. Бир сўз билан айтганда, нафрат – дунёда бизга ёқмаган нарсани ўзгартиришга бўлган кучли бузғунчи хоҳишни ифодаловчи ҳиссиёт.

Нафратнинг ортида ҳам кўринмас бошқарувчи бўлиб яхши-ёмон ўйини туради. Биз айнан ёмон деб билган нарсалардан нафратланамиз, ёмон деб билган одамларни қаҳримизга дучор қиласмиз.

Аммо нафрат муҳимлик иштирокисиз пайдо бўлмайди. Айтайлик, мен жуда кўп нарсаларни ёмон кўраман. Лекин уларнинг ҳаммасидан нафратланмайман. Нега? Чунки уларнинг ҳаммаси ҳар хил аҳамиятга эга. Унча муҳим бўлмаганига мен шунчаки ғашлик

билан муносабат билдирсам, ўта муҳим бўлгани менда ашаддий нафрат уйғотади.

Сиз нималардан ёки кимлардан нафратланасиз? Улардан нима учун нафратланасиз? Балки, сиз ана шу нафратланаётган нарса ёки шахсларга ўта катта аҳамят бериб юборгандирсиз? Бу юзаки саволлар эмас – улар устида бир оз ўйлаб кўринг.

Одам ҳар доимӣ унинг муҳимлигига тегадиган нарсалардан нафратланади. Менинг ғуруримга, нафсониятимга, обрўйимга ёки ҳурматимга тегадиган гапларни гапирган одам нафратимга эга чиқади. Биз ҳар доим шахсий муҳимлик туйғуйимизга тегадиган одамлардан нафратланамиз.

Ўз ночорлигидан муҳимлиги эзилиб юрган камбағал унга ана шу ночорлиги ҳақида эслатган бойдан нафратланади. Бой унга мутлақо ҳеч нарса қилмаган бўлса ҳам – у ўз тўкин ҳаёти билан бечоранинг шахсий муҳимлигига зарба беради.

Психологиянинг олтин қоидаси бор: ҳар ким ўз ожизликлари ҳақида эслатган одамларни ёмон кўради. Бу қоидани батафсил тушуниришимдан олдин огоҳлантирай – у сизга ёқмаслиги мумкин. Чунки унинг ўзи ҳам сизга ожизликларингиз ҳақида эслатади.

Масалан, ич-ичида ўзи қўрқоқ бўлган одам бошқа қўрқоқ одамлардан нафратланади. Уларни кўрганда астойдил унутишга ҳаракат қилган камчилиги эсига тушади ва комплекси бир қўзғалиб қўяди. Комплекс тўполони эса ҳеч кимга ёқмайди.

Илми паст одам илмсизлардан нафратланади. Эътиқоди заиф одам динсиз ёки ғайридинлардан нафратланади. Ўз хатоларидан қочиб юрган одам ўзгалар хатосидан ва хато қилганлардан нафратланади. Ўз камчилигидан нафратланган одам бошқалар камчилигидан нафратланади. Ўзидан нафратланган одам бошқалардан нафратланади.

Нафрат – бузғунчи туйғу. Нафрат устида қилинган иш ҳеч қачон бунёдкорликка олиб келмайди. Нафрат биринчи ўринда ўз эгасига зарар етказади. Нафратланган одамнинг ошқозони кўп ва кучли кислота ишлаб чиқаради – натижада овқат ҳазм қилиш жараёни издан чиқади, қон сифати бузилади. Шу боис нафратга мойил

одамларнинг юзлари совуқ тус олади. Бундан ташқари, нафрат, ҳар қандай кучли ҳиссиёт цингари, асаб тизимиға катта босим ўтказади ва уни чарчатади.

Нафратнинг кўзи кўр бўлади. Биз нафратланган одамимизни одилона баҳолай олмаймиз. Бизнинг нафратимизни қўзғаган унинг бир жиҳати бошқа ижобий ҳислатларини биздан тўсиб қўяди. Ваҳоланки, биз нафратланган безори аслида жуда эътиборли ва меҳрибон бўлиши мумкин. Сиз нафратланган ғайридин ҳам кўнгли тоза шахс бўлиши мумкин. Сиз нафратланган илмсиз аслида беғараз инсон бўлиши мумкин.

Нафратнинг яна бир зарари бор: нафрат нафратни келтириб чиқаради. Биз жуда кўп ҳолларда нафратимизга нафрат шаклида жавоб оламиз. Наилож, муҳимлик ҳамманинг елкасига маҳкам миниб олган – ким ҳам унга нафрат билдирган одамни осонгина кечириб, унга меҳр кўрсатмаса ҳам, жавоб нафрат қайтаришдан тийина оларди.

Ким бўларди – сергак одам шундай қилади. Сергак одам кимдирнинг нафрати унга зарар етказмаслигини билади. Сергак одам нафрат кўрсатаётган одам бу иши билан ўз ожизлигини тан олаётганини англаб туради. Нафрат эгаси ўз-ўзини адo қилаётганини тушунади ва унинг шу «бунёдкор» ишига ҳалал бермаслик учун жимгина ўгирилиб кетаверади.

Нафратдан ҳоли одам – эркин одамдир. Агар мен нафратланишга мойил бўлсам – мени бошқалар ўз измиға осон солади. Бошқалар ўз мақсадларини менинг нафратим қоғозига ўраб кўрсатса бас – мен шу мақсад йўлида жонимдан кечишга тайёр бўламан.

Тарихда бир халқни бошқа халқ устига бостириб боришга кўндиришда подшолар баъзида нафратдан фойдаланган. Жуда кўп ҳолларда нафрат катта харбий гуруҳларни жипслаштириб турадиган куч бўлган. Масалан, қадимги Римда қўзғолон бошлаган қул Спартак чўриларнинг ўз хожаларига бўлган нафратлари орқали улкан армия тузган. Бутун Римни жумбушга келтирган бу қўзғолон энг бошида жуда катта ютуқларга эришган. Чунки қўзғолон бошланганда қуллардаги нафрат даражаси жуда юқори бўлган ва улар Спартакнинг ортидан юриб, жон олиб жон беришган.

Аммо вақт ўтиб, эркин ҳаётга кўниккандан сўнг, улар хўжайинларидан кўрган зуғумларини аста унута бошлашган ва улардаги нафрат заифлашган. Шу билан бирга армиянинг харбий кучи ҳам сусайган. Натижада тўда иккига бўлинган. Бу пайтга келиб, қўзғолончи қуллар дастидан анча азият чеккан зодагонлар ҳам ягона нафрат остида бирлашган. Ана шу нафрат кучига таянган Рим армияси иккига ажраган қўзғолончиларни биринма-кетин йўқ қилган.

Бу нафрат алангалари ичида қуллар орасидан ҳам, оддий римликлар орасидан ҳам мутлақо нафратсиз яшайдиган минглаб begunoқ одамлар ёниб кетган. Спартакнинг нафратга таянган «еркинлик» учун жангига ана шундай оқибатларга олиб келган.

Юқоридаги каби мисолларда нафрат асослидек туюлади. Уни қул қилиб ишлатган, унга зулм қилган одамлардан Spartak нега нафратланмаслиги керак? Демак, баъзи ҳолларда нафрат ўзини оқлар экан-да?

Ҳеч қандай нафрат ўзини оқлай олмайди. Ҳар қандай вазиятда одамда танлаш имкони бўлади: нафрат ҳеч қачон ягона танлов эмас. Совуққонлик билан ўйлаб кўрилса, Spartak ҳам ўз вазиятини нафратсиз ҳам ўзгартириш йўлларини топса бўлади. Аммо у айнан нафратни танлади – ва бу танлови учун жони билан жавоб берди. Унга қўшилганлар ҳам нафратни танлади ва улар ҳам бу танловлари учун жонлари билан товоң тўладилар. Буларнинг бошида эса зодагонларнинг қулларга бўлган нафрати турган – римликлар ўз хизматкорларига камроқ нафрат кўрсатишни танлашганда, бу балолар юзага келмасмиди...

Шахсий ҳаётимизда ҳам ҳар биримиз қайсиdir вазиятларда нафратни танлаб, шу танловимиз учун катта ҳақ тўлаб яшаймиз. Нафрат бадалини соғлигимиз, кўнглимиз ва уйимиз тинчлиги билан, яқинларимиз фаровонлиги билан тўлаймиз. Бу танлов қимматга тушмаяптимикан?

Кейинги гал «қанийди шуларни ер ютса» дейишдан олдин ўйлаб кўринг: шуларни ростан ҳам ер ютса, дардингиз арийдими? Йўқ. Чунки дард сиз ерга тиқаётган ана шуларда эмас – сизнинг ўзингизда. У нафрат номи билан ақлингизнинг бир четида ўтирибди. Бутун дунёни ер ютса ҳам, у ўзига янги ўлжа топиб олаверади.

Чунки унинг касби шу. Махлуқни тинч тутиш учун унга қурбонлар бериб туриш ярамайди – махлуқнинг ўзини йўқ қилиш керак.

Касб танлаш

Менга мурожаат қиладиган ёшларнинг аксари бир муаммога дуч келганини айтади: улар ўзларига мос касбни танлай олмай қийналадилар. Шу боис мен касблар ва уларнинг моҳияти ҳақида алоҳида боб ёзишга қарор қилдим. Бу боб муҳимлик ҳақидаги бўлим остидан жой олганига ҳайрон бўлманг – бугун кўпчилик айнан муҳимлик ортидан эргашиб касб-кор танлайди.

Аввало, мутахассислик ва касб ўртасидаги фарқни аниқлаб олайлик. Мутахассислик – бу илмий ёки амалий соҳани ҳар томонлама ўрганишдан олинган билимлар мажмуи. Касб – мутахассислик билимларини ишлатиб, у ёки бу жараёнда иштирок этиш учун одамга тайинланган вазифалар тўплами.

Масалан, тилшунослик – бу мутахассислик. Бу соҳа вакили тил, унинг қоидалари, ривожланиш қонуниятлари каби кенг билимларга эга бўлади. Мана шу мутахассис энди турли хил касб эгаси бўлиши мумкин. У ўқитувчи, журналист, сұхандон, ёзувчи, таҳрирчи, таржимон бўлиб ишлаши мумкин.

Бугун кўпчилик мутахассислик ва касбни ажратা олмаганидан нотўғри қарорлар қабул қиласди, нотўғри хулосаларга келади. Натижада ёшлар мутахассисликни мўлжалга оляптилар-у, касбни ҳисобга олишмаяпти. Бугунги ёшлар иқтисодчига биологияни билиш керакмас деганга ўхшаш хато тушунчалар билан улғаймоқда. Иқтисод соҳаси мутахассиси биологиядан узоқ юради – бу тўғри. Лекин унинг касби биологияга алоқадор бўлса-чи? Масалан, иқтисодчига дори-дармон ишлаб чиқарадиган корхона иш таклиф қилса-ю, иқтисодчи кимё ва биологиядан умуман бехабар бўлса – у бу ташкилотга бир тийин ҳам фойда келтирмайди, касбий ривожланмайди ва тез орада унинг баҳридан ўтишади.

Сиз келажақдаги касбингиз қандай бўлишини ҳисобга олиб иш тутинг. Одам қайси мутахассислик эгаси бўлса ҳам, касб-кор талаби

билинг мутлақо бошқа соҳадан билимлар олишга мажбур бўлади. Шунинг учун мактабдаги барча фанни яхши ўзлаштириш керак.

Ёшлар у ёки бу касб эгаси айнан нима иш қилишини билмаганликларидан, касб танлашда қийналадилар. Мен сизга касбларни моҳиятига кўра гурухларга ажратиб кўрсатаман – қандай иш билан келажақда ўзингизни таъминлашни эса сиз танлайсиз.

Биринчи гурух – бу яратувчи касблар. Бу касблар шажарасининг бошида турадиган машғулот турлари. Бу касблар тинч замонда ҳар доим керак бўлади. Бу гурух касблари ўз таърифига монанд махсулотлар яратади. Ошпаз, қурувчи, мухандис, дехқон, ҳайкалтарош, косиб, чевар, дастурчи – яратувчи касбларга мисоллар. Дунёда минглаб яратувчи касблар бор ва сиз рўйхатни ўзингиз давом эттиришингиз мумкин.

Яратувчи касб эгалари ҳар ерда ва ҳар замонда керак одамлар. Биз истеъмол қиладиган, киядиган, ишлатадиган, кўриб завқланадиган ҳамма нарсаларни шундай касб эгалари яратади. Уларнинг орасида озиқ овқат соҳасида яратувчанлик қиладиган (дехқонлар, боғбонлар, чорвачилар) энг катта ўринга эга. Сайёрамиз заҳиралари тугаб, аҳоли ошиб боргани сари, шу кўпайиб бораётган аҳолини боқадиган касб эгаларининг қадри ошиб бораверади.

Иккинчи гурух – хизмат кўрсатувчи касблар. Бу касб эгалари ҳаётимиз фаровон бўлиши учун зарур хизматларни кўрсатадилар. Шифокорлар, ўқитувчилар, савдогарлар, сартарошлар, дизайнерлар, алоқа операторлари, ҳайдовчилар – булар хизмат кўрсатувчи касбга мисоллар. Бу гуруҳда ҳам минглаб касблар бўлиб, одам ўз қизиқиши ва дунёқарашига мосини танлаб олиши мумкин.

Бугунги ёшларда давлат ташкилотларида ишлаш манфатлироқ деган тушунча бор. Давлат ташкилотларидағи кўпчилик мансаблар хизмат кўрсатувчи касб ҳисобланади, чунки бу ташкилотлар халқа хизмат кўрсатиш учун жорий қилинади. Агар одамларга хизмат кўрсатишга тайёр бўлмассангиз – бундай ташкилотда ишлашни кўзламаганингиз маъқул.

Учинчи гурух – бошқарувчи касблар. Бу гурухга жамиятда тартибни сақлаб туриш учун ишлайдиган касблар киради. Президент, вазир, ҳоким, раис, прокурор, судья, терговчи, инспектор – бошқарувчи касбларга мисоллар. Бу гурух касблари катта руҳий ва жисмоний зўриқиши, муддатсиз ишлаш, бошқалар учун жавобгарликни олишни талаб этади. Агар ана шу қурбонликларга тайёр бўлсангиз, шу туркум касб эгаси бўлишни кўзлашингиз мумкин.

Тўртинчи гурух – ижодкор касблар. Бундай касб эгалари номоддий (маънавий) бойлик яратиш билан шуғулланишади. Одам ўз хоҳши билан бу каби касб эгаси бўла олмайди – ижодкор касб эгаси бўлиш учун, одамда маълум истеъдодлар ривожланган бўлиши керак. Ёзувчилар, шоирлар, мусаввирлар, раққослар, бастакорлар – ижодкор касб вакиллари. Бундай касб эгалари аҳолининг маънавий соғлом, руҳан тетик бўлиши учун, маданий ва эстетик муҳитни бойитиш учун ишлайдилар.

Бунда бир нарсани фарқлаш лозим: қўшиқчи ва созандалар (санъаткорларимиз оғзиларини тўлдириб «ижод қиляпмиз» дейишларига қарамай) – ижодкор касблар эмас, балки хизмат кўрсатувчи касблардир. Ижодни шоир ва бастакорлар қиласи – хонанда эса шу маънавий маҳсулотни халқа сотади, холос. Албатта, бунинг учун ҳам истеъдод керак. Бунинг учун истеъдод бўлиши шарт.

Яна бир гап – журналистлар ҳам ўзларини ижодкор касб эгалари деб билишади. Лекин журналистика ўз моҳиятига кўра ижоддан ҳоли, бадиий тўқима аралашмаган, одил ва ҳаққоний маълумот етказиш соҳасидир. Журналист – бу шоиртабиат, таъсирчан нозиктаъб ижодкор эмас, журналист – бу совуқкон, зеҳнли, ҳиссиётларни аралаштирмай бор гапни борича ёза оладиган одам.

Яна бир гурух касблар бор – заараркунанда касблар. Бундай касб эгалари жамиятга фойдадан кўп зарар келтиради. Ўртакашлар, даллоллар, чайқовчилар (олиб-сотарлар), рекламачилар (одамларга керак нарса рекламага муҳтоҷ эмас) – бу касб эгалари бошқа касб эгалари яратган моддий ва номоддий бойликтан улуш олиш ҳисобига кун кўради. Бугун уларнинг орасида энг обрўси баланди – рекламачилар. Бу соҳа вакиллари ўзларини ким деб

аташмасин, уларнинг иши бозорда сунъий талаб яратиш. Махсулот одамларга чиндан керакли бўлса, ишлаб чиқарувчи уни бозорга олиб чиқса бас – одамлар ўзи билиб олаверади. Жуда кўп ҳолларда бизга керакмас дори-дармон, буюмлар, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини айнан рекламачилар найрангига учиб сотиб оламиз.

Юқорида гурухланган касбларнинг ҳар бири ўз ўрнида жамиятга керак. Қайси касбни танласангиз ҳам, қиласидиган ишингиз одамларга амалий фойда келтиришини билинг. Ана шунда даромадингиз ҳам ҳалол ва барқарор бўлади.

Касб танлашда унинг яхши-ёмонлигига қараманг – дунёда ёмон касб йўқ. Зааркунанда касблар ҳам бошқа иш қўлидан келмайдиган аҳоли қисмини боқиб тургани керак. Аммо кучли шахс бошқалар ҳисобидан яшамайди.

Касбингизда яратувчанлик, хизмат кўрсатиш, бошқарувчилик қобиляти ва озгина ижодий ёндашувни уйғунлаштира олсангиз – ана шундан ишингиз сиз учун завққа айланади. Касб-кор, албатта, моддий таъминот учун зарур. Лекин муҳимликдан ҳоли кучли шахс эгаси ўз касбини ҳам севади ва ундан мароқланиб яшайди. Бундай одамлар ишга байрамга боргандек хурсанд кетадилар. Чунки улар ўз вақтида тўғри нарсаларни ҳисобга олиб, ўзларига (жамиятга, оиласига, мутахассислигига эмас – айнан ўзларига) энг мос касбни танлаган.

ЧОРШАНБА

Кемтиклар

Босди-босди қилингандар

Муҳимлик ва қўрқувлар таъсирида бизнинг шахсиятимизда турли хил кемтиклар юзага келади. Бу жараён шунчалик «парда ортида» кечадики, биз уни кўпинча умуман пайқамаймиз.

Онг ҳудди улкан фабрикадек ишлайди. Ўз-ўзича унинг фаолияти бир текис кечади – у ўзи қилиши керак бўлган ишларни хотиржам қиласкеради. Аммо баъзида ана шу фабрика фаолияти муҳимлик ёки қўрқув босими остида издан чиқарилади. Бунда фабрика сифатли маҳсулот ўрнига, жуда кўп зарарли чиқит чиқаради. Нормал фаолияти бузилган онг чиқарган ана шундай «чиқинди»лар бизнинг шахсиятимизни булғайди.

Онг фабрикасининг нормал фаолияти учун шунчаки одам хотиржам бўлиши керак. Хотиржам одамнинг онги бир маромда, ортиқча зўриқишиз, кескин ўзгаришиз ишлайди. Онг тананинг бошқарув маркази бўлгани сабабли, унинг мўтадил ишлаши бутун организм саломатлигини таъминлайди.

Муҳимлик ёки қўрқув таъсирида одам хотиржамлиқдан айрилса, унинг онги асосий вазифалари қолиб, муҳимлик келтириб чиқарган ҳиссиётларни қайта ишлаш билан шуғулланади. Бу ҳиссиётлар муҳимлик кучига қараб енгил ёки жуда оғир бўлиши мумкин.

Айтайлик, мана сиз хотиржам ўтирибсиз. Танангиз бўшашган, кўнглингиз кенг. Шу пайт кимдир келди-да, сизга бир гап айтди. Муҳимлик бу гапни сизга жуда ёмон қилиб қўрсатди ва бундан сизнинг ғашингиз келди. Тана мускулларингиз дарҳол таранглашди, онгингиз фаолияти ғашлик ҳиссидан кескин бузилди.

Бу ҳолатда онг олдида янги вазифа пайдо бўлади: у ана шу ғашлик ҳиссини «бир ёқлик» қилиши керак. Чунки ҳиссиётлар ўз вақтида сўндирилмаса, улар тана соғлигига зарар етказади (тасаввур қилинг, бир марта ғашингиз келиб, ана шу ҳисдан қутулолмасангиз, доим ғашлиқда юрсангиз – бу нақд дўзаҳнинг ўзи бўларди).

Муҳимлик келтириб чиқарган ҳар қандай ҳиссиёт – нотабиий, ва онг ундан имкони борича тезроқ қутулишга урунади. Булар жумласига ижобий ҳислар ҳам киради – танамиз ҳаяжон, севинч, эйфория каби ҳиссиётлардан ҳам тезда халос бўлишга интилади. Чунки улар ҳам ўз келиб чиқишига кўра нотабиий ва заарли.

Онг учун ҳиссиётлардан қутулишнинг жуда оддий ва мантиқий усули бор: у шунчаки ҳиссиёт охиригача ифода этилишига имкон беради. Масалан, юқоридаги мисолдаги ғашлик ҳиссидан сиз ўз норозилигингизни айтиб халос бўласиз. Бу эмоциядан қутулишнинг энг осон ва табиий усули.

Турли эмоциялар одам танасида турлича реакция уйғотади. Аммо уларнинг умумий қонунияти шундай: ҳар қандай эмоция танада ортиқча қувват сарфини юзага келтиради. Бу қувват ҳар қандай ҳолатда жисмоний фаоллик билан юзага чиқарилади. Шунинг учун биз севинсак – сакрагимиз, қўрсак – қичқиргимиз ёки қочгимиз, ғазаблансак – бир нималарни уриб синдиригимиз келади.

Аммо ҳиссиётларни «қайта ишлаш» жараёнига онг фабрикасига ўзини ўзи раис қилиб сайлаб олган ақл аралашса – жараён издан чиқади. Масалан, менга кимдир ёқимсиз гап айтса ва муҳимлигим ошиб, бу гапдан ғашлансан, менда заарли ҳиссиёт пайдо бўлади. Табиий тартибга кўра мен бу ҳиссиётдан ўз ғашлигимни сўз билан ифодалаб, халос бўлишим керак. Аммо ақлим менга «одобли» бўлишни баҳона қилиб, ана шу ҳаракатдан тийиб қолади ва эмоцияни «босди-босди» қилиб юборишга урунади.

Биз жуда кўп ҳолларда ўз ҳиссиётларимизни эркин ифода этмаймиз. Бунга ҳам муҳимлик сабаб бўлади. Атрофдагиларни деб ҳиссиётларимизга табиий усулда жавоб бермаймиз. Жаҳлимиз чиқса ҳам, севинсак ҳам, қўрқсак ҳам – жим тураверамиз.

Хўш, бунинг нимаси ёмон? Бу одам яхши тарбия кўрган дегани эмасми? Маданиятли одам шундай қилмайдими, ахир? Билмадим. Менимча бу таъкидлардаги «тарбия» ва «маданият» сўzlарига ҳаддан зиёд муҳимлик ортилган ва уларда табиийликдан асар ҳам йўқ.

Гап шундаки, охиригача ифодаланмаган ҳиссиётлар иккиламчи онга сиқиб чиқарилади. Иккиламчи онг – онг фабрикасининг орқа ҳовлиси, омбори. Ақл асосий онг билан овора бўлиб, у ерга камдан-кам назар солади. Натижада иккиламчи онг қаровсиз қолган омбордек ифлосланиб кетади. «Босди-босди» қилинган ҳиссиётлар ана шу омборни булғаб – заҳарлаб ётади.

Иккиламчи онг – онгнинг каттароқ ва кучлироқ қисми. У ўзи мустақил равишда тананинг жуда муҳим ҳаётий жараёнларини бошқаради. Масалан, ухлаб ётганимизда бирламчи онг ўчган бўлади, аммо биз эрталабгача бир неча марта танамиз ҳолатини ўзгартирамиз. Бу ҳаракатларни иккиламчи онг бошқаради – агар тун бўйи бир ҳолатда қолиб кетсан, босиб ётган томонимизга қон яхши бормаслиги туфайли у ердаги тўқималар заарланиши мумкин. Иккиламчи онг буйруғи билан уйқуда у ёқдан бу ёққа ўгирилишимиз сабаби ана шу.

Ҳиссиётларга келганда онгнинг дастури тайин – шу ҳиссиётни хатти-ҳаракат тарзида ифода этиш. Агар ҳиссиёт ифодаланишига ҳалал берилмаса, асосий онг ана шу дастурни бир марта амалга оширади ва ҳиссиёт юқидан танани озод қиласди.

Аммо табиий усулда ифода этилмасдан, иккиламчи онга суриб чиқарилган ҳиссиёт ана шу ерда доимий қиласди. Иккиламчи онг шу ҳиссиётга нисбатан белгиланган дастурни қайта-қайта бажараверади. Чунки иккиламчи онг у ёки бу ҳиссиётни ифода этганини назорат қилмайди. У фақат тегишли дастурни амалга оширишни билади, холос.

Масалан, бир одамнинг жаҳли чиқди. У бу эмоцияни очик ифода этмади-да, уни босдирди. Ҳиссиёт унинг иккиламчи онгига сиқиб чиқарилди. Одам жаҳли чиқса нима қиласди? Энг биринчи панжа мускуллари таранглашиб, қўл муштга тугилади. Яъни онгнинг жаҳл ҳиссига нисбатан дастури – қўлни мушт қилиш ҳаракати. Иккиламчи онга суриб чиқарилган жаҳл ҳисси ана шу дастурни қайта-қайта (ёки доимий) амалга оширади. Натижада, одам ўзи билмаган ҳолда қўлинни мушт қилаверади. Мудом жаҳли чиқиб, ғазабини тийиб юрадиган одамларнинг қўллари доим муштга тугилган бўлади.

Танангиздаги жуда кўп оғриқ ва ҳасталиклар – ифлосланган иккиламчи онг натижаси. Онгингиз омборида «босди-босди» қилинган минглаб ҳиссиётлар бор. Уларнинг баъзилари мускулларингиз фаолиятини бузиб, қон тўғри айланишига ҳалал берса, бошқалари танадаги турли безлар фаолиятини бузади ва модда алмашинувини издан чиқаради (масалан, иккиламчи онгга сиқиб чиқарилган ҳиссиётлар таъсирида ошқозоности бези иши бузилади ва одам қанд қасаллиги билан оғрий бошлайди).

Агар уйқингиз нотинч, тушларингиз қўрқинчли ёки ҳаяжонли бўлса – демак, иккиламчи онгингизда жуда кўп ҳиссиёт тўпланиб қолган. Уйқу – асосий онг (ва унинг ўзбошимча раиси – ақл) ўчадиган пайт. Бунда тана тўлиғича иккиламчи онг измида бўлади. Агар одамнинг иккиламчи онги бостирилган ҳиссиётларга тўла бўлса, улар уйқуда юзага чиқади ва Қодирий таърифлаган «жинлар базми» бошланади.

Бахтимизга, иккиламчи онгни тозалаш мумкин. Онг омборидаги кераксиз ҳиссиётларни чиқариб ташлаш даркор. Биз кўпинча кун бўйи омборимизга тиқиб келган ҳиссиётларимизни оиласиз даврасига келганда юзага чиқарамиз. Кундузи бўлган нарсалар ҳақида ҳаяжон ёки ғазаб билан гапириб берамиз. Ёки ишда «обрўли одам»га нисбатан қила олмаган жанжални уйда қиласиз. Шу билан иккиламчи онгга қамалган ҳиссиёт юкидан қутиласиз. Бунда бегоналар олдида ҳиссиётларни «одоб» ваъжи билан бостирган ақл яқинларимиз олдида уларга эрк беради (яъни бегонларни ҳиссиётларимиз зааридан эҳтиёт қилиб, яқинларимизни шу юкни ўзларига олишга мажбур қиласиз).

Лекин ўзимиз ва яқинларимизнинг қайфиятини бузмасдан ҳам бу муаммони ҳал қилиш мумкин. Бунинг учун ҳиссиётлар келганда, уларни ҳеч кимга зарари тегмайдиган қилиб ифода этиш керак. Жаҳлингиз чиқса – ўтин ёринг, лекин ҳеч кимга қўл кўтарманг. Бунда, албатта, ҳиссиётдан қутуласиз – аммо катта ҳаётий қувват йўқотасиз ҳам.

Қувват сарфламаслик учун, шунчаки, ана шу ортиқча ҳиссиётларни ортириласлик керак. Мухимликка берилмаса, одамда заарарли эмоциялар пайдо бўлмайди, асосий онг фаолияти ҳам бузилмайди,

иккиламчи онг ҳам чиқинди ҳисларга тўлиб кетмайди. Жуда оддий ва самарали ечим.

Номпарастлик

Ушбу бўлимдаги баёнлар аста-секин шахсий комплекслардан ижтимоий муаммолар мавзусига ўтиб бораётганини сезган бўлсангиз керак. Бу бежиз эмас. Ижтимоий муаммоларнинг кўпчилиги асосида жамиятни ташкил этган алоҳида шахсларнинг комплекслари ётади. Шундай экан, кемтиклар ҳақидаги бўлим ўз мантиқий давоми сифатида ижтимоий муаммоларни муҳокама қилади.

Ўтган галги суҳбатда ҳам биз бир икки ижтимоий муаммоларга тўхталиб ўтгандик. Бугун биз сиз билан замонимизнинг яна бир долзарб кемтиги – номпарастлик ҳақида гаплашамиз. Унинг таърифи таҳминан қуйидагича:

Номпарастлик – шахсий ва ташқи муҳимлик оқибатида алоҳида шахслар ёки бир груҳ одамларнинг ном чиқариш ёки мавжуд бўлган номни сақлаб қолиш учун у ёки бу ишни қилишлариdir.

Бошқача қилиб айтганда, бошқаларда керакли тасаввур уйғотиш учун моддий ва, афсуски, баъзан маънавий қурбонликлар келтириш ҳолати – номпарастлик. Номпарастлик баъзида халқ мақолларида ҳам учраб туради: «пул кетса кетсин – обрў кетмасин». Унинг шаклланишида бирданига бир нечта омиллар (комплекслар) иштирок этади.

Номпарастлик авж олишига биринчи навбатда ижтимоий андозалар сабаб бўлмоқда. Бугун яхши уй-жой, сўнги русумдаги автомашинага эга оила – фаровон оила тимсоли деб қабул қилинган. Ана шу каби андозаларга мос келишга интилиб, одамлар ўз фаровонликларига зид иш қилмоқдалар (жуда ажойиб ҳолат – «фаровон оила» андозасига тушиш учун, асл фаровонликдан кечиш).

Нима деб ўйлайсиз – сўнги пайтда нега машина сотиб олиш авж олди? Наҳотки, одамларнинг автотранспортга бўлган талаби

шунчалар ошаётган бўлса? Сўнги йилларда аҳоли эгалик қилаётган автомашиналар сони қанчага ошди-ю, аҳоли сони қанчага ошди?

Мен одамларга ўз пулларини нимага сарфлашни ўргатмоқчи эмасман. Шубҳасиз, ўз даромадини қандай тақсимлаш – ҳар кимнинг шахсий иши. Мен фақат жамиятдаги умимий жараённи кўрсатиб ўтмоқчиман – бу жараённинг қанча қисми ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқяпти-ю, қанчаси номпарастлик сабаб қилиньяпти – ўзингиз чамалаб оларсиз.

Келинг, юқоридаги мисолга соф иқтисодий жиҳатдан ёндашиб кўрамиз. Ҳар қандай ҳарид – ўз-ўзича бир сармоя. Масалан, биз озиқ овқатга қанчадир пул сарфлаймиз, чунки кейинчалик шу озиқ-овқатдан олинган қувват билан биз яна-да кўпроқ маблағ топишимиз мумкин. Яна масалан, биз мавсумга мос кийимларга маълум маблағ сарфлаймиз, чунки кийимлар бизни иссиқ ва совуқдан асрайди, касалликлар ва улар талаб этадиган ҳаражатларни тежаб қолади. Бу каби сармояларни киритишда биз шу сарфланган пулдан қайтадиган «даромад»ни ҳисобга оламиз.

Машина сотиб олиш ёки янги уй қуриш ҳам ўзига хос сармоя. Сармоя бўлиб ҳам, каттагина сармоя. Хўш, шу сармояни ҳар доим ҳам сергак ҳисоб-китоб билан қиласизми? Даромади ошиб, янги машина сотиб олишдан олдин бир вароқ қофозни олиб, унинг ўртасидан чизиқ тортиб, бир ёғига машина олса неча пул сарфлаши ва қанча тежаши-ю, олмаса бошқа мақсадларга қанча маблағ қолиши ва нималар йўқотишини ёзиб, хотиржам ҳисоб-китоб қилган одамларни кўп кўрганмисиз?

Мен машина сотиб олишни бекорга мисол қилиб олмадим. Замонни қарангки, бугун ўзимизда жуда бежирим машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Одамлар ойлаб-йиллаб навбатда туриб, пулини олдиндан тўлаб қўйиб олишяпти шу машиналарни. Мен ана шуни сира тушунмаяпман: одамларни шунчалик машина эгаси бўлишни исташга нима турткиласяпти? Бу, ҳар ҳолда, ана шу автотранспортга бўлган ҳақиқий зарурат эмас – чунки бугун кўчаларимизда транспорт хизматларини кўрсатишга тайёр енгил ва юқ машиналари жуда кўп.

Хеч ўйлаб кўрганмисиз: нега ўзимзидан чиқаётган машиналарни олиш жуда қийин? Нега давлат уларнинг нархини жуда юқори қилиб қўйган? Чунки давлат бу машиналарни экспорт қилиб, миллий иқтисодга иложи борича кўпроқ даромад келтирмоқчи. Давлат одамлар номпаратликка эргашиб, эҳтиёжи бўлмаса ҳам, шу машиналарни олавермасдан, даромадини бошқа мақсадларга сарфлашини истайди, менимча.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: битта автомашина пулига фарзандларингизга қанча китоб олиб берса бўлади. Шу пулни оилангиз учун соғлом турмуш тарзини яратиш, фойдали озиқланиш, яшаш шароитини яхшилашга сарфланса – яхшироқ эмасми? Агар оилангизнинг бошқа барча эҳтиёжларидан ортган даромадингиз бўлса – машина олганингиз бўлсин. Лекин еб-ичиши, кийим-кечаги ва яшаш шароитидан тежаб қолиб ёки бирорлардан қарз-қавола қилиб машина олганларнинг асл мақсадини тушуниш осонми?

Аммо давлат машина нархини оширгани сайин, одамлар бунга кутилганга зид муносабат билдиromoқда. Машина нархи қанча ошса, номпаратлик шунча кучлироқ турткиласяпти машина сотиб олишга. Муҳимлик одамларни ўзи ва атрофдагилар манфатига зид иш қилишга мажбур қиласяпти.

Номпаратлик илдиз отишига ҳисса қўшаётган яна бир иллат – бу тўда инстинктидир. Маҳаллада биттаси уйининг томини сопол билан ёпса, имкон топган қўшнилари ҳам шундай қилади. Бу ўзига хос ижтимоий телбалик. Баъзи «каттароқ»лар номпаратлиқда шу даражага борадики, қўшнисининг уйи унинг «номи»га мос бўлмаса, уйига келадиган меҳмонлари олдида «номи»ни сақлаш учун, қўшнисига уйини таъмирлашни айтиб тазийқ ўтказади. Менинг шахсий луғатимда бунақа ҳолатдаги муҳимликка таъриф берадиган сўзнинг ўзи йўқ.

Одам номпаратликка чалинишига унинг шахсиятидаги кемтиклар ҳам анчагина ҳисса қўшади. Бу дардга аввало нуқсонлилик комплекси эгалари мойил. Улар номпаратликни ўз нуқсонларини яшириш ёки ўрнини тўлдириш учун қурол қилиб ишлатишади.

Курашчи комплекси қурбонлари ҳам ўз номларини мустаҳкамлаш учун кўп нарсадан кечишга тайёр бўладилар. Бундай одамларнинг

асосий шиорларидан бири «ҳаммага ким эканини кўрсатиб қўйиш». Шундай экан, «ким эканини кўрсатиш» йўлида курашчилар номпаратлик этагидан тутиб борадилар.

Ҳимоячи комплекси эгаларида ҳам номпаратлик анча ривожланган бўлади. Улар ўз номлари, обрўлари, мавқелари, даражалари, шаънлари ва яна нималаринидир муттасил ҳимоя қилиш илинжи билан яшайдилар ва бу йўлда кўп қурбонликлар келтиришади.

Номпаратлик одамга маълум манфатлар келтириши мумкин. Аммо жуда кўп ҳолларда у катта зиён ҳисобидан натижа беради. Номпаратлик келтирган шуҳрат жуда заиф ва нисбий бўлади – сиздан номдорроғи чиққанда одамлар сиз ҳақингизда дарров унутади. Шундай экан, унга аталган вақт, куч ва пулингизни фойдалироқ ва бунёдкорроқ мақсадларга йўналтирангиз – ютаверасиз.

Фақат бунёдкор ва нафи катта ишлар қилган инсонлар номигина одамлар ёдида ва тилида доимий қолади. Бундай одамлар ўз даврида номпаратликка берилмасдан, кучларини асл ишларга сарфлагани учун, ҳали-ҳануз одамлар эъзозидалар. Улуғ номга эришишнинг энг қисқа йўли – номпаратлиқдан нари юришдир.

Қабул қилаётган қарорларингиз ортида номпаратлик турганини аниқлаш энди қийин бўлмаса керак. Номпаратлик сизга ўзини яхшиликка интилиш (гўзаликка талпиниш, чиройли кийиниш, чиройли яшаш, одамларда яхши таассурот уйғотиш каби) ниқоби остида кўрсатиши мумкин. Аммо сергаклик сизни бу қопқонга тушишдан тийиб қолади. Халқ кўзига яхши кўриниш учун эмас – халқ кўзига кўринадиган яхшиликлар қилиш учун яшаш завқлидир.

Тубсиз қудуқлар

“Қулдорлик – бирорлар ҳисобидан яшаш ва буни оддий ҳолат деб қабул қилиш одати”

(шахсий изоҳли луғатимдан)

Бугун молпастлик ва номпастлик ортидан одамларда (айниқса, ёшларда) жуда қадимги бир одат янгидан пайдо бўлмоқда. Замонамиз ёшлари имкони борича бирорлар ҳисобидан яшашга интилмоқда. Бу одат ҳар замонда ҳар хил аталган – лекин унинг асл номи қулдорлик.

Бунинг энг асосий сабабларидан бири – оиласдаги қулдорлик. Бугунги ота-она – фарзандининг ҳар қандай инжиқлигини кўтаришга тайёр қуллардир. Улар фарзандларини кийим-кечак, уяли телефон, машина, уй-жой, мебель ва яна алланималар билан таъминлаш учун меҳнат қиласдилар. Энг қизиги – шундай қилмаган қуллар бошқа қуллар томонидан «ёмон ота-она» сифтаида қораланади.

Намунали қуллар фарзандларини пул сарфлаб, ўқишга жойладилар – уларнинг келажагини таъминлашга ўзларини жавобгар сезадилар. Замонавий қулдорлар ота-оналари уларнинг олийгоҳда шартнома пулларини тўлашдан ташқари, ўқиш пайтида яшашларини ҳам таъминлашларини оддий ҳолат деб биладилар. Замонавий қулдорлар ота-оналари топган пулни порага сарфлаб бўлса ҳам ўз мақсадларига эришадилар.

Намунали қуллар бугун фарзандларига ресторонларда тўй қилиб беради – акс ҳолда қулдор ўзини бошқалардан кам ҳисоблаб қолади. Намунали қуллар фарзандларига ҳашаматли тўй қилишда беллашадилар – акс ҳолда бошқа қуллардан кам бўлиб қоладилар ва қадрлари пасайиб кетади. Замонавий қулдорлар қуллари уларга «даҳшат» тўй қилиб бермаса, ўзларини камситилган ҳис қиласдилар. Бир кунлик тўйга кўп ойга етадиган маблағни сарфлашмаса – аҳмоқлик қилгандек ҳис қиласдилар ўзларини.

Намунали қуллар бугун вояга етказиб қўйган «ҳожа»ларини «оёққа туриб олгунича» ҳам қўллаб турадилар. Қулдорларнинг

фарзандлари туғилиб, уларнинг ўзи қулга айланганда ҳам, бобо-қул ва момо-қул энди набиралари учун жон куйдиришни бошлайди.

Бу гапларни мен фақат инжиқ ва ҳудбин фарзандлар ҳақида айтмаяпман. Ҳар биримиз озми-кўпми мақсадларимизга эришишни ота-оналаримизга юклаймиз. Бу мақсад – сизники, унга эришиш – сизга керак. Лекин нимагадир уни ота-она таъминлаши керак. Агар сизнинг бутун шахс бўлиб етишишингизга ота-онангизни масъул деб билсангиз – сиз замонавий қулдорсиз.

Бугунги кундаги қулдорлик мисли кўрилмаган миқёсларга бориб етмоқда. Ота-оналарнинг фарзандларини таъминлаш учун асоссиз сарфлаётган пулларини ҳисобласа – ақлга сиғмайди. Ота-онасининг меҳнатини қул меҳнати каби кўрган, бунга кўниккан фарзандлар кейинги ҳаётда ҳам қулдорлик мавқеларини сақлаб қолишга интиладилар. Шу сабаб улар оз меҳнат қилиб, кўп пул топадиган ишларнинг ортидан қувадилар. Улар катта ҳаётда ҳам бошқалар ҳисобидан яшашни истайдилар. Энг ачинарлиси – улар шундай яшашни тўғри ва баҳтли деб ҳисоблайдилар.

Сиз кучли шахс бўлмоқчисиз – шундай экан, сиз билан аяб мулойим гаплашиш ортиқча. Менинг китобларимдаги фикрлар очиқ, аччиқ ва шафқатсиз бўлиб бораётгани сабаби шу – мен сизни аямасдан, ақлингизга зарбалар бериб гапиришни танляяпман. Ана шунда сиз шахсий ўсишдан тўхтамайсиз.

Бой бўлиш – қулдорлик. Буни «ҳалол меҳнат қилиб бой бўлиш» каби чиройли гаплар билан оқлашга минг уринсангиз ҳам – бу қулдорлик. Бунинг сабаби жуда оддий.

Битта одам баҳтли яшаши учун жуда оз нарса керак. Бошпана, озиқ-овқат, ҳавфсизлик. Тамом – қолгани ижтимоий эҳтиёжлар. Ҳаётда «кимдир» бўлишга интилишдан келиб чиқсан эҳтиёжлар қолганлари. Лекин одам меҳнат қилиб, ҳамма истакларига ҳам эриша олмайди. Бир ўзи меҳнат қилиб, бой бўлиш эса – умуман имконсиз.

Демак, бой бўлиш учун, бошқалар меҳнатидан даромад қилиш керак. Бу эса – қулдорлик. Бу – бошқалар ҳисобидан яшаш дегани. Ҳамма шундай қиляпти-ю деманг – биз сиз ҳақингизда гаплашяпмиз. Сизнинг шахсий ривожлнанишингиз, сизнинг баҳтли

бўлишингиз ҳақида гапиряпмиз. Хўш, сиз қулдор бўлишга тайёрмисиз?

Сиз муҳимликка эргашиб, харид қилган ҳар бир буюм, сарфлаган ҳар бир сўм қайсиdir қулдорни бойроқ қилишга, унинг қуллари сафини кенгайтиришга ҳисса қўшади. Давлатнинг ҳисобидан яшаш ҳам – қулдорлик, чунки давлатнинг сизга сарфлаётган пуллари – кимларнингдир меҳнатидан келган. Давлат учун ишлаб, одамларга нафингиз тегмаса – сиз текинхўр қулдорга айланасиз. Агар сиз бирорлар ҳисобидан яшаш, бойиш – кимлардир қилган меҳнатдан келган пулга смартфон, машина, квартира олишга рози бўлсангиз ва буни «ҳаёт қонуни» деб билсангиз – бу китобни ташлаб юборинг.

Қулдорлик анча аср олдин бекор бўлганига қарамай, бугун бизда ихтиёрий қулдорлик гуллаб-яшнаяпти. Бунга қуллар эмас – қулдорлар айбдор. Бу ҳолатни барҳам топтиришда қулдорлар ҳал қиласиган сўзни айтади. Ота-онасидан мустақил бўлишни танлаш – уларни кераксиз ташвишлардан ҳоли қилишни танлаш фарзанднинг қўлида.

Ота-она – сизга меҳр бериши керақ, холос. Уларнинг сизнинг олдингизда бошқа ҳеч қандай мажбуриятлари йўқ. Улар буни билмаса ҳам – сиз билинг. Камтарроқ тўй қилишни, камроқ сарпо олишни, мебель олишда беллашмасликни айнан сиз таклиф қилишингиз, бунда қатъий туришингиз керак. Тўй – бир кунлик байрам, ёш ойлани узоқ йиллар баҳтли ҳаёт кутмоқда. Бир кунлик байрамнинг аҳамиятини кўп йиллик турмушдан устун қўйиш – қулдорлик. Қуллар ҳам тирик жон, улар ҳам абадий эмас.

Ўз кучингиз билан мақсадларингизга эришишга қўйиб беришларини – сизга хатолар қилиб, улардан ибрат олишга имкон беришларини сиз исташингиз керак. Мақсадларингизга эришишда пора бериб, пора олиш – қулдорлик. Бу билан тубсиз қудукни тўлдиришга интиласиз, холос. Бошингизни чанглаб, мақсадингиз томон югуришдан тўхтасангиз – бу қудук тубсиз эканини, у ҳеч қачон тўлмаслигини англайсиз.

Тубсиз қудук – бизнинг эҳтиёжларимиз. Улар ҳеч қачон адо бўлмайди. Адо бўлмас эҳтиёжларини қондириш учун бойлик ортидан қувиш – қулдорлик. Қўлингизга келгунча сизни ҳар кўйга

солган бойлик, сизники бўлгандан кейин ҳам сизга тинчлик бермайди. Чиройли кийиниб, чиройли еб-ичиб, ҳашаматли уйларда яшасангиз ҳам, ташвишланишдан, йиғлашдан, қўрқишдан тўхтамайсиз. Кўнглингиз Дубайнинг осмонўпар мәҳмонхоналарида ҳам, тропик соҳилларда ҳам таскин топмайди. Чунки буларнинг барига бошқалар мәҳнати натижасида эришасиз – бу эса қулдорлик. Ота-онаси, яқинлари, кейинчалик бошқа одамлар ҳисобидан яшайдиган тобе одамлар ҳеч қачон бахтли бўла олмайдилар. Бу жуда оддий мантиқ.

Қулдорликни бекор қилинг. Ўз мақсадларингиз – ўз ҳаётингиз учун жавобгарликни ўз бўйнингизга олинг. Ота-онадан мөҳрдан бошқа нарса кутишни, улар сизга қуллик қилмаса – уларни қоралашни тўхтатинг. Сизнинг келажагингизни таъминлаш учун ота-она сиздан кўпроқ жон куйдириши оддий ҳол эканини тан олишни бас қилинг – сизнинг ҳаётингиз учун фақат ва фақат сиз жавобгарсиз.

«Яхши ҳаёт» қуришга интилиш тубсиз қудуқни тўлдиришга интилишдек гап. Сиз «мана эртага қудуқ тўлади, ана шунда бахтли бўламан» деб бугун қўлингиздаги бир челак сувни қудуққа тўкяпсиз. Аммо «яхши ҳаёт» қудуғи тўлмайди – ундан кўра, ана шу бир челак сувни бугунги бахтингиз учун ишлатинг.

Синган кўнгиллар

Ушбу бўлим ҳар шахснинг ҳаётида муаммога айланиши мумкин бўлган жуда нозик масалага бағишлиланади. Ҳаётимизнинг ушбу жиҳатига биз шу қадар катта аҳамят берамизки, унинг атрофида комплекслардан нақд гулзор яралади.

Ижтимоий босим таъсирида ақлнинг яхши-ёмон ўйинига берилишидан одамда интим ҳаёт билан боғлиқ кўплаб зарарли комплекслар ривожланади. Ўз жинсий ҳаётига доир комплекси бўлмаган одамни топиш қийин. Бу офат шунчалар кенг тарқалганки, бунда нима норма-ю, нима нормадан оғиш эканини ажратиб бўлмай қолган.

Жинсий ҳаёт ҳақида жуда кўп китоблар ёзилган – лекин бирортасида жинсий комплексга чалинмаслик ҳақида бирор нима айтилмаган. Нимагадир, бу мавзу ёки эътиборсиз қолдирилади – ёки, умуман, инкор этилади. Ўқувчидаги жинсий комплексни ривожлантириб қўядиган китоблар ҳам бор.

Жинсий ҳаёт – бу тана кўнгил истагига тўлиқ бўйсуниб ҳаракат қиласидиган жараён. Бунда қўлланмалар, кўрсатмалар ёки андозалар бўлиши – ёввойилик. Табиат ёзиб берган дастур ўзи жуда яхши билади нима қилишни ва қандай қилишни. Сизга жинсий ҳаёт ҳақида «сабоқ» берадиган китобларни ўқиб, сиз ўзингизда кераксиз комплексни авж олдирасиз.

Жинсий комплекс (кўпчилигимиз унга чалинганимизни асло тан олмасак ҳам) ҳаётимиз фаровонлигига жиддий рахна соладиган ҳолат. Барчамизда (айниқса, эркакларда) жинсий масалаларда ҳеч бир муаммосиз иш тутишимизга ишонч бор. Лекин ўзимизга очиқ савол бериб, унга очиқ жавоб берсак – жинсий ҳаётдан қониқмаслик бизга кўп руҳий азоб бераётгани ошкор бўлади.

Жинсий эҳтиёж – ҳар қандай тирик жоннинг асосий табиий эҳтиёжларидан биридир. Бу энг кучли эҳтиёж десак ҳам бўлади. Шу боис жинсий эҳтиёжнинг кўнгил (тана) истагандек қондирилмаслиги жуда кўп жисмоний ва руҳий хасталикларга сабаб бўлади. Бу хасталиклар ўз навбатида инсоннинг ўз ҳаётидан мамнунлик даражасини туширади ва унинг бошқа одамлар билан муносабатларини издан чиқаради.

Оилалар бузилиб кетишига энг асосий сабаб – жинсий ҳаётдан қониқмасликдир. Бунда жинсий комплекс жуфтлик ўртасига кўнгилсизлик солади. Кемтикли жинсий ҳаётдан аламзадалик инсон танаси ва онгини заҳарлаб боради ва бир кун келиб бу юзага чиқади.

Ўз интим ҳаётингиз ҳақидаги тасаввурларингизни қайта кўриб чиқиш учун сизга биринчи тамойил: инсоннинг интим ҳаётида норма бўлмайди. Жинсий фаолликнинг «тўғри» «ҳамма қабул қилган» ёки «тасдиқланган» қоидалари йўқ. Агар ўз табиий жинсий истакларингизга хотиржам қараб, уларни оддий қабул қила олмаётган бўлсангиз – демак, сизда комплекс бор.

Жинсий яқинлик – ақл иштирок этмаслиги керак бўлган жараён. Бунда ақл мутлақо ўчган, тана назорати тўлиғича кўнгилга топширилган бўлиши назарда тутилган. Кўнгил – меҳр султони. У энг зўр уддалайдиган иш – меҳр бериш. Жинсий яқинлик – меҳр султони ўз санъатини тўлиқ намоён қиласидиган вазият. Бунда унга ақл ювуқсиз қошиқдек ҳалал бериб турса – маросим бузилади ва ўз табиий гўзаллигини йўқотади.

Жинсий яқинлиқда баҳолаш ва шубхалар («тўғри ҳаракат қиляпманмикан?», «унга ёқяптимикан?») каллада айланиб турса – бу ақл ишга рухсатсиз қўшиляпти дегани. Умуман, ҳар қандай хаёл, чамалаш, баҳо бериш, роль ўйнаш илинжи бўлса – бу сохта маросим. Бу ақл унга аталмаган базмда ўйнаб қолмоқчи дегани.

Бу жуда ҳам аянчли ҳолат. Чунки жинсий яқинлик – кўнгилнинг базми. Ақл шунда ҳам унга эркинлик бермаса – кўнгил синади. Цинган кўнгил эса қайта тикланиши жуда мушкул.

Тўшақда ўзини у ёки бу қилиб кўрсатишга уринадиган маҳбублар бу сохталиклари билан ҳам ўзларининг, ҳам жуфтларининг кўнглини синдирадилар. Роль ўйнашга уринган одам билан жинсий яқинлик ҳар қандай одамни совутади ва жуфтига нисбатан бездиради.

Тўшақда муҳимлиги юқори ёки қуи одам бўлмайди. Катта-кичик, кучли-ожиз, эга-қул муносабатлари тўшақдан ташқарида қолиши керак. Жинсий яқинлиқда ҳамма тенг, ҳамма аҳамятсиз, ҳар кимнинг қадри бир хил. Бунда ҳеч ким бурчли ёки мажбур эмас, ҳеч ким ҳеч кимга эгилмайди, ҳеч ким ҳеч кимни эгмайди.

Агар жараёнга ақлни яқин келтирмасангиз – ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Жинсий яқинлиқда хатолар бўлмайди – бунда ҳеч ким ҳеч кимга гина сақламайди. Эҳтиросда икки жуфт бир-бирига берадиган жисмоний азоб ҳам ёқимли бўлади ва миннатдорлик билан қабул қилинади. Жинсий яқинлиқда одам йўл қўйиши мумкин бўлган ягона хато – бунда кўнгли қолиб, ақли билан иштирок этишидир.

Бизда жинсий ҳаёт билан боғлиқ муаммолар нега бунчалик кўп бўлади? Бунга икки сабаб бор. Биринчидан, биз бу масалаларга ўта катта аҳамят берамиз. «Тўғри» маҳбуб бўлиш, «яхши» маҳбуб

бўлишга ҳаддан зиёд кучли ҳаракат қиласиз. Натижада, ақл йўқ ердан муаммолар орттириб, жинсий комплексимизни кучайтиради.

Иккинчидан, биз жинсий масалалардаги муаммоларимизни «кўмиб» ташлашга, уларни ўзимиздан беркитишга, уларни унутишга уринамиз. Бу ҳақида ишонган яқинларимиз билан гаплашиш, буни муҳокама қилиш «ёмон» эканига ишонамиз. Умуман, жинсий муаммоларга эга бўлишнинг ўзи «ёмон» эканига қаттиқ ишонамиз. Натижада, комплекс онгимизнинг чуқур қатламларига суреб чиқарилади ва ўша ерда гуллайверади.

Жинсий яқинлик насл қолдириш билан боғлиқ бўлгани учун, табиат одам онгига ақлни бу жараёндан нари тутадиган маҳсус дастур ёзган. Агар шундай бўлмагандан, ақл вазият устидан тўлиқ назоратга эришиб, ишнинг белига тепган бўларди. Аммо ақл ҳам бўш келишни истамайди ва курашни кучайтиради. Натижада кўнгил базми бўлиши керак бўлган жараён ақл ва кўнгил курашига айланади ва ўз жозибасини йўқотади.

Севган инсонингизга меҳр беришни истадингизми – бошқа ҳамма хаёлларни миянгиздан чиқаринг. Нима қилаётганингиз ва қандай қилаётганингизни баҳолашдан воз кечинг. Сизни эҳтирос денгизи тўлқинларидан олиб ўтишни тўлиғича кўнгилга топширинг. Ҳаммаси тугагач, ақлингиз яна жонланиб, нима бўлганини англолмай қолади. Лекин тана бахтдан яйрайди – жинсий яқинлиқдан кейин аланглаб қолган ақл ва яйраётган тана қолсагина табиат ғолиб. Ана шунда кўнгиллар бутун қолади. Ана шунда ҳеч бир кўнгил синмайди.

Жинсий комплекс сизнинг баҳтингизга соя солишига имкон берманг. Сиз маҳбубингизни қандай севишингизни фақат кўнглингиз ҳал қилади. Бунда сизга қўлланма ҳам, қоидалар ҳам, намуналар ҳам керак эмас.

Ўз ўрнида, саломатлигингиз қадрига ҳам етинг. Кези келганда контрасептив (хомиладорликнинг олдини оладиган) воситалардан фойдаланишнинг ҳеч бир «ёмон» жойи йўқ. Бу билан сиз жинсий ҳаётингиз ёқимлилиги, руҳингиз тетиклиги ва танангиз соғломлигини таъминлаган бўласиз.

Жинсий масалаларда ўзингизга меъёрлар қўйманг. Жинсий яқинлик қанча бўлиши ва қачон бўлиши жадвалга солиб қўйилмаган. Кўнглингиз истаган пайт – меҳр бериш учун энг яхши пайт. Тўғри, ақлнинг нафси ҳам буни тилаб қолиши мумкин. Аммо ақл истагидан келиб чиқкан эҳтиросни таниб олиш жуда осон – бу ҳиссиз эҳтиросдир.

Сиз ва севган инсонларингиз кўнгли доим бус-бутун бўлсин.

ПАЙШАНБА

Қўрқувлар

Диққат, очилмасин!

Ушбу бўлим, одатдагидек, бизни шахсий ривожланишдан тўсиб турадиган, шахсий кучимизни совурадиган қўрқувлар ҳақида сўзлайди. Аммо бу сафарги суҳбат ҳаммасидан ҳам қўрқинчли бўлади – чунки унда муҳокама қилишга қўрқадиган мавзуларимизни муҳокама қиласиз. Бунга тайёр бўлмаганлар уни ўқимай ўтиб кетиши мумкин.

Кўпчилигимизга тарбия билан сингдирилган ва шахсий эркинлигимизга тўғаноқ бўлаётган бир қўрқув борки, уни енгмай туриб, одам кучли шахс бўлиши имконсиз. Бу қўрқув шу даражада «тўғри» ва «асосли» қўринадики, биз уни ҳатто савол остига ҳам қўймаймиз.

Нима деб ўйлайсиз – бизни нега худодан қўрқишига ўргатишади? Шундай қилиш тўғри бўлгани учунми? Гап ана шунда-да – нега бизга худодан қўрқиш тўғри иш экани ўргатилади?

У қудратли бўлгани учунми? Китобларда шундай ёзилгани учунми? Нега худога бўлган муносабатимизни таҳлил қилишдан қўрқамиз? Бу даражада бизни қўрқоқ қилиш кимга керак бўлган экан?

Келинг, қўрқувларимизни бир таҳлил қилиб кўрамиз. Одамзот ақли номаълумлиқдан қўрқади. Шу ўринда сизга бир эртак айтиб берай:

Шаҳарнинг катта кўчаларидан бирида бир гадой жуда эски бир қути устида ўтириб, тиланчилик қилар экан. Кунлардан бир кун шу кўчадан бир дарвеш ўтиб қолибди. Гадой дарвешнинг эскириб кетган уст-бошига қараб, ундан садақа сўраш-сўрамасликни ўйлаб турса, дарвеш ўзи унинг ёнига келиб, унга битта танга узатибди.

- Қанчадан бери шу ерда садақа сўрайсан? – қизиқибди дарвеш.
- Йигирма йилдан бери, - жавоб берибди гадой, - Бу шаҳарнинг одамлари саҳий, ҳеч қуруқ қўйишмайди.
- Устида ўтирганинг қандай қути? – яна сўрабди дарвеш.

- Билмадим, эски бир қути-да. Уни шу ерда топиб олганман – шундан бери устида ўтираман, жуда қулай.
- Ичида нима бор?
- Билмайман.
- Очиб қўрмаганмисан?
- Йўқ. Уни очишга қўрқаман.
- Нега? Бунинг нимаси қўрқинчли?
- Унинг устига «Бунинг ичида нима борлигини фақат худо билади» деб ёзиб қўйилган. Бунинг ичида оддий банда билиши мумкин бўлмаган нарса бўлса – демак, жуда ёмон нарса бор. Шунинг учун уни ҳеч қачон очиб қўрмаганман.
- Балки унинг ичида жуда яхши нарса бордир, - кулибди дарвеш, - Наҳот, шунча йилдан бери қутида нима борлигига қизиқмагансан.
- Айтдим-ку, унинг ичида яхши нарса бўлиши мумкинмас. Худодан бошқа ҳеч ким билмайдиган нарса ҳеч замонда яхши нарса бўлмайди.
- Мен дарвеш бўлиб, юртларни кезиб, жуда кўп ғаройиботларни қўрганман. У ажойиботлар ҳақида ҳам бу шаҳарда ҳеч ким билмайди. Дадил бўл, қутини очиб қўр.

Дарвешнинг қистови билан гадой қўрқа-писа қутини очиб қараса – ичи тўла тилла танга эмиш. Дарвеш ҳайратдан оғзи очилиб қолган гадой елкасини қоқиб:

- Эҳ биродар, ҳеч ким билмаган нарсани билишдан қўрқиб, йигирма йил олтин тўла қути устида ўтириб, тиланчилик қилибсан. Дарвеш бўлиб, бунақасини ҳали қўрмаганман, - дега экан.

Биз ўзимизга номаълум нарсалардан ҳар доим қўрқамиз. Ёш бола нега нотаниш одамдан қўрқади? Чунки ундан нима кутишни билмайди. Нотаниш одам қаҳр қўрсатиши ҳам мумкин. Нега одам ёввойи ҳайвонлардан ва ҳашоратлардан қўрқади? Чунки улар ўзини

қандай тутишини билмайди – кутилмаганда ҳамла қилишидан ёки чақиб олишидан қўрқади.

Хўш, худодан нега қўрқамиз? Унинг ҳам қудрати биз учун номаълум бўлганидан қўрқамиз. Нега унинг қудратини англашга уринмаймиз? Чунки бу қудратни англашга ёрдам берадиган изланиш қутиси устига бизнинг қўрқоқ бўлишимизни истаганлар «Бунинг ичида нима борлигини фақат худо билади» деб ёзиб қўйган...

Худодан қўрқиш эмас – уни яхши кўриш керак. Унга нисбатан шукrona, миннатдорчилик, меҳр ҳис қилиш керак. Уни ҳам савол остига қўйишдан қўрқмаслик зарур – фақат шундагина унинг қудратини яққолроқ англаш, уни таниш ва суюш мумкин.

Сизни ўз измига солмоқчи бўлганлар худодан қўрқиш ҳиссини сизда кучайтиришга уринади. Бу билан улар сизнинг шахсиятингиз устидан назоратга эга бўладилар. Худога ундан қўрқиб яшайдиган қуллар керак эмас – уни севиб яшайдиган эркин шахслар керак. Уни эслаган бандалари юрагида қўрқувни эмас – хотиржамликни, миннатдорликни, шукронани кўришни истайди.

Нима деб ўйлайсиз – худога сизнинг ундан қўрқишингиз керакми? Чексиз қудрат эгаси бўлиб туриб, у наҳот ўзи яратган бандаларининг қўрқув билан унга бош эгишларини истаса? Умуман, наҳотки яратувчига у ўзи яратган бандаларидан нимадир керак деб ўйласангиз?

Худодан қўрқиш – бизни бузғунчи ишлардан тийиб турари дегувчилар ҳам бор. Ундей бўлса – нега худодан қўрқадиган одамлар ҳам хато қиласди? Нега худодан қўрқиш ҳисси баъзи ишлардан одамни тийиб қолади-ю, бошқаларига кўз юмади?

Айтайлик, кимдир бошқа одамга нисбатан куч ишлатишни истайди. Ғазабини худодан қўрқиш ҳисси билан босади, ўзини бузғунчи ишдан – биронга қўл кўтаришдан тияди. Аммо унинг ичидан ана шу одамга нисбатан нафрат қолади – фақат қўрқув таъсирида ичга ютилади. Ёмон иш қилса, худонинг қаҳрига учрашидан қўрқади. У худонинг адолатидан ҳам қўрқади.

Худони яхши қўрган одам – худонинг бандаларини ҳам яхши қўради. Бошқаларга нисбатан унинг ичида гина ёки нафрат уйғонмайди.

Кимдандир озор кўрса – кечиради, чунки худо ўзи адолат қилишини билади. У худони унинг тенгсиз адолати учун ҳам яхши кўради.

Яратгандан қўрқиш – дарахтлар уларни эккан боғбондан қўрқишлиариdek гап. Ҳеч қайси боғбон бир йил мева бермаган ёки нотўғри ўсан дарахтига қаҳр кўрсатмайди. Худо эса энг меҳрибон, энг марҳаматли боғбон – унинг қаҳридан қўрқиш, ундан қаҳр кутиш фақат уни яхши танимаганлар хаёлига келади.

Иzlанишдан сизни тийиб турган қўрқувлардан ҳоли бўлинг. Илм олиш – ҳадиклардан ҳоли юрак эгалари уddeлайдиган иш. Худодан қўрқиши баҳона қилиб, керакли саволларни бермаган одам – тилла тўла қути устида ўтириб, садақа сўраган гадой қабидир. Дунё қандай тузилганини, унда сиз қандай ўрин тутишингизни билишга интилиш – ўзликни англашга интилишдир. Ўзлигини билишдан қўрқмаган одам эса худони билишдан ҳам, уни яхши кўришдан ҳам, у билан дўст бўлишдан ҳам қўрқмайди.

Ҳаммамиз унинг паноҳидамиз. Унинг меҳридан баҳрамандмиз. Унинг берган неъматларидан банашибмиз. Шунда ҳам ундан қўрқсак – паноҳига хиёнат қилган бўламиз. Ахир, химоячи ўз химоясидагиларга ёмонликни раво кўрмайди. Бузғунчи ишлардан ундан қўрққанимиз учун эмас – уни яхши кўрганимиз учун тийилганимиз маъқул. Меҳрга қўрқув билан жавоб берилмайди, ахир.

Ижтимоий босим

*“Касални яширсанг,
истимаси ошкор қиласди”*

(ўзбек халқ мақоли)

Ижтимоий босим тушунчалик жуда оддий нарса. Жамият (биз бирга яшаб турган одамлар групни) бизнинг қарорларимиз устидан ўзига керакли назоратни ўрнатишга интилиб, бизга ўтказадиган таъсири – ижтимоий босимдир. Унинг энг катта қуроли – албатта, қўрқув.

Биз одамларнинг бизга нисбатан ёмон хаёлга боришидан, уларнинг биз ҳақимиздаги фикри салбий томонга ўзгаришидан жуда қўрқамиз. Ана шу қўрқув ёрдамида жамият бизга босим ўтказади.

Бу қўрқувга шахсияти шаклланаётган ёшлар жуда мойил бўладилар. Ўсмирлик пайти – одам ўзи яшаётган жамиятда алоҳида ўринга эга бўлишга, «кимдир» бўлишга катта эҳтиёж сезадиган давр. Бунда жамиятнинг қаҳрига учрашдан қўрқиш айниқса кучли бўлади.

Шунингдек, ўсмирлик одам танасида катта ўзгаришлар юз берадиган пайт. Тана балоғат ёшига яқинлашиши билан, қувват тақсимотини ўзгартиради ва жинсий ривожланишга ургу бера бошлайди. Бунда нафақат физиологик (жисмоний) ўзгаришлар, балки психолого-психологик (руҳий) янгиликлар ҳам тадбиқ қилинади.

Бизнинг жамиятда дин ва маданият таъсирида жинсий фаолликка нисбатан кучли ижтимоий босим шаклланиб қолган. Одамдаги жинсий фаоллик ҳақида гапириш, ҳатто бунга ишора қилиш ҳам қаттиқ қораланади. Натижада, бундай мавзулар ўта сир тутилади, жуда кичик ва ёпиқ гурухларда муҳокама қилиниш билан чекланади.

Бир жиҳатдан бу тўғри – жинсий фаоллик одамнинг шахсий иши бўлиши ва омма муҳокамасига қўйилмаслиги керак. Бу маданиятимизга ҳам, миллий ахлоқ мезонларимизга ҳам тўғри келмайди.

Аммо бу ижтимоий босимнинг жинсий фаолликни қораловчи таркиби жинсий тушунчаси шаклланмаган ёшларда қўрқув ҳиссини пайдо қиласи. Ўсмир ўзидағи ўзгаришлардан қўрқадиган, уларни яширишга, имкони бўлса уларни қайтаришга уринадиган бўлади. Жамият қоралаган гуноҳкор хаёллари учун ўзини койибди ва ўзида жуда заарли комплексни ривожлантиради.

Ҳақиқий муаммо мана шу ерда бошланади. Ўсмирлик ёшидаги ўзгаришлар – табиий жараён, буни ҳеч бир усулда орқага қайтариб ёки бекор қилиб бўлмайди. Мана шу табиий ўзгаришлар ва ижтимоий босим ўртасидаги зиддият таъсирида ўсмир психикасида оғишлар юзага келади.

Балоғат ёшига яқинлашган йигитда жинсий фаоллик кучаяди. У энди ана шу жинсий фаоллик учун ўзига шерик излай бошлайди.

Агар ижтимоий босим кучли бўлса, йигит табиий усулда жинсий эҳтиёжини қондиришга қўрқади. Аммо танадаги жинсий фаоллик учун ажратилган қувват унга тинчлик бермайди. Мана шу ерда йигитнинг кўзига яқин қариндошлари ишонса бўладиган жинсий шерик сифатида кўринади. Ака синглисига бошқача қарайдиган бўлади.

Бундай нарсалар ҳақида ёзиш уят деб ҳисобласангиз – демак, ҳали ҳам ижтимоий босим остида экансиз. Муаммони ҳал қилишинг биринчи босқичи – муаммо мавжуд эканини тан ола билиш. Бу муаммо мавжуд ва уни «уят бўлади» баҳонаси билан муҳокама қилмаслик нотўғри.

Юқоридаги мисолдан жинсий фаоллиқдаги оғишлар фақат йигитларда бўлади деган хато тушунча шаклланмасин. Бунга қизлар ҳам, йигитлар ҳам бирдек мойил. Қайтамга, қизларга жамиятнинг босими кучлироқ бўлади. Демак, қизлар жинсий фаоллиқда оғиб кетиши эҳтимоли кўпроқ.

Жамият ва табиат ўртасидаги курашда – ҳар доим жамият мағлуб бўлади. Жамият фарзандларини «гуноҳ»дан тийиб қолишга қанча кучли уринса, фарзандлари ҳақиқий гуноҳга қўл уриши шунча кўп бўлади. Ўз табиатидаги ўзгаришлар ва атрофидаги жамият зиддиятга келса – ўсмир аросатда қолади ва қийналади. Ўсмирлар орасидаги муаммоларнинг жуда кўпчилиги ана шундай зиддият устида пайдо бўлади. Бу курашда кўпинча ўртада қолган ўсмирнинг ўзи қурбон бўлади. Шунинг учун ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари айнан ўсмирлар орасида кўп учрайди.

Аслида яқин қариндошлар билан жинсий яқинлик қилиш инсон табиатига зид. Табиат бизни яқин қариндошларга жинсий мойилликсиз яратган. Чунки генетик жиҳатдан яқин бўлган (қони бир бўлган) икки одамнинг насли генетик нуқсонлар билан туғилади, бу эса эвалюцияга қарши.

Шунинг учун табиат бизни мутлақо бошқача ген эгаларига жинсий мойиллик билан яратган. Қора кўз қора қош ўзбек йигити тилларанг сочли рус қизига кўпроқ мойиллик билдиради. Генетик коди бир-бириницидан кескин фарқ қиласидиган жуфтликлар насли икки

томондан ҳам факат яхши генларни олиб, мукаммалроқ бўлади. Бу эвалюция қонуни.

Йигит ёки қизнинг ўзига жинсий жуфт қидиришига – табиатига бўйсуниб, ўзидан гени узоқ бўлганларга талпинишига жамият қаршилик қилса, бу жараён издан чиқади ва жисний фаолликда оғишлар пайдо бўлади.

Жинсий майл – ёмон нарса эмас. Буни ёшлар англасин. Жинсий хаёлларга берилиш – сизнинг ёшингизга мос. Танангиз буни талаб этяпти дегани. Ҳеч қачон катталар билан ўзингизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида гаплашишга, улардан маслаҳат олишга уялманг. Ижтимоий босим таъсирида сизда жинсий оғиш пайдо бўлса – у бир умр сизнинг жинсий ҳаётингизни издан чиқаради. Шундай экан, жинсий фаоллик атрофида сизда комплекс шаклланишига йўл қўйманг. Табиий усулда қондирилган жинсий мойиллик – ҳеч кимга зарар қилмайди. Бу билан гуноҳ қиламан, ёмон одамга айланаман каби хаёлларни ақлингиздан чиқаринг. Эсингизда бўлсин – ёмон одамлар бўлмайди, ожиз одамлар бўлади.

Жинсий фаоллик – бу ёмон нарса эмас. Буни ота-оналар анласин. Фарзандингиз маълум ёшга борганда жинсий фаолликка киришиши – бу табиий ҳол. Шундай бўлса эмас – шундай бўлмаса, ташвишга тушинг. Мен сизга фарзандингиз ҳаёсиз бўлиб кетишига қўйиб беринг демаяпман – имкон доирасида жинсий фаоллик қилишига қаршилик қилманг демоқчиман. Жинсий эҳтиёжнинг катта қисми психологик эҳтиёждир. Болангиз ким биландир жинсий яқинлик қилиши шарт эмас – у ким биландир учрашиб, қўл ушлашиб, ҳиссиётларини ифода этгандаёқ ундаги жинсий эҳтиёжнинг катта қисми босилади. Ҳеч қачон фарзандингиз билан жисний фаоллик ҳақида суҳбатлашишни канда қилманг – у билиши керак бўлган нарсаларни сиздан эшитгани маъқул. Ёши етиб, ўзида бўлаётган нарсаларни сизга айтишдан қўрқса – бу яхшиликка олиб келмайди. Бу билан фарзандингиз шахсияти ижтимоий босим қурбонига айланади.

Умуман, ёшларда гуноҳдан қўрқиши ҳиссини шакллантирган маъқул. Ундан кўра, уларга бузғунчи иш нима эканини, у нималарга олиб келишини тушунтириш керак. Қўрқув ёрдамида ҳеч қачон

жамиятга фойдаси тегадиган кучли шахсларни тарбиялаб бўлмайди – жамият ва табиат нормаларини кескин бузадиган ожиз шахслар айнан қўрқув соясида вояга етади.

Жамият сизга кўп нарсани ёмон дейди. Бундай қилишдан жамиятнинг ўзига яраша манфатлари бор. Аммо ижтимоий босим – сизнинг шахсиятингизда кемтиклар пайдо бўлишига олиб келади. У сизни турли хил ижтимоий қўрқувлар ёрдамида «қолип»га солишга уринади. Буни у баъзида сизнинг манфатингизни кўзлаб, сизга яхши бўлиши учун қилади. Лекин энди сиз «яхши-ёмон» ўйинида иштирок этмаяпсиз. Нима сизнинг манфатингизга хизмат қилади-ю, нима унга қарши эканини сиз ҳам қиласиз. Жамиятнинг яхшиликни кўзлаб ўтказган босими ёмонликларга ҳам олиб келишини энди биласиз.

Кучли шахс ижтимоий босим таъсиридан ҳоли яшайди. Жамият – фақат кучли шахслардан иборат эмас. Унда бошқаларни ўз измига солиш учун қўрқув ва айбдорлик туйғусидан фойдаланишга интиладиган ожиз шахслар ҳам бор. Шундай экан, ижтимоий босим ҳар доим мавжуд бўлади ва бузгунчи таъсири билан алоҳида одамлар ҳаётини издан чиқараверади. Унинг таъсирига тушиб-тушмаслик эса – ҳар кимнинг ўз танлови.

Ёмондан қўрқиши

Бизда ёшлиқдан ўзига хос бир қўрқув тарбияланади: бизни ақлимизни танигандан ёмондан қўрқишига ўргатишади. Бу нарса жамият ёмон деган тушунчаларни яхшиларига таққослаб баҳо бериш орқали онгимизга сингдирилади. Ёмонликнинг охири жазо билан тугаши ҳақидаги эртаклар ёрдамида бизда жазодан қўрқиш ҳисси шакллантирилади.

Жазодан қўрқиш ҳолатига «яхши-ёмон» ҳақидаги ёлғоннинг боласи бўлган бир ёлғонча асосий куч берувчи ҳисобланади. Биз бу дунёда адолат бор эканига ишонамиз.

Аммо ҳаётда адолат йўқ – ҳаётнинг адолатли экани ҳақидаги тушунчаларимиз ҳам ёлғондан бошқа нарса эмас. Адолатпарастлар

жумбушга келмай туриб, келинг адолатга ҳолис таъриф бериб ўтайлик:

Адолат – ҳар кимнинг қилган яхши ишлари учун мукофот, ёмон ишлари учун жазо олиши муқаррарлигини белгилаб берувчи кўринмас кучга эга қонуният.

Шундай таъриф биз билган адолатни етарлича тўғри ифодалайди деб ўйлайман. Энди ана шу таърифга мос келадиган ҳолатни ҳаётдан излаб кўрайлик.

Табиатга адолат деган сохта тушунча мутлақо бегона. Она табиатда кечадиган жараёнларда муҳимлик боласи бўлган адолат иштирок этмайди. Йўлбарс ўлжасини адолат билан танламайди. Она қуш полапонларига адолат билан парвариш кўрсатмайди. Урғочи кийик ўзига жуфт танлашда адолат йўлидан бормайди. Ёввойи табиат ҳар қандай қарор қабул қилинишида жуда оддий бир қонунга бўйсунади: табиатда адолат вазифасини самарадорлик қонуни бажаради.

Бу нисбатан янги тушунча бўлгани учун, келинг, унга ҳам қисқа таъриф бериб ўтамиш:

Самарадорлик тамойили – икки ёки кўплаб танловлар ичидан бирини танлашда улар орасида натижаси энг катта самара берадиган танловни устун билиш қонуни.

Йўлбарс энг кам куч сарфлаб тутадиган ўлжани танлайди ва бу билан ўзини ва наслини асраб қолиш учун керак бўладиган ҳаётий қувватини тежаб қолади. Она қуш яшаб кетиш эҳтимоли катта бўлган, ҳаётга мослашувчан полапонларига қўпроқ меҳр кўрсатади ва бу билан ўз турининг сақланиб қолишига эришади. Урғочу кийик ўзига энг соғлом ва кучли жуфтни танлайди ва бу билан насл қолдиришда энг юқори самарага эришади.

Энди адолатни одамлар орасидан излаб кўрайлик. Хўш, сиз ҳар бир танловингизда барчага тенг турасизми? Ҳаётда барчага тенг имконият берилганига, адолат ростан ҳам ўз сўзини айтганига гувоҳ бўлганмисиз? Ёмонлар жазо олиб, яхшилар мукофотланганини кўрганмисиз?

Мен одамлар ҳар қандай ҳолатда ўзлари учун энг маъқул деб билган йўлни танлашганига гувоҳ бўлганман. Мен одамлар ҳар хил бўла туриб, уларда тенг имкониятлар бўлмаслигини биламан. Мен ожизлар жазо олиб, кучлилар мукофотга эришганини кўрганман.

Ёмон одам бўлишдан қўрқиш – борингиздан қўрқиш дегани. Сиз шундоқ ҳам ёмон одамсиз (қовоқ солишга шошилмасангиз, нега бундай деётганимни тушунтириб бераман). Ёмон одам ўз таърифига кўра бузғунчи ишлар қилади – сиз ҳам (камид!) бир марта бўлса ҳам шундай иш қилгансиз. Мен ҳам ёмон одамман – чунки мен ҳам кўплаб хатолар қилганман. Биз ҳаммамиз ёмон одаммиз – чунки инсон сифатида ожизликларимиз бор. Агар адолат иш берса – жазо олишимиз муқаррар.

Лекин сиз яхши одамсиз ҳам. Чунки ҳар бир танловингизни (ўзингиз учун бўлса ҳам) яхшиликни кўзлаб қиласиз. Мен ҳам ҳудди шундай – ҳар қандай ишни ўзимга ёки менга азиз инсонларга яхшиликни рано кўрганим учун қиламан. Биз ҳаммамиз яхши одамлармиз – чунки инсон сифатида яхшиликка интиламиш. Агар адолат иш берса – мукофотга сазовор бўлишимиз тайин.

Аммо ҳаётда бундай эмас – ҳаёт адолат йўлидан бориб, яхшиларни сийлаб, ёмонларни жабрламайди. Чунки ҳаёт яхши ва ёмон одамлар йўқлигини, битта одамда яхши ҳам, ёмон ҳам етарлича эканини билади. Ҳаёт самара йўлидан бориб, ожизларни қийнаб, кучлиларни мукофотлайди. Шахсий кучи етишмаслигидан порахўрлик, лаганбардорлик, айёрлик, ҳасислик қилган одамлар ана шу ожизликлари сабаб азоб чекаверадилар. Ўз мақсадига эришишда мұхимликка берилмай, қарорлари учун жавобгарликни ўзига олган кучлилар эса ўз ҳаётий қувватларини тўғри сарф қилганниклари учун мукофот олиб яшайди.

Адолат – фақат Яратганга хос. Фақат У асл адолат тадбирини қўллай билади. Адолатни ҳал қилиш, ўрнатиш ва тутиб туриш – фақат Унинг измида. Бу биз – инсонларга берилган ҳукуқ эмас. Бизда бунга етарли куч ҳам йўқ.

Худонинг адолати – жазо эмас, имкониятдир. У ҳеч қачон бандаларини бузғунчи ишлари учун жазоламайди – у ана шу бузғунчи ишлардан холоса чиқариб, улардан нари юришга имкон

беради. Агар Унингadolati, биз ўйлагандай, хато учун жазо бўлганда – биз аллақачон унинг қаҳрига учраб, йўқ бўлиб кетар эдик. Бизга хатоларимиздан дарс олиб, кўнглимизни хотиржам қиласиган ишларни қилиб яшашга ҳар сафар яна бир имкон берилади.

Жазо олишдан ким қўрқади? Ожизлиги сабаб бузғунчи иш қилаётганини билиб турган одам қўрқади. Одамни ўз измида тутиб туришга интилган ақл эса бу қўрқувни иложи борича кучайтиради.

Бу бобда гап ҳар қандай ишни оқибатига қарамай қилавериш ҳақида кетмаяпти. Бузғунчи ишларнинг натижаси албатта одамнинг ўзига уради. Бу ерда гап қўрқувга тобе бўлмаслик ҳақида боряпти. Айтайлик, сиз бир иш қилмоқчисиз (ростан ҳам бузғунчи иш), аммо унинг оқибатида жазо олишдан қўрқяпсиз ва буни қилмаяпсиз. Бир қарашда, шу ҳолатда қўрқув одамни бузғунчи ишдан тийиб қоляпти.

Бироқ мен сизга ундан самаралироқ йўлни таклиф қиляпман: бузғунчи ишдан қўрқувни деб эмас – шахсий кучни деб воз кечинг. Шахсий кучи катта одам у ёки бу мақсадига эришишнинг бунёдкор усуллари борлигини билади. У бузғунчи йўл билан эришиш усули ҳақида умуман ўйламайди ҳам, бундай усулни мақсадга эришиш усуллари рўйхатига қўшмайди ҳам. Кучли шахс жазодан қўрқмайди – чунки у ташвиш олиб келадиган йўллардан юрмай, ўз аҳдига эришади. Қўрқувдан эркин бўлиш деганда мен айнан шуни назарда тутаман.

Қўрқувдан ҳалос бўлиш учун бизга айнан шахсий куч керак. Шахсий куч эса муҳимликни йўқотиш, сергак яшаш, дунёни ўрганиб, илм олиш билан тўпланади. Шахсий кучингиз кўп бўлса, сиз ёмондан қўрқмайсиз – ёмоннинг ўзи сиздан қўрқади.

ЖУМА

Ришталар

Ҳақиқий масъулият

Фарзанд тарбияси – инсон ҳётида қилиши мумкин бўлган энг бунёдкор ишдир. Фақат бир шарти бор – у ўз фарзандини кучли шахс қилиб, баҳтли қилиб катта қилиши лозим. Агар одам фарзандини ожиз шахс қилиб тарбия қилса – баҳтсизлар сафини яна биттага кўпайтирган бўлади. Бундай шахс ўзига ва бошқаларга нисбатан жуда кўп бузғунчи ишлар қиласди.

Нима деб ўйлайсиз – нега дунёда баҳтсизлар кўп? Нега ўз мақсадларига эришиш учун тубан йўлларни танлайдиганлар бор? Улар қандай қилиб шундай ожиз шахсларга айланиб қолган?

Уларнинг ота-оналари етарлича шахсий кучга эга бўлмай туриб, фарзандли бўлишга қарор қилишган. Бу ота-оналарнинг фарзандли бўлишдан мақсадлари бутун шахсларни вояга етказиш эмас – ўз муҳимликларига эргашиш бўлган.

Бу гапларим сизга жуда бешафқат туюлмаяптими? Фарзандли бўлиш – энг олий баҳт-ку, унга интилган одам хато қилиши мумкинми?

Одамлар нима учун фарзандли бўлишни исташларини бир кузатиб кўринг. Шуни истаётганлар билан гаплашинг. Одамлар нима учун фарзандли бўлмоқчи эканига тайинли жавоб бера олмайди. Чунки одамлар ҳеч қачон ўзига «мен нега фарзандли бўлмоқчиман?» деган саволни бермайди.

Бир қарашдам бундай савол ортиқчадек: одам ўзидан насл қолдириши табиий ҳолат, бунда қандай мақсад бўлиши мумкин. Аммо бунда мақсад бўлиши керак – фарзанд кўришдан мақсад дунёда яна бир кучли шахсни етиштириш бўлиши лозим.

Шунчаки, биздан кимдир шуни кутгани учун, шундай қилиш керак бўлгани учун, одамларнинг гапи учун, ўзини ота-она деб ҳис қилиш учун ёки шунга ўхшаш мақсадларда фарзандли бўлиш – ўта кетган масъулиятсизлик. Ота-онангизни набирали қилиш учун, жамият

сиздан кутган нарсани бажариш учун, ўзингизни хурсанд қилиш учун ҳаётга янги шахсни олиб келиш – тан олинг, енгилтаглик. Бу мақсадлар учун бозордан совға сотиб олиш мумкин, дарахт экиб, боғ яратиш мумкин, бино қуриш мумкин – лекин фарзандни дунёга келтириш жиддийроқ асосга эга бўлиши керак.

Фарзандингиз ким бўлади, қандай яшайди, қай даражада баҳтли бўлади – сизга боғлиқ. Сиз алоҳида бир шахсни меҳрдан камитмай, бус-бутун кучли шахс қилиб улғайтиришга кўзингиз етсагина – отаона бўлишдек катта қаҳрамонликка тайёrsиз.

Фарзанд тарбияси ортқича муҳимликни кўтармайдиган нозик жараён. Бу ишга киришиш учун одам шахсий ва ташқи муҳимлиқдан ҳоли бўлиши, шартсиз меҳр беришни билиши лозим. Фарзанд тарбияси билан банд одам ўзига ортиқча аҳамят беришга ҳақи йўқ – агар шундай қилса, бундан ўсиб келаётган насли зарап кўради.

Ичиди ғурури, гинаси, арази ёки, худо кўрсатмасин – нафрати бор одам фарзандли бўлиши жуда ҳавфли. У ўз фарзандига ана шу ғурурини, гинасини, аразини ва, афсуски, нафратини мерос қилиб қолдиради. Натижада дунёда ҳаётдан ҳафа, одамларга нафрат билан қарайдиган яна бир баҳтсиз пайдо бўлади. Ароқхўр эрига, золим қайнонасига, ўзидан гўзалроқ дугонасига бўлган нафратини аёл ўз фарзандига ўтказади. Бевафо дўстига, бошқа миллат ёки дин вакилига, душманига бўлган нафратини ота боласига сингдиради.

Сиз тайёрмисиз фарзандли бўлишга? Ҳаётингизни шахсий муҳимлиқдан тозалаб бўлганмисиз? Сизнинг шахсиятингиз боғида униб-ўсади бўлғуси фарзандингиз – хўш, бу майдонча нафрат-у гиналардан, бузғунчи одат ва ғоялардан тозаланганми? Шахсиятингиз боғчасини заарли одатлар ва ортиқча муҳимлиқдан ҳоли қилганмисиз?

Аёлингиз хатога йўл қўйса, фарзандингиз кўз олдида унга қўл кўтармасликка шахсий кучингиз етадими? Ўзингиз истамаган ҳолда болангизда зўровонликка мойилликни пайдо қилиб қўймайсизми? Турмуш ўртоғингизга нафрат кўрсатиб, болангизда қаҳр ҳам ўзини оқлайдиган нарса эканига ишончни шакллантириб қўймайсизми? Ота бўлишга тайёрмисиз?

Танангиз янги ҳаёт учун уй бўлишга тайёрми? Ундаги ҳеч бир хасталик фарзандингиз тўғри ривожланишига ҳалал бермайдими? Хомиладор бўлиш, соғлом наслни дунёга келтириш азобларига тайёрмисиз? Эрингиз хатога йўл қўйса, уни ёмон кўришингизни болангизга билдириб қўймайсизми? Бирорга гина сақлаш тўғри иш экани ҳақида болангизда хато тушунчани шакллантириб қўймайсизми? Молга, пулга, обрўга ружув қўйиб, болангизни ҳам халқ қўзига яхши кўриниш учун ўз тинчидан кечадиган қилиб қўймайсизми? Она бўлишга тайёрмисиз?

Ибн Сино ўз китобларида эр-хотин фарзандли бўлиш учун тўшакка ётишдан олдин ўзларини барча ғуборлардан поклашлари ҳақида айтган. Лекин бунда жисмоний покланиш етарли эмас – одам ўз шахсиятини ҳам айирмачилик ва нафратдан, муҳимлик ва шубҳалардан, гиналардан, таъмагирлик ва номпаратлиқдан пок этиши даркор.

Жамият – бахтли ва бахтсизлардан иборат. Унинг бахтсиз вакиллари – фарзандли бўлишга тайёр бўлмасадан фарзандли бўлган одамларнинг фарзандлари. Ана шу бахтсизлар «вақти» келганда ҳар ким фарзандли бўлиши кераклиги ҳақидаги «оммабоп ҳақиқатни» сизга ҳам ўтказишга интилади. Сиз фарзандли бўлишга моддий ва маънавий жиҳатдан тайёрмисиз – фақат сиз биласиз. Буни сиздан набира кутаётган ота-онангиз ҳам, ёш оила бўлгангиз учун сиздан фарзанд кутаётган жамият ҳам билмайди. Шундай экан, фарзандли бўлиш қарорини оқимга эргашиб, ота-оналиқ бўлиш баҳтига интилиш суруридан ғафлатда қолмасдан – сергак туриб қилиш керак.

Орзу-ҳавас ўз йўлига. Бутун бир одамни дунёга келтириш – орзу-ҳавасга таяниб қилинадиган иш эмас. Бу ўзига-ўзи жиддий саволлар бериб, уларга етарлича асосли жавоблар олгандагина қилинадиган иш. Бизга берилган яратувчанлик қудратини етти ўлчаб, кейин ишга солишимиз, янги ҳаёт яратиш учун масъулиятни чуқур англашимиз лозим.

Яна бир масала. Ҳар томонлама муроҳаза қилгандан сўнг фарзандли бўлишга қарор қилдингиз ҳам дейлик. Бўлғуси фарзандингиз қиз бўладими ўғилми – бу сизга аҳамятсиз бўлсин.

Агар одам ажратиш одатингиз ҳали туғилмаган болангизга ҳам амал қилаётган бўлса – демак, сиз ҳали ота-она бўлишга тайёр эмассиз. Инсоннинг қадри унинг жинси билан белгиланмайди – шу оддий нарсани тушунмаган одам, фарзандига қандай тарбия бериши мумкин?

Фарзанд – бу, албатта, баҳт. Бу энг ширин баҳт. Унинг яралиши баҳтли лаҳзалардан бошланади. Унинг туғилиши ҳаётингизни баҳтга тўлдиради. Унинг илк сўзлари, илк қадами, биринчи бор беш баҳо олиши – ҳаммасига гувоҳ бўлиш баҳт. Унинг ўз умр йўлдошини топиши, биринчи марта севиши, кўзлари севгидан порлаб туришини кўриш – баҳт. Бир кун келиб, маънавий кучга тўлганда у ҳам фарзандли бўлиши – фарзандини қўлига олиб, баҳтдан яйраб турганини кўриш – баҳт. Баҳтли фарзандларни дунёга келтириш ва катта қилиш – баҳт.

Баҳт йўқ ерда туғилган фарзанд – баҳт олиб келмайди. У ҳудди совуқ муҳитда униб чиққан гул каби ана шу муҳитга мослашиб, шу муҳит соясида жон сақлаб катта бўлади. Шахсий кучи катта, баҳтини ўз кўнглидан топган эркин ота-онага фарзанд яна-да катта баҳт олиб келади.

Бу иш учун ҳақиқий масъулиятни тўлиқ англамай туриб фарзандли бўлиш – бузғунчи иш. Бу ёмон иш. Мана шу ишга нисбатан ёмон деган сифатни ишлатса бўлади. Алоҳида шахсларни тарбиялаб, вояга етказиш учун ўз устида етарли ишлаган одам – фарзандларини кучли шахс қилиб улғайтиришига кўзи етган одамгина ота-она бўлишга ҳақли. Шу оддий ҳақиқатни англамаган одамнинг жазоси – унинг ожиз ва баҳтсиз фарзандидир.

Меҳрнинг уч йўналиши

Ёшлик – ажойиб давр. Умрнинг ҳар бир поғонаси ўз жозибаси ва ҳаяжонларига эга. Аммо ёшлик – уларнинг орасида энг ҳаяжонлиси.

Ёшлик – бу катта қарорлар қабул қиласидиган, инсон ҳаётида анчагина муҳим ўрин тутадиган танловлар қилинадиган пайт. Бу излаш, топиш, синаш ва ўрганиш пайти. Қўрқмай хатолар

қилинадиган, улардан фойдали дарс олинадиган, тажриба орттириладиган давр.

Ёшлиқда одам юзма-юз келадиган танловлардан энг каттаси – ўзига умр йўлдош танлашдир. Бунда кимдир ўз тасаввурларидан келиб чиқиб, «якка-ю ягона» дилкашини изласа, кимдир бехосдан кимгадир ишқи тушиб, шу инсонни ўз дунёсига олиб киришга интилади.

Бу танловни амалга оширишда жуда кўп омиллар иштирок этади. Бунда ҳамма омил ўз сўзини айтишга, қароримизни ўзи томонга оғдиришга интилади. Нисбий ҳақиқатларимиз, қўрқув ва комплексларимиз, орзу-умидларимиз – ҳаммаси биз ҳаётда кимга ҳамроҳ бўлишимиз кераклиги ҳақида ўзича тасаввур беради.

Одам ижтимоий мавжудот бўлгани сабаб, унинг ҳар қандай танловига жамиятнинг таъсири бор. Биз ҳаётимизга кимнидир киритишдан аввал, уни астойдил ижтимоий андозаларга солиб кўрамиз. Унинг яхшилик ва ёмонлик даражасини чамалаймиз. Уни бошқаларга солиштирамиз.

Аммо ижтимоий омиллар қанча босим ўтказмасин, инсон ўз умр йўлдошини жуда оддий тамоиллар асосида танлайди. Табиатимиз бунда бари бир устун келади.

Масалан, йигитлар ҳар доим ташки кўриниши ёки феъл-атвори ўз оналарига ўхшаш қизни ёқтиришга мойил бўладилар. Бунинг илмий исботлари жуда кўп. Сабаби эса жуда оддий: биз дунёга яралиб, катта меҳр қўйган биринчи инсон онамиз бўлади. Шунинг учун ҳам биз кейинги ҳаётимизда ҳам бизга онамизга ўхшаш аёл ҳамроҳлик қилишини истаймиз.

Қизларда ҳам ҳудди шундай – улар ҳам кўпроқ ўз оталарига ўхшаш йигитларни яқин кўришади. Чунки болалиқдан ота улар учун ғуур ва ҳавфсизлик рамзи бўлиб келган. Оталарида ёқтирган ва ҳурмат қилган жиҳатларни бўлғуси умр йўлдошларига ҳам излайдилар.

Одам ҳаётини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин. Биринчиси - ота-онага меҳр даври. Бу даврда инсоннинг бор меҳр-муҳаббати ота-онасига қаратилган бўлади. Бу даврда ота-она ҳам, фарзанд ҳам бир-бирларига шартсиз меҳр бериб, баҳтли яшашади.

Болаликни бир умр қумсашимиз бежиз эмас – болалиқдаги каби меҳрни топиш қийин.

Иккинчи давр – умр-йўлдошига меҳр бериш даври. Балоғат ёшига етиб, кўнглига мос инсонни учратганда одам асосий меҳр оқимини энди шу инсонга қаратади. Мана шу ерда бир оз зиддиятлар келиб чиқади. Оталар қизлари уларга бериб келаётган меҳрни ким биландир бўлишишни истамайдилар. Оналар ҳам ўғиллари уларга атаб келаётган меҳрга кимдир эга чиқишини ёқтирмайдилар.

Бу ҳолатни на ота-она ва на фарзанданглаб етади. Аслида гап нимада эканини ҳеч ким билмайди, аммо меҳр бериш ота-онадан бошқа инсонга кўчганда, бунга қаршилик қилиш бошланади. Бунда нафақат ота-она – балки ака-ука ва опа-сингиллар ҳам «химоя»га ўтишади.

Ака ёки уканинг қизни бошқа йигитдан тўсишга уриниши ёки опа ёки сингилнинг йигитни бошқа қизлардан қизғониши – табиий ҳолат. Бунда улар олишга кўниккан меҳрнинг бўлинеш ҳавфи бор.

Кизиги шундаки, оила аъзоларининг бу хатти-ҳаракатлари уларга қарши ишлайди. Кўнгил қўйган инсонини яқинлари қабул қилмаган одамнинг ўз жигарларига бўлган меҳри камайиб бораверади. Чунки балоғат ёшида меҳр йўналиши ўзгариши – табиий ҳолат ва унга қаршилик қилиш ҳеч кимга ёқмайди.

Тасаввур қилинг, сиз болалиқдан олмани жуда ёқтиргансиз. Аммо улфайгач, олма таъми сизга камроқ ёқа бошлади. Энди сизга қулупнай кўпроқ ёқяпти. Мен сизга «ҳар доим олмани хуш кўргансан, нега қулупнайга ёпишиб олдинг, кўпроқ олма егин» десам – бунга қандай муносабат билдирасиз?

Умр йўлдош танлашда ҳар хил одам турлича йўл тутади. Кимдир бунда тўлиқ ота-онасининг ҳаётий тажрибасига суюнади. Яъни улар учун энг маъқул ҳамроҳни ота-она танлайди. Бошқалар ўзлари мустақил умр йўлдош танлайдилар ва якуний қарорга ўзлари келадилар.

Биринчи усул вақт синовидан ўтган ва ўзини анча оқлаган. Изланишлар шуни кўрсатадики, ота-оналар топган умр йўлдош

билин ёшлар келишиб яшаб кетиш эҳтимоли кўпроқ. Ажрашишлар айнан ўзи топишиб, турмуш қурган жуфтликларда кўп учрайди.

Ҳар икки усул ҳам ижобий ва салбий хусусиятларга эга. Ота-она топган турмуш ўртоқ билан янги ҳаёт бошлаш – жуда қизиқарли бўлиши мумкин. Бу чиндан ҳам янги ҳаёт бўлади. Икки ёш бир-бирини аста-секин ўрганади, бир-бирининг турли жиҳатларини кашф қиласди. Бу бир-бирини ўрганиш жараёнида умумий қадриятлар шаклланади ва елим каби ёш оилани жипслаштиради.

Аммо бунда бир ҳавф бор: мутлақо бир-бирини билмасдан турмуш қурган икки ёш дунёқараши бир-бириникидан кескин фарқ қилиши мумкин. Бунда турмушнинг энг бошиданоқ зиддиятлар келиб чиқади. Дунёқараши турлича одамларнинг қадриятлари ҳам ҳар хил бўлади – ана шу ҳар хил қадриятлар ўртасидаги тўқнашувлар ёш оилага дарз солади.

Бунинг олдини олиш учун ўз фарзандларига умр йўлдош танлаётган ота-оналар бир оз сергак бўлишлари лозим. Келин ёки куёв танлашда уларнинг молиявий шароити, обрўсини чамалашга урингандан кўра – бўлғуси келин ёки куёвнинг дунёқараши, қизиқишлиари ва қадриятлари билан қизиқсан маъқул. Фарзандингизни тушуна оламидиган бўлса, шаҳарнинг энг катта бойининг энг ўқимишли фарзанди ҳам унга муносиб эмас.

Иккинчи усул тарафдорлари табиатан эркинликка мойил бўладилар: улар умр йўлдошларини ҳам ўzlари, ҳеч кимнинг ёрдами ва аралашувисиз танлашни хоҳлайдилар. Бу йўлнинг ҳам ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари бор.

Бундай йўлдан борган икки ёшнинг якуний қарорга келишдан аввал бир-бирини яхшилаб ўрганишга имкони бўлади. Улар кўпинча мос келган қадриятлар ортидан топишадилар. Шунинг учун бундай боғлиқлик бир соҳада ўқиб ёки ишлайдиган, ҳаётда бир хил ёки ўхшаш мақсадга интиладиган одамлар ўртасида юзага келади.

Бу усулнинг ҳам бир салбий жиҳати бор: бундай турмушлар кўпинча узокқа чўзилмайди. Бунинг сабаби – ўхшаш қадриятлар бўлгани билан, умумий – бирга яратилган қадриятларнинг йўқлигидир. Бундай оиласда икки ёш бир-бирини ўзгартиришга – ўзига

мослаштиришга уринади. Бу эса кескин зиддиятларни келтириб чиқаради. Аввал айтганимдек, бу усулдан кўпроқ эркесвар одамлар фойдаланади – бундай одамлар эса ҳар қандай тазийқни кўтартмайдилар (ҳатто севган инсонларининг тазийқини ҳам).

Оила барҳаёт бўлиши учун, икки ёш тўйдан кейин умумий қадриятлар яратишга интилиши лозим. Бунинг учун ўзаро фарқларга камроқ эътибор бериб, ўхшаш жиҳатларни маҳкам тутиш зарур.

Оила – ўзаро ҳурмат ва ишонч пойдеворида мустаҳкам турди. Бир кун келиб, сиз учинчи даврга – меҳр фарзандларга қаратиладиган пайтга қадам қўясиз. Ана шунда ота-она ва умр йўлдошига меҳр бериб тарбияланган муҳаббатингиз энг азиз инсонларингиз – болаларингизга аталади.

Кетма-кет келадиган бу даврлар ҳаётнинг доимий қонунияти. Улар билан боғлиқ ўзгаришларни яхшилик ёки ёмонлик аломати деб эмас – табиий жараён деб қабул қилишни ўрганинг. Инсоннинг кимга меҳр бериши муҳим эмас – унинг меҳр бериши муҳим. Ҳеч кимга меҳр бермаган одам – ўлиқдир.

Олинг, қуда – фақат олинг

Икки инсон бир бирига кўнгил қўйиб, янги оила пайдо бўлганда, аввал бегона бўлган икки оила бир бирига қуда бўлади. Янги оила икки уруғ ўртасида бир умрлик алоқалар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Айнан оила бугунги жамиятимизни бирлаштириб турган риштадир.

Айнан икки ёш турмуш қургандан кейин ҳеч бир халқда учрамайдиган «қуад-андачилик» одатлари бошланади. Чиндан ҳам, мен билган ҳеч бир тилда «қуда» сўзини топа билмадим. Бу ўзбек кишиси ўз келини ёки куёви оиласига нисбатан муносабатларга қанчалик жиддий қарашидан далолат.

Ўзбек оилаларидаги қуда томон билан алоқаларга алоҳида бир китоб (ёки туркум) бағишлиш мумкин. Ажойиб адига, жамоат арбоби Турсуной Содикова бу мавзуда жуда кўплаб фойдали асаллар

яратган. Мен ҳам бугун бу масалага бўлган қарашларимни ўртоқлашмоқчиман. Чунки қуда-андачилик атрофида жуда кўп муаммолар пайдо бўлади ва инсонларни кўнгил хотиржамлигидан айиради.

Биринчи навбатда қуийдаги ҳақиқатни кўзда тутиш зарур: қудангиз – сизнинг қариндошингиз эмас ва у бир умр бегоналигича қолади. Фарзандларингизнинг турмуши сизни қаридошлик иллари билан боғлагандек туюлиши мумкин – лекин амалда икки оила бир бирига бегоналигича қолади. Агар ўз қариндошингиз билан қуда бўлган бўлсангиз – унда тўйдан кейин бу қариндошингиз ҳам сизга бегона.

Бундай дейишимга сабаб оддий. Биз қудаларимизни ҳеч қачон кўнгилдан (табиатдан) қариндош деб тан олмаймиз. Шунинг учун уларни номлаш учун «қариндош» сўзидан фойдаланавермасдан, алоҳида «қуда» сўзини ўйлаб топганмиз.

Қудаларнинг бир бирига бегона экани ҳақидаги биринчи тамойилдан қуийдаги иккинчи тамойил келиб чиқади: қудаларингиздан бирор нима кутиш керак эмас. Биз, нимагадир, бизга қуда бўлган (ёки шунга интилаётган) оиласдан нималарнидир кутамиз, нималардандир умидвор бўламиз. Ҳамма муаммо ана шундан бошланади. Умидларимизнинг ҳаммаси ҳам оқланмайди, кутганларимизнинг ҳаммаси ҳам бўлмайди – ва бизда гиналар пайдо бўлади.

Сизга мутлақо бегона оиласдан бир нима кутиш ёки талаб қилиш (шунақасиям бўлади) мантиқа зид нарса. У оила фарзанди сизнинг фарзандингиз билан оила қургани – на уларга ва на сизга қўшимча бурч юклайди. Қиз берганмисиз, ўғил уйлаганмисиз – фарқи йўқ. Қуда томон сизнинг олдингизда ҳеч бир бурчга эга эмас, сиз улар олдида ҳеч бир бурчга эга эмассиз.

Қудалар билан энг яхши муомала усули – ҳудди азиз, лекин бегона меҳмондек муносабатда бўлиш. Уйингизга бегона инсонлар меҳмонга келганда қандай самимий кутиб олсангиз – ҳудди шундай кутиб олинг. Бегона меҳмонга ичингизда гина бўлмайди, ундан ҳеч нарса кутмайсиз, унга фақат «олинг, меҳмон, фақат олинг» дейсиз. Ҳеч замонда меҳмондан бир нима кутиб, «беринг меҳмон» демайсиз. Қудалар билан ҳам ҳудди шундай қилган маъқул: «олинг,

куда – беринг қуда» деган халқ мақолига эргашсангиз, муносабатлар совуқлашиб бораверади ва жабрини ёш оила кўради.

Тўй-ҳашам тугаб, чанглар босилгандан сўнг икки қуда оила янги пайдо бўлган оилани «бахтли» қилиш учун «беллашув»ни бошлаб юборишади. Бунда кимдир безарап усуллардан фойдаланса, кимдир ўз ожизлиги сабаб бузғунчи йўлдан боради. Лекин қай усул қўлланишидан қатъий назар, ёш оила бундан азият чекади, заифлашади, баъзан бу босимга чидай олмай бузилиб кетади.

Чиндан ҳам фарзандингиз бахтини қўзласангиз – ёш оилани ўз ҳолига қўйинг. Бу гап ёш оила билан бирга яшайдиган ота-онага айниқса тегишли. Ўз уйига келин олган қайнона-қайнота жуда сергак ва сабрли бўлиши лозим. Кундалик турмушда ёш оилага босим ўтказмасдан яшаш жуда қийин.

Қайнона ва келин муносабатлари ҳақида мен фақат бир нарса айтишим мумкин. Иккиси ҳам самимий бўлиши керак. Сохталик қайнона-келин алоқаларини издан чиқарувчи биринчи омил. Қайнонанинг янги келиндан бир нималар кутиши табиий ҳол. Аммо келинга бу умидларни оқлашга вақт бериш лозим. Ундан бирданига ҳамма нарсани талаб қилиш ярамайди. Ҳеч қачон келинни «келин» деб ажратиш, оилавий масалалардан узоқ тутиш, ундан бир нималарни яшириш керак эмас. Ўзингиз уни «бегонасан» деб турсангиз – у қандай сизга жигар бўлсин.

Келинларга маслаҳат – мослашувчан бўлиш. Қайнона аслида сиздан нима истаяпти – шуни англай билсангиз, марра сизники. Мукаммал қайнона бўлмайди – лекин сиз ҳам мукаммал эмассиз. Шунчаки, янги оилангиз аъзолари ва қадриятларини ҳурмат қилинг. Шунда ҳаммаси яхши бўлади.

Куёвларга маслаҳат – бетараф бўлинг. Умр йўлдошингиз ва оила аъзоларингиз зиддийтга борса, ҳеч бир томонда турманг. Улар ўз курашларида ғолиб чиқиш учун, сиздан фойдаланмоқчи бўладилар. Сиз эса бетараф қолинг, токи улар ўзаро куч синашиб бўлгач, бу зиддиятдан ҳаммага зарар эканини ўзлари англаб етсинлар. Улар сизни ўз измига солиш учун «мени десанг, мен тараф турасан» деган каби усуллардан фойдаланади. Лекин буларнинг бари ўйин ва

ожизлик онлари – ҳеч тарафга оғмасдан, сергак турсангиз, булар ўтиб кетади.

Аёлингиз ота-онаси ёки қариндошлари муаммоларига аралашманг, улар юзасидан сизнинг фикрингизни уларнинг ўзи сўрамагунча, бу ҳақида гапирманг. Ҳудди шундай ўз муаммоларингиз билан уларни ҳам безовта қилманг. Уларнинг ўзи сизга ёрдам таклиф қилса ва бу ёрдамни олиш асосли бўлсагина, уларнинг кўмагидан фойдаланинг.

Куёвларнинг қайнона ва қайнота олдида ягона бурчлари бор – ўз бекаларини бахтли бўлишига имкон бериш. Қизи бахтли бўлса, ҳар қандай ота-она куёвидан рози бўлаверади.

Келинларга ҳам ҳудди шу тамойил амал қилади – бегингизни бахтли бўлишига қўйиб бера олсангиз, қайнона-қайнота сиздан рози бўлаверади. Бундан ортиқ нарсани кутган қайнона-қайнотага ҳар қанча қурбонлик келтирсангиз ҳам, уларнинг кўнгли тўлмайди.

Албатта, буларнинг бари яхши маслаҳатлар. Аммо ҳаётда улар ишлаши жуда қийин. Чунки қудалар ҳар хил бўлади. Инсонийликни йўқотмаган қудалар бор, фарзанди турмуши ортидан бир нималарга эга чиқишни ўйладиган қудалар бор.

Шунинг учун биз ҳар доим «яхши» одамлар билан қуда бўишни истаймиз. Шу боис бўлғуси қудаларимизнинг «яхшилик» даражасини аниқлашга интиламиз. Энг катта хато ҳам ана шунда – қуданинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам сизга ҳеч нарса қилиб бермайди. Аммо фарзандингизни ожиз инсонга умр йўлдош қилсангиз – мана бунинг азоби кўпга етади. Шундай экан, қуда танлашни эмас – фарзандингизга кучли одамларни кўра билишни ўргатишни ўйлаган маъқул.

Шу орада яна бир гап: яқин қариндошлар қуда бўлиши икки жиҳатдан жуда заарли одат. Биринчидан, яқин қариндошларнинг қони (генетик коди) яқин бўлади ва бу насл бузилишига олиб келади.

Иккинчи ва энг катта ҳавф – қуда бўлган яқин қариндошлар бегоналashiшга маҳкумлар. Чунки қудачилик, мен аввал таъкидлагандек, бегоначилик. Буни тан оласизми-йўқми – яқин жигарингиз билан қуда тутиниб, сиз уни бир умрга йўқотасиз. Чунки

мен боб бошида айтган «қудадан бир нима кутиш» одати қариндош билан қуда бўлганда кучлироқ намоён бўлади. «Ҳа, ўзимнинг жигарим-ку – қуда бўлсак, у бўлади ва бу бўлади» деган умидлар ҳали ўрнатилмаган қудачилик ришталарини олдиндан бузиб бўлади. Қариндош-қудадан биз кўпроқ нарса кутамиз, табиийки, оқланмаган умидлар ҳам кўпроқ бўлади. Ва икки қариднош оила ўзаро гиналар сабаб бегоналашади (афсуски, баъзида бегоналардан ҳам баттар узоқлашади).

Қудали бўлиш – бегона оила билан икки ёш баҳтли бўлиши учун муҳит яратиб бериш ҳақида битим тузишдир. Бу битимнинг иккитагина шарти бор: биринчиси, икки қуда оила бир бирига бегонаadir ва бир бирининг олдида ҳеч бир бурчга эга эмас; иккинчиси, ёш оила икки қуда оила олдида фақат баҳтли бўлиш бурчига эга, холос. Тамом.

ШАНБА

Бунёдкор куч

Азалий мувозанат

Шу пайтгача мен ўз баёнларимда дин масаласини четлаб ўтишга уринганман. Бунга кўплаб сабаблар бор. Аммо инсон – ижтимоий мавжудот, дин эса жамиятнинг ажралмас қисми. Инсон шахсияти шаклланишига дин таъсир қилмасдан қолмайди. Дин кўпчилигимизнинг шахсиятимизда каттагина роль ўйнайди. Баъзи одамлар динга нотўғри ёндашиш оқибатида, уни одамларни яхши-ёмонга ажратиш учун кўрсатмалар деб қабул қилишади. Шундай экан, мен қанча буни четлаб ўтишга уринсан ҳам, суҳбатимиз дин мавзусига етиб келди.

Бу боб инсоннинг шахсий ривожланишида диннинг тутган ўрни ҳақидаги менинг фикрларимга бағишлиланган. Ушбу мулоҳазалар ҳеч бир дин тамойиллари муҳокамаси эмас ва улар айнан бир дин ҳақида айтилмаган. Уларнинг мақсади у ёки бу динни ёқлаш ёки қоралаш, бирининг бошқасидан устун эканини таъкидлаш, қайсиdir динни тарғиб қилиш эмас. Шунингдек, ушбу фикрлар умумий дин тушунчасини қадрсизлантиришни, динсизликни тарғиб қилишни кўзда тутмайди. Бу мулоҳазалар, шунчаки, дин ва унинг инсон ҳаётига бўлган таъсирига соф фалсафий ва амалий жиҳатдан баҳо беришга қаратилган. Улар билан танишар экансиз, улар муаллифнинг шахсий нуқтаи назари экани, муаллиф ҳеч бир диний таълимга эга эмаслигини ва дин тушунчасига дунёвий ёндашишини унутманг.

Муҳокамани кўпчилигимиз бир нарса деб биладиган икки тушунчани аниқ фарқлаб олишдан бошласак. Эътиқод ва дин – бошқа-бошқа нарсалар. Иккисининг фарқини яхшироқ англаш учун, келинг, уларнинг яралиш тарихига кўз ташлаймиз.

Жуда қадим замонларда одамларнинг дунё ҳақидаги билими жуда чекланган бўлган. Уларнинг дунёси яшаш жойи билан чегараланган. Улар ўзлари яшаб ов қиласидиган ўрмондан ташқарида нималар борлигини билишмаган.

Қадимги одамлар уларни ўраб турган олам ҳақида кам нарсани билишган. Улар учун жуда кўп нарса сирли ва тушунарсиз бўлган. Атрофдаги кўп жараёнлар уларда ҳайрат ва қўрқув уйғотган. Ҳамма нарсани онг билан қамраб ололмаган одамзот ўзи тушунмаган баъзи нарсаларга шунчаки ишониш билан қаноатланишга мажбур бўлган.

Масалан, ўрмон аҳолиси уларнинг ҳаёти ўрмандаги турли жонзотлар ва ўсимликларга боғлиқ эканини яхши билган. Бу жонзотлар ва ўсимликлар яшаши учун сув кераклигини ҳам улар билган. Бу сувни уларга дарё ва ёмғирлар олиб келишини ҳам улар тушуниб етишган. Аммо дарё ва ёмғирлар қаердан келишини англашга уларнинг онги ҳалича ожизлик қилган. Буни тушунтириб беролмагач, улар ҳаёт учун дарё ва ёмғирлар қаердандир сув олиб келишига ишониш билан чекланишга мажбур бўлишган. Ана шундай қилиб одамда эътиқод пайдо бўлган.

Эътиқод одамларга бунёдкор бўлишга, атроф-муҳит билан мувозанатда яшашга ёрдам берган. Эътиқод сабаб қадимги одамлар бошқа ўсимлик ва ҳайвонларни ҳурмат қилишган, дарё ва ёмғирга ҳаёт учун раҳмат айтиб яшаган.

Аммо баъзида ёмғирлар кам ёғиб, дарёлар қуриб турган. Бу қадимги одамларда ваҳима уйғотган – уларнинг тирик қолиши шубха остида қолган. Шунда одамзотда унинг ҳаётини белгилайдиган, аммо унинг ўзига номаълум бўлган кучларни назорат қилиш илинжи пайдо бўлган. Қурғоқчилик мавсумида ёмғир чақириш, дарёни сувга ва балиқка тўлдириш истаги одамзотга босим ўтказган. Аввал ёмғир шунчаки осмондан ёғиши, дарё тоғдан оқишига ишониб яшаган одамзот, энди бунинг ортида турган кучларни танишга интила бошлаган. Бунда унинг тасаввури жуда қўл келган. Айнан тасаввур ёрдамида одамзот ўзига осмондан сув ёғдирувчи худоларни яратган ва улар билан алоқага чиқишга интилган. Дин ана шундай пайдо бўлган.

Фарқини сезяпсизми? Эътиқод – бор нарсани борича қабул қилиб, бунинг учун бор нарсаларни бор қилган кучга шукр айтиб яшаш. Эътиқод – одамзот дунёда ҳамма нарсани англай олмаслигини тан олиб, ўзи билган илмлардан самарали фойдаланиш ва янги

илмларга интилиш. Дин – англаб ва тасаввур қилиб бўлмайдиган кучларга тасаввур ёрдамида қиёфа беришга, улар билан олди-бердига киришишга интилишдан келиб чиққан моддий ҳаракатлар.

Турли тарихий даврларда инсон турли нарсаларга ихлос қилган. Бугунги кунда инсоният дин эвалюциясининг учинчи босқичида. Дин тарихи бошида одамзот табиат кучларига сифинган. Бунинг сабаби жуда оддий – қадимги одам ўз ҳаёти кимга ёки нимага боғлиқ бўлса, ана шу куч олдида бош эгган. Турли ҳайвонлар, табиий ҳодисалар, ўсимликларга сифиниш ана шундан келиб чиққан.

Вақт ўтиши билан инсоннинг дунё ҳақидаги билимлари ортиб борган. Энди у табиий ҳодисалар ортида нима туришини англаб етган. Ва бу билимлар ердаги жараёнларни самовий жисмлар бошқаришини кўрсатган. Одамзот энди самовий кучларга (ой, қуёш ва юлдузларга) сифина бошлаган. Бунда атонизм (яъни қуёшга сифиниш) энг кенг тарқалган дин бўлган. Чунки одамзот ўз ҳаёти қуёшга боғлиқ эканини яхши билган. Ой ва юлдузлар аҳамияти камроқ бўлган, чунки улар тунда ёритгич ёки компас вазифасини ўтаган, холос.

Вақти келиб, одамлар қуёш, ой ва юлдузлар ҳам аслида нима эканини англаб етишган. Уларнинг шу пайтгача худо деб билган кучлари аслида моддий дунё таркиби экани фош бўлган. Шунда одамзот шу борлиқни яратган илоҳий кучга юз тутган. Бугунги кундаги энг катта динлар асосида турган эътиқод ёлғиз яратувчига ишонишдир.

Юқоридаги жараённи мен бежиз дин эвалюцияси деб атамадим. Ўз хусусиятига кўра, эътиқод тарих бошида қандай бўлса, шундайлигича қолган: биз бугун ҳам бизнинг ҳаётимиз биз англай билмайдиган илоҳий куч қўлида эканини тан олиб яшаймиз. Бу жиҳатдан ибтидоий одамлардан ҳеч бир фарқимиз йўқ.

Шундай қилиб, эътиқод – яратувчи куч борлигига, бизнинг ҳаётимиз унга боғлиқ эканига шартсиз ва сўзсиз ишониш (яъни буни билиш), ҳаётимиз мавжудлиги учун ана шу қудратга шукр келтириш, дунё ва унинг таркибий қисмларини яхши-ёмон бўёғига ботримай ўрганиш, илм излаш демакдир. Дин эса – биз англай олмайдиган қудратга тасаввурлан шакл ва хислат беришга, ана шу шакл ва хислатлар

орқали уни таниб олишга, у билан мулоқотга киришишга, уни ҳаётимизни биз истаган ўзанга солишга кўндиришга интилишдир. Ана шу илинж сабаб буюк пирамидалар ва пантеонлар қурилган, ана шу илинж сабаб ҳашаматли черков ва масжидлар барпо қилинганди.

Ибтидоий дин вакиллари қурбонликлар келтириб, олов атрофида рақсга тушиб, ёмғир доим ўз вақтида ёғишини, дарё ҳеч қачон қуримаслигини таъминламоқчи бўлишган. Улар қурғоқчилик ҳам, шунчаки, буюк азалий мувозанатнинг бир қисми эканини тан олишни исташмаган ва бу ҳолатни ўзгартириб бўлса ҳам ўз тирикликларини кафолатламоқчи бўлишган. Бугунги дин вакиллари ҳам ўз динлари тамоилларига тўлиқ амал қилган ҳолда, хато қилмасдан яшашга интилиб, ўзларига жаннатни кафолатламоқчилар. Бунда улар ўзлари қилган хатони ҳам, бошқалар қилган хатони ҳам кечира олмайдилар – инсонни номукаммал қилиб яратиш ҳам буюк азалий мувозанатнинг бир қисми эканига кўна билмайдилар.

Дин – аслида жуда бунёдкор куч. Агар унинг тамойилларига тўғри ёндашилса – дин инсонни буюкликка етказиши, кўп бунёдкор ишлар қилиши мумкин. Аммо инсонда энг аввало эътиқод мустаҳкам бўлиши лозим. Киши диннинг ҳамма тамоилларига амал қилгани билан, қалбида эътиқоди заиф бўлса – диннинг у учун ҳеч бир нафи йўқ. Ана шундай эътиқоди заифлар динни восита қилиб, бошқаларга зулм қиласди. Ана шундай эътиқоди заифлар насронийни мусулмонга, мусулмонни яхудийга душман деб билади, ўзини бошқалардан ҳақроқ йўлдан бораётганини таъкидлайди.

Дини бор, аммо эътиқоди заиф одам ўз дини тамоилларини бошқаларни қоралаш, гуноҳкор деб билиш – одамларни яхши ва ёмонга ажратиш учун ишлатади. Бундай одам динни баҳона қилиб, ўзини кимгадир қаҳр қилишга ҳақли деб билади. Бундай одам дин йўлида кимнидир ўлдириш – ҳақ иш эканига ишонади. Бошқа жонзор ёки инсонни қоралаш, жазолаш ёки ўлдириш ҳақ иш эканига ишонишнинг ўзи – заиф эътиқод белгисидир.

Дин – ҳудди фан каби билимлар мажмуидир. Ҳар қандай билимлар бунёдкор ишларга сафарбар қилиниши мумкин бўлганидек, вайронкор мақсадларга қаратилиши ҳам мумкин. Бир хил билимдан

кимдир инсонлар ҳаётини фаровон қилиш учун фойдаланса, кимдир кўпчиликка оғат келтирувчи қурол ясашда фойдаланади. Ўз-ўзича билимлар эзгу ёки ёвуз бўлмайди – одамлар уларни у ёки бу йўналишда ишлатади.

Агар диний туйғуларингиз сизни кимнидир қоралаш, кимдандир нафратланиш, кимгадир қаҳр қилишга ундаётган бўлса – менимча, сиз динни етарлича тўғри тушунмагансиз. Ҳеч бир эътиқод ва унинг асосида яралган дин одамни бузғунчи ишга унダメйди. Сиз ўша қораламоқчи бўлган нарса ёки шахс ҳам шу дунёning бўлаги – уни ҳам эътиқодингиз улуғлайдиган буюк қудрат яратган. Худо яратган дунёning қисмини қоралаш, танқид қилиш, ундан нафратланиш тўғримикан?

Умуман, нафрат – динга хос бўлмаган туйғу. Эътиқоди бутун одам нафратдан нари юради. Фақат меҳр яратувчи кучга эга. Нафрат – шайтоний туйғу. У фақат вайрон қилишни билади. Шунинг учун қаҳрга берилганда биз нималарнидир синдиригимиз, бузгимиз келади.

Диннинг асл моҳиятини яхши англамаганлар бошқача ҳаёт тарзини танлаганларга нафрат билан қарашга одатланган. Бунинг сабаби уларнинг ўзлари ягона тўғри йўлдан бораётганликларига ишонишидир. Аммо ҳақиқатга бориш йўллари чексиз кўп – дин улардан бири, холос.

Дунёда динлар қадрини тушураётган ва динга нисбатан ишончсизлик, ҳадиксираш ҳиссини пайдо қилаётган воқеалар ортида динга хотўғри муносабат туради. Динни ўз шахсий манфатларига эришиш, бошқа одамларни ўз измига солиш учун ишлатадиган одамлар ва гуруҳлар фаолияти натижасида оммада дин ҳақида асоссиз салбий тасаввур уйғонмоқда. Яна қайтараман – дин ўз-ўзича бузғунчи нарса эмас, ундан алоҳида одамлар ва гуруҳлар бузғунчи мақсадларига эришишда фойдаланадилар, холос.

Эътиқод ҳақиқатга эришиш учун нима қилиш кераклигини айтади: «илм изла, шукр келтир, бунёдкор ишлар қил». Дин шуларни қандай қилиш кераклигини айтади: «фалон китобни фалон марта ўқиб чиқ,

бойлигингдан садақа бер, ибодатхона қур». Асрлар давомида дин ана шундай кўрсатмаларнинг энг сара ва самаралиларини жамлаб келади. Натижада бу кўрсатмалар инсон ҳаётининг деярли ҳамма жиҳатларини қамраб олган ва уларнинг барчасига амал қилишга битта одам умри давомида ҳам улгурмаслиги мумкин. Баъзида бир диннинг ичида турли хил кўрсатмалар пайдо бўлади ва алоҳида йўналиш, мазҳаб ва оқимлар келиб чиқади.

Бизнидан бошқача йўлдан бораётганларни ҳурмат қилишни ўргансак – ана шунда бунёдкор шахс бўламиз. Ана шунда динимиз бизга ато этган билимлардан ўзимиз билмай бошқаларни айблашда фойдаланмаган, бу билимларни ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини баҳтлироқ ва мазмунлироқ қилишга сафарбар қилган бўламиз.

Бу бобда мен билдирган фикрлар баъзи ўқувчиларда норозлилик ҳиссини уйғотиши мумкин. Балки, кимларнингdir мендан кўнгли ҳам қолар. Наилож – диний туйғуларингиз мен ва мен билдирган фикрларни қоралаётган бўлса, бу сизнинг танловингиз. Менинг эътиқодим ҳар бир инсон ўз нуқтаи назарини эркин айтиши, табиат ва жамиятни англашга интилиши, бошқача ҳаёт тарзини юритадиганлардан ҳам илм олиш мумкинлигини таъкидлайди. Мен билган ва тушунган эътиқод ман қилиш усулидан эмас – рухсат бериш усулидан бориб мени тарбиялайди. У қайсиdir ишни қилишни ман қилмайди – у вайронкор ишларни таниш, уларнинг оқибатини билиш ва улардан тийинишга рухсат беради. У одамларни яхши-ёмонга ажратмасликни, Худонинг ҳар қандай мавжудотига меҳр билан қарашни, ким бу дунёда бўлишга ҳақли-ю, ким ҳақли эмаслигини Худонинг ўрнига ҳал қилишга уринмасликни ўргатади.

Менинг дин ва унинг моҳияти ҳақида айтишим мумкин бўлган гапларим шулар. Вақт ўтиб, илмим ошса, яна бир нималарни айтишим мумкин бўлар. Аммо бир нарсани ўйлаб кўришингизни истардим: бу фикрларни билдиришдан менинг мақсадим қандай? Динни муҳокама қилишдек қалтис мавзуга мен бунёдкор мақсадда мурожаат қилдиммикан?

Бу саволга жавобни ҳар бир ўқувчи ўзича – ўз шахсий кучидан келиб чиқиб беради. Кимдир мен айтган фикрларни ҳаётини айирмачилик

ва нафратдан тозалашга таклиф деб билса, кимдир бу билимларни ҳам кимнидир қоралаш ва ўзини оқлаш учун ишлатади. Мени ўзим англамаган нарсалар ҳақида чекланган саводимга таяниб билиб-билимай бир нималар ёзганликда айбловчилар ҳам бўлади. Нима бўлганда ҳам, сўнги танлов ўзингизда.

Қудратнинг тўрт поғонаси

Бизга берилган ҳаётий қувватни биз турли хил мақсадда ва усулда ишлатамиз. Ана шу қувватимизни нимага ва қандай сарфлашимиз ҳаётимиз асосини белгилайди. Ҳаётий қувватни аниқ бир мақсадга қаратишнинг тўрт босқичи бор. Бу бобда биз ана шу тўрт босқич билан танишамиз.

Биринчи поғона – фикр. Деярли ҳамма хатти-ҳаракат бошида фикр туради. Унинг моддий дунёга тўғридан-тўғри таъсири жуда кам – у фақат одамнинг ўзига таъсир қиласи, холос. Фалсафани моддий манфат қуролига айлантиришга интилган одамларга жуда ёкиб тушган «Сир» («Сесрет») ҳужжатли фильмida тарғиб қилинган «фикр кучи» ҳақиқатдан анча йироқ. Фикр фақат одамнинг ўзига – унинг жисмоний ва руҳий ҳолатигагина таъсир қиласи. Масалан, фикр одамни жисмоний ёки руҳий азоб чекишига мажбур қилиши мумкин. Ёмон хотираларни эслаш танамизнинг ма’ъум қисмида зўриқиши ва оғриқ ҳиссини уйғотади.

Аммо, аввал айтганимдек, фикр кўпчилик амаллар асосида туради. Шунинг учун у қувват тақсимланишида ҳал қилувчи ўрин тутади. Одам айнан ўзининг фикрига асосланиб у ёки бу ишни қиласи, у ёки бу гапни гапиради. Агар фикр нохолис бўлса, ундан келиб чиқкан амал ҳам нохолис ва зарарли бўлади.

Бир одамнинг фикрини бир груҳ одамлар қабул қилиб, унга амал қиласа – бу фикр ижтимоий фикр ёки ғояга айланади. Айтайлик, бир груҳ талабалар орасида кимдир жамоа бўлиб тоғ саёҳатига боришни ўйлади ва бу фикрини ҳамма билан ўртоқлашди. Агар бу фикрни грухнинг бошқа аъзолари қабул қиласа – бу энди ғоя. Энди тоғ саёҳатига бориш фикрини амалга оширишга кўпчилик киришади. Бунда кўпчиликнинг ҳаётий қуввати бир ўзанга солинади ва натижа

шунга яраша бўлади. Фоя ўз келиб чиқишига кўра фикр бўлгани учун, у нохолис бўлса – унинг асосида қилинган иш ҳам нохосил ва заарали бўлади. Дўстларини калтаклаган болани бир тўда бўлиб бориб, жазосини бериб келиш ғояси бир гуруҳ йигитларни бузғунчи ишга бошлайди.

У ёки бу ғояни бутун жамият қабул қилса – бу ғоя мафкурага айланади. Мафкура ҳам ижтимоий фикр, фақат уни бутун жамият ёки унинг аксари қисми қабул қилган. Натижада уни амалга оширишга жуда кўп одамнинг ҳаётий қуввати сафарбар қилинади. Мафкура ҳам нохолис фикрга асосланиши мумкин. Бундай ҳолатда унинг эргашувчилари жуда бузғунчи ишлар қилиши мумкин. Нацизм мафкураси дунёда ҳали-ҳануз жуда ҳунук ишларга сабаб бўлмоқда.

Бу таърифлар сизга мактабдаги миллий истиқлол ғояси дарсини эслатмаяптими? Тўғри – бу билимлар ўша дарсликларда берилган. Аммо биз бугун фикрга шахсий ўсиш нуқтаи назаридан қарайпмиз. Биз инсон ҳаётий қуввати фикрга қандай сарфланишини билмоқчимиз. Фикрнинг ижтимоий жараёнларда тутган ўрни эса жамиятшуносарнинг бош оғриғи.

Фикр ҳаётий қувват қайси томонга қаратилишини белгилаб беради. Шунинг учун у иложи борича холис ва сергак бўлиши лозим. Кераксиз фикрларга қувват сарфлашдан эса умуман тийилган маъқул.

Иккинчи пофона – бу сўз. Инсон ўз ақли ёрдамида маълумот алмашиб усулини ўйлаб топган. Нутқ – бизнинг энг катта қашфиётларимиздан бири. Мулоқотсиз жамият пайдо бўлмас эди. Сўз – фикрни бошқалар билан улашиш усули. Айнан сўз ёрдамида фикр ғояга, ғоя мафкурага айланади. Сўзниң ҳаётий қувват тақсимланишидаги вазифаси – фикрни бошқаларга етказиш ва шу фикрга кўпчиликнинг ҳаётий қувватини жалб қилиш. Гитлернинг бутун немис халқи миясига нацистик фикрларни қўйиб қўйишида унинг тенгсиз нотиқ экани катта роль ўйнаган.

Фикр сўзга айлангандагина ташқи дунёга таъсир қила олади. Сиз ким ҳақидадир ёмон ўйлашингиз мумкин – аммо буни унинг ўзига бориб айтсангизгина унга таъсир қиласиз. Сўз билан одамларнинг дардини ёнгиллаштириш ёки аксинча – азобини ошириш мумкин.

Албатта, агар сиз бориб сўзлаётган одам кучли шахс бўлса, у сизнинг гапларингиз таъсирига тушмайди ва сергаклигини сақлаб қолади. Аммо сўз қудратли қурол – шу боис сўзниңг таъсир кучидан ёзувчи ва журналистлар, рекламачилар, психологлар, сиёsatчи нотиқлар, устоз ва тарбиячилар катта маҳорат билан фойдаланишади.

У ёки бу фикрга сарфланган ҳаётий қувват сўз ёрдамида бошқаларга ўтиши мумкин. Кучли ҳаётий қувват юкланган нутқ тингловчиларга ҳаётий қувват беради ва улар нутқдан завқ оладилар. Катта қувватга эга нутқ билан тингловчини руҳлантириш, унга ғайрат ва шижоат бериш, унинг ўзига бўлган ишончини ошириш мумкин. Бунда, табиийки, нотиқнинг ўзи катта қувват йўқотади ва ҳолсизланади.

Сўз – ҳаётий қувват сарфланишидан келиб чиқади. Шунинг учун уни оқар сувдек оққизиб қўйиш – катта исрофгарчилик. Маҳмадона одам керакли-кераксиз гапларни гапириб, ўз ҳаётий қувватини совуради. Соқов одамлар бекорга жисмонан бақувват ва соғлом бўлишмайди – улар нутққа сарфлайдиган қувватни тежаб қоладилар. Доноларга ҳам камгаплик хос – улар ҳам кераксиз айтилган сўз бекорга сарфланган қувват эканини яхши билишади.

Учинчи пофона – амал. Фикрнинг моддий кўринишда намоён бўлиш усууларидан яна бири – бу амал. Биз ўз фикримизга эргашиб, у ёки бу ишга қўл урамиз. Бунда ҳам фикрга ажратилган ҳаётий қувват амал ёрдамида моддий дунёга таъсир қилишга қаратилади. Масалан, мен ўзимдан боғ қолдиришни ўйладим. Бу фикрим боғ учун ер майдон тайёрлаш, мевали дарахтларни экиш тарзида амалга ошди. Мен бу амалга қанча кўп ҳаётий қувват сарфласам – боғим шунча катта ва кўркам бўлади.

Амалга сўзга ёки фикрга нисбатан кўпроқ ҳаётий қувват сарфланади десангиз, адашасиз. Албатта, амал биздан жисмоний фаоллик талаб қиласди – аммо унга ҳам кам ёки кўп ҳаётий қувват сарфлаш мумкин. Баъзида биз у ёки бу ишни эътиборсиз ва иштиёқсиз қиласмиз. Бунда амалга кам ҳаётий қувват сарфланади ва у эпсиз чиқади. Бундай иш натижаси ҳам шунга яраша самараасиз бўлади.

Шунинг учун баъзида «юракдан» айтилган сўзга одам «қўл учида» қилинган ишга нисбатан кўпроқ ҳаётий қувват сарфлайди.

Фикрга сарфланган қувват атроф дунёга кам таъсир қўрсатади. Ҳудди шу қувват сўзга сарфланса – таъсир кучлироқ бўлади. Агар шу қувват амалга айланса – натижа яна ҳам каттароқ бўлади. Қудратнинг бу уч поғонасида қувват таъсири ошиб боради.

Тўртинчи поғона – аҳд. Энг кам қувват билан энг кучли таъсирга эга қудрат бу аҳддир. Фикр аҳдга айланганда унга сарфланган қувват тўғридан-тўғри моддий дунёга таъсир қилади. Бунда ишонч, таҳмин, гумон, илинж бўлмайди – бунда билим бўлади. Одам ўйлаган фикри амалга ошишини билади, буни оддий ҳолат деб қабул қилади.

Фикрга ажратилган ҳаётий қувват амал ва сўз ҳолатида жисмоний қувватга айланиб ташқи дунёга таъсир қилса, аҳдга айланган фикр ҳаётий қувватни тўғридан-тўғри ташқи дунёга йўналтиради. Аслида амал ва сўз ортида ҳам аҳд туради – фикр айнан аҳд орқали амал ёки сўзга айланади. Бу нарсага шунчалик кўникканмизки, буни ҳатто пайқамаймиз ҳам.

Шубха ва қўрқувлардан ҳоли бўлган соф аҳд жуда қудратли куч. Бундай аҳдга эга одамнинг ҳаётий қуввати атрофдаги одамлар ва моддий жисмларга таъсир қила олади. Бу ҳаётий қувват унинг аҳдини амалга ошириш учун атроф-дунёга тегишли ўзgartиришлар киритади. Соф аҳд эгасининг гапига одамлар осон кўнади, керакли нарса доим тайёр бўлади, қурол-воситалар бенуқсон ишлайди, муаммолар чиқмайди.

Аммо соф аҳд билан ҳам ҳамма нарсага эришиб бўлмайди. Масалан, мен учишни аҳд қилдим. Бу аҳдимни амалга ошириш учун жуда кучли физика қонунларини енгиб ўтадиган қувват керак. Менинг ҳаётий қувватим бунга етмайди ва бу аҳдим амалга ошмайди.

Аҳд – тушунтириш жуда қийин бўлган куч. Бунинг нима эканини фақат амалда ишлатибгина билиш мумкин. Ниятларингиз аҳдга айланиши учун шубха ва қўрқувлардан халос бўлиш зарур. Ана шунда қудратнинг энг юқори поғонаси – аҳд аслида нималарга қодир эканини билиб оласиз.

Илм чироғи

Тасаввур қилинг, зим-йизо ўрмонда кетяпсиз. Ҳар бир қадамингизни жуда эҳтиёт бўлиб ташлайсиз. Ҳар бир қадам қўрқувни енгиш учун катта қувват сарфлаш эвазига амалга ошади. Зулмат сизга олдинда нима борлигини билишга тўсқинлик қилади – ана шу олдинда нима борлигини билмаслик сизни қўрқув ва гумонлар орасида қолдиради.

Энди қўлингизга чироқ тутқазилди дейлик. Қадамларингиз дарров дадиллашади – энди ҳадиксиз илдам юрасиз. Нега? Нега бўларди – чунки энди сиз йўлингизда нима борлигини биласиз. Ана шу билим сиздаги қўрқув ва шубхаларни йўқقا чиқаради. Ана шу билим туфайли энди сиз қўрқувни енгишга қувват сарфламайсиз.

Юқоридаги мисолда ҳал қилувчи омил чироқ ва у берган ёруғлик эмас. Сизга чироқ ўрнига ўрмонни яхши биладиган йўлбошчи ёки қоронғуда кўришга имкон берадиган маҳсус қурилма таклиф қилинса ҳам – натижка ҳудди ўша бўлади. Бунда ҳал қилувчи омил – билимдир.

Билим – ажойиб нарса, қудратли куч. У сизга қўрқувни енгишга ёрдам беради. Айтайлик, Али ва Вали тубсиз жар ёқасида туришибди. Али қўрқувдан дағ-дағ тутраяпти (яъни жуда катта микдорда ҳаётий қувват йўқотяпти). Вали бўлса мутлақо хотиржам. Қандай қилиб? У ҳаётдан тўйганмикан? Бўлса бор. Балки, у учишни билар. Шубхали. У бир нимани биладики, шунчалик хотиржам. Қўрқувга бир чимдим ҳам қувват бермаяпти.

Вали Али билмаган бир нимани билади. Нималиги аҳамятсиз – билиши аҳамиятли. Ана шу билим уни қўрқув олдида енгилмас қилиб қўйган. Ана шу билим туфайли у қонида сергак фикрлашга ҳалал берадиган адреналин кўпайишига йўл қўймаяпти. Валининг билган нарсаси жуда оддий – аммо натижаси улкан.

Мана сиз ҳозир Вали нимани билар экан деб ўйлаяпсиз. Етарлича қизиқтирсам, бу нарса ҳақида анча ўйлаб юрасиз. Бизга ҳамма нарсани ўргатган қизиқувчанлик бундай ҳолларда дарров ишга тушади. Ақл ўзи шунақа – бир нимани билишига яқин борса-ю, билолмай қолса, шуни билмагунча (ёки бу ҳақида унумагунча)

одамни эзиб юборади. Ақлнинг бу одати бўлмаганда – сериаллар бунчалик одамларни «илинтир»маган бўларди.

Али ва Вали мисолидан нима хulosса чиқардингиз? «Вали нимани билишини тагига етиш керак» деган хulosса чиқарган бўлсангиз – ақлнинг тузогига тушибсиз. Асл хulosса шундаки, Валига ўз ҳаётий қуввати устидан назоратни тўлиқ сақлаб қолишга имкон берган нарса – билим.

Айтайлик, Валининг билган нарсаси ҳақидаги таҳминга қийидаги жавоблар бор: а) у ўлим ҳақ эканини билади (шунчаки буни кўп эшитган эмас – буни билади), ҳар ким бир кун келиб бу дунёни тарк этишини билади; б) у ўлим бу бошқа ҳаётнинг бошланиши эканини билади (бунга ишонади эмас – буни билади); ва с) у жар аслида жар эмас – шучаки ерга моҳирона чизиб қўйилган сурат эканини, қоронғуда у ҳақиқий жарга ўхшаб кўринаётганини билади.

Хўш, Валининг сири нимада экан? С жавоб жуда ўзига тортади, шундай эмасми? Лекин гап А, Б ёки С жавобда эмас – гап Валида жавоб варианти борлигида. Али бунда шунчаки «шпаргалка»сиз, холос.

Бу шунчалик оддий нарсаларки, бу ҳақида ёзиб ўтириш ортиқчадек. Аммо гап шундаки, одамлар билим аслида нимага керак эканини кўп ҳолларда унтиб қўйишади. Бир нимани билишга интилмайдиганлар ўзларини қандай ожизликка маҳкум этаётганликларини ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

«Мен тилчиман, кимёни билишим шартмас», «Мен докторман, ҳуқуқий масалалар билан бошимни қотириб нима қилдим», «Мен дурадорман, одамни буйраги қаерда жойлашганини билиб қайга борардим»...

Шу ўринда бир савол: ўзликни билиш – ўзини англаш одамга нима беради? Бу туркум китобларнинг ҳаммаси ана шу саволга жавоб беришга бағишланган.

Билимнинг укаси бор – таҳмин. У ҳам бизга баъзида ёрдам беради. Олийгоҳга кириш имтихонларида таҳминий жавоблари ҳам тўғри чиқсан талабалар буни яхши билади (таҳминлар ҳам баъзида тўғри чиқишини билиш ҳам – билим, у ҳам одамга назорат беради). Аммо,

нимагадир, кўпинча таҳминлар ўзини оқламайди. Кимдир таҳминий жавоблар бериб, имтихондан йиқилади.

Гап нимада экан-а? Балки, кимдир омадлироқ, кимдир толедан бир оз қисилгандир? Бу – ўзини оқламайдиган таҳминлардан бири. Гап омадда эмас. Гап ҳаётий қувватда.

Ҳаётий қуввати кўпроқ одамнинг таҳминлари кўпроқ тўғри чиқади. Чунки бундай одамнинг интуицияси кучли бўлади. Интуиция – ҳаётий қувватдан куч олади. Одамнинг ҳаётий қувват даражаси қанча юқори бўлса, унинг тўғри таҳмин қилиш қобиляти шунча кучли бўлади.

Биз оладиган кўпчилик билимлар билвосита олинади. Яъни биз у ёки бу нарсани қандайдир восита орқали ўрганамиз (кўриб, эшишиб, ҳаракат қилиб ёки фикрлаб). Билим олишда ҳаётий қувват аввал жисмоний кучга айланади, кейин билим олиш воситаларига сарфланади. Бунда, англаб турганингиздек, фикрлашга энг катта куч кетади.

Бироқ интуитив билим – бевосита олинади. Бундай билимни танамиз (онгимиз, руҳимиз – шунчаки, биз) тўғридан-тўғри атроф-дунёдан оламиз. Интуиция ҳаётий қувватни бошқа тур қувватга айлантиrmай, уни софлигича билимни олиб келишга қаратади. Бундай олинган билим ҳақида «Қаердан биласан?» деган саволга одам жавоб бера олмайди (ёки ўз-ўзини рад этадиган жуда кулгили жавоб беради: «Билмадим, биламан-да»).

Одам кундалик ҳаётида интуитив билимни фақат кичик ҳолатларда ўзи билмаган ҳолда ишлатади. Эрталаб сабабсиз қалин кийинади ва кечга бориб аёз тушганда бундан хурсанд бўлади. Режасиз йўлга чиқади, аммо манзилни осон топиб боради. Ҳозир соат нечи эканини соатга қарамай аниқ топади. Агар одам ҳаётий қувватини оширса, интуиция ҳам шунга монанд кучайиб боради. У энди каттароқ ва кенгроқ нарсаларни шунчаки биладиган бўлади.

Интуиция кучайишининг бир ажойиб фойдаси бор: бу ақл фаолиятини камайтиради. Биламизки, ақлий жараёнларга катта қувват сарфланади. Интуиция кучайса, ақлдан кундалик

фикрларнинг бир қисмини ечади ва уларнинг вазифасини жуда оз қувват сарфлаб ўзи бажаради.

Масалан, шахсий кучи кам одам нотаниш шаҳарда кетаяпти. У ҳар бурилишда қийин фикрлаш жараёнидан ўтади: «Бу ёққа бурилсам, у бўлади бу бўлади. Шарққа юрсам-чи? Йўлнинг охири берк бўлса-чи? Қайтиб чиқиб кейин бу ёққа юришимга тўғри келади».

Кучли шахсга бундай ҳолатда унинг кучли интуицияси ёрдам беради. Унинг ақлига интуиция айтиб турган томонга юришни назорат қилиш қолади, холос.

Демак, билим – одамга ҳаётий қувват устидан назорат беради. Бунинг натижасида ҳаётий қувват қўрқув ва шубха каби заарли одатларга сарфланмайди. Натижада ҳаётий қувват тежалади ва ортади. Натижада одамнинг интуицияси кучаяди ва кам қувват сарфлаб янги билимлар орттиради. Ва жараён яна такрорланади: билим қувватни оширади, қувват – билимни...

Илм овига чиқинг. Бу ҳудди куч овлашдай гап. У атрофимизда чекланмаган миқдорда ястаниб ётибди – гап уни кўришда ва олишда, холос. У ҳаммага ва ҳар доим етади. Уни олиш учун имтихондан ўтиш ёки кимгадир пул бериш керак эмас. У энг текин нарса. Энг буюк қудратлар сув ва ҳаво цингари текин бўлади.

Зулматли ўрмонда борарканмиз, йўлимизда қанчалик эркин кетишимиз қўлимиздаги чироққа боғлиқ. У қанча ёрқин бўлса – йўлимиз шунча нурафшон бўлади. У чироқнинг нури – билим, мойи – изланувчанлик. Билимни рад этадигат жоҳиллар эса – қуёшли кунда ҳам ўрмонда кўзларини атайлаб юмиб юришни танлаган одамлардир.

Яна бир ёлғон

Бу галги суҳбатимизни яхши ва ёмон ҳақидаги буюк ёлғонни фош қилишдан бошлаган эдик. Суҳбат якуни ҳам яна бир ёлғонни фош қилишга бағишиланади. Бу ёлғон одамлар ҳаётини беҳуда сарфланишига сабаб бўладиган ва бизни доимий ва асоссиз алдайдиган ёлғондир.

Умид – одам ўзини алдаш учун ишлатадиган энг катта ёлғон. Умидни улуғлайдиган, уни яхши нарса дейдиган, усиз ҳаёт мазмунсиз дейдиган ҳар қандай таъкидни каллангиздан чиқариб ташланг. Умид – ақл сизнинг аҳдингиз сари борадиган йўлингизни тўсиш учун қўйган соқчиси.

Биз жуда кўп нарсага, жуда кўп нарсадан, жуда кўп одамдан умид қиламиз. Умиқ бизни мудом бир нимани кутишга, ҳаракат қилишни, мақсадлар сари интилишни ортга суришга – ҳаётимиз ва баҳтимиз учун жавобгарликни елкамиздан соқит қилишга ундаиди.

Умид – шахсияти ожиз одамнинг одати. Шахсий кучи ўз ниятларини аҳд даражасига олиб чиқишга етмаган одам умид қилади. Ҳамма нарса у истагандек бўлишини, бунда унга тобе бўлмаган қандайдир кучлар ва вазиятлар ҳаммасини унинг фойдасига ҳал қилишини кутади. Кутади ва кутаверади.

Мана мен бир нимани истадим дейлик. Шу истагимга эришиш учун, бу ниятим аҳдга айланиши ва ҳаракат тарзида намоён бўлиши керак. Келинг, бунда менга жуда ёқадиган музқаймоқ мисолини ишлатамиз. Мен салқин жойда ўтириб, музқаймоқ егим келиб қолди. Бу истагим аҳдга айланса, кўча иссиқлигига қарамай, мен музқаймоқ олгани дарҳол бораман ва кўнглим тусаган музқаймоқни олиб ейман. Лекин ана шу ниятим аҳдга айланиш йўлида бир тўсиқقا – умидга урилиб тўхтайди. Мен опамга қўнғироқ қилсам, у ишдан қайтаётганда менга мен истаган музқаймоқни олиб келиши мумкин. Музқаймоқ ейиш истагимни амалга оширишда мен энди опамдан умидвор бўламан ва ниятим аҳдга айланмай, умид шаклида қотиб қолади. Энди мен опамнинг иш вақти тугаб, у менинг умидимни оқлаши ва менга музқаймоқ олиб келишини кутаман.

Бу жуда оддий мисол – кўнглим тусаб қолган музқаймоқни умид қилиб кутиш катта зарар келтирмайди. Аммо биз каттароқ ва долзарброқ ниятларимизни ҳам умид қафасига солиб қўйиб, бир нимани кутамиз. Ўқишига ёки ишга киришга, фаровон турмуш қуришга, муқаммал умр йўлдошини топишга, баҳтли бўлишга умид қиламиз. Умид қилаверамиз – бир кун баҳтли бўлишни кутаверамиз.

Умид айтган ҳар қандай гап – ёлғон. Уларнинг ҳеч бири кафолатланмаган. Кун охирида ишдан ҳориб келаётган опам мен

истаган музқаймоқни олиб келишни унутмаслигига умид ваъда бера олмайди. Сиз кутган баҳт келишини ҳам умидингиз ҳеч қачон кафолатлай олмайди. Биз умидимиз ёлғонига ишониб кутган нарсалар келгунча ўзимиз омон бўлишимизга ҳам ҳеч ким кафолат бермайди.

Бугунни қадрини билиб, ҳозирги лаҳзадан самарали фойдаланишимиз, ниятларимизни аҳд даражасига етказиб, уларга эришиш учун ҳаракатни бошлишимизга ҳалал берувчи – бизни ожиз ва тобе шахс қилувчи, ўз баҳтимизни бунёд қилишга қодир шахсий кучимиз номаълум ва кафолатсиз нарсани кутишга сарфланиб исроф бўлишига сабаб бўлувчи нарса умиддир.

Мен умид ожиз одамнинг овунчоги деб бекорга айтмадим. Ожиз одам ўз ҳаёти ва баҳти учун масъулиятни ўз бўйнига олишни истамайди. У бу жавобгарликни бошқа одамлар ва ҳаётий вазиятлар гарданига ташлашга интилади. Менинг кўнглим истаган музқаймоқни менга етказнишга кун бўйи ишлаб толиқкан опам масъул эмас (ахир, тан олинг – сиз кимдантир умидвор бўлиб, ўша одамни ўз истакларингизни амалга оширишга масъул қиласиз). Менинг истагим – бу менинг масъулиятим. Шуни англаб етсам, мен ўз истагимни ўзим амалга оширишга аҳд қиласман ва ҳаракатга тушаман. Музқаймоқни ўзим бориб оламан. Баҳтимни ўзим яратаман.

Кўнгил – баҳтингиз посбони. Одам кўнгли хотиржам бўлсагина, чиндан баҳтли. Кўнгил ўз истаклари аҳд тарзида ҳаракатга айланишини истайди. Агар истак ярим йўлда умидга айланиб, қотиб қолса – умидворлик билан кутиш жараёни одамни кўнгил хотиржамлигидан айиради. Ёки бир нимадан умидвор бўлиб кутиб ўтирганда сизнинг дилингиз яйрайдими? Йўқ. Кўнгил ўз истаги аҳдга айланиб, унга сари интилаётганда хурсанд бўлади. Мен кўнглим тусаган музқаймоқни опам олиб келишини кутиб, кўнгил хотиржамлигидан айриламан. Ўша музқаймоқни олгани ўзим борсам, кўнглим истаги томон кетаётганидан жуда севинади, бу баҳтимга кўчадаги жазирама ҳам, музқаймоққа кетадиган пул ҳам раҳна sola олмайди.

Афсуски, сиз каби сухбатдош дўстларимдан оладиган хатларнинг кўпчилиги умидга тўла бўлади. Китобларимни ўқиб, ундаги билимлардан ҳайратланган одамлар ҳаётларини тартибга солиш учун ана шу билимлар, китоб ёки мендан умидвор бўладилар.

Лекин мен китобларим орқали сизга етказмоқчи бўлган асосий фикр – шахсий эркинлик. Мен сизга фақат шахсий эркинликни раво кўраман, билган нарсаларимни баҳам қўриб, сиз ҳам шахсий эркинликка интилишингизни истайман.

Мен сизга айтаётган фикрларни умидингизни кучайтириш ёки оқлаш учун ишлатманг. Уларни ўзингизга очиқ ва аччиқ гапиришни, ўзингиз билан ростгўй бўлишни, шахсий кучингиз нималарга сарфланаётганини назоратга олишни ўрганиш учун ишлатинг. Ана шунда бу китоблар сизни умидворлик ботқоғига ботишингиз учун эмас – эркинлик майдонига чиқишингиз учун хизмат қилади.

Кимдир яхши нарсаларга умид қилиб яшашдан ҳеч бир зарар йўқ дейиши мумкин. Яхшиликка умид қилиб яшаш, ростан ҳам, бир қарашда «яхши» одатдек туюлади. Лекин энди сиз яхши ва ёмон нарсалар ёлғон эканини биласиз. Демак, яхшиликка умид қилиб яшаш ҳам ёлғондан бошқа нарса эмас. Оптимист одам ҳам кутади – яхшиликни кутадими, мўжизаними – фарқи йўқ, у ҳам умрини ва кучини кутишга сарфлайди. Бу бизга берилган бунёдкор кучни фойдасиз исроф қилиш дегани.

Мен сиз билан китоб орқали сухбатга киришиб, сизни кучлироқ шахс қилишга умид қилмаганман. Мен, умуман, ўқувчилардан ҳеч нарса кутмаганман. Мен аввал бошидан шахсий кучи катта китобхон улашилган билимларни ўз шахсий эркинлигини мустаҳкамлаш учун ишлатишини, шахсий кучи кам китобхонлар эса уларга айтилган билимларни ҳам умидларини кучайтириш учун сарфлашларини билганман. Шу боис сизга айтаётган фикрларимни қандай ва қай даражада ишлатишини мен ҳар доим ўзингизга қолдираман.

Сизни кучли қилиш умидим йўқ – сизни кучли қилиш аҳдим бор. Агар аҳдим кучи етарлича катта бўлса, китоб сизга оз бўлса-да наф келтира олади. Акс ҳолда сухбатдан камида мароқ олишингизга умид қиласман. Яна бир ёлғон умид...

ЯКШАНБА

Бахт

Мана, яхши ва ёмон ҳақидаги эртагимиз ҳам ниҳоясига етди. Ҳар биримиз бу эртакдан ўзимизга яраша хулосалар чиқардик.

Бу гал ақлимиз ёлғонларни қанчалик яхши кўришини, ҳақиқий баҳт ўрнига бизга соxта баҳтни «ўтказмоқчи» бўлишини билиб олдик. Ҳаётимизни илоҳийлаштириш ва нафрат каби муҳимлик юкларидан тозалашга уриниб кўрдик. Бунда, балки, қанчадир самарага ҳам эришдик.

Шахсиятимизни баъзи кемтиклар сиқувидан ҳоли қилишни ўргандик. Яхши ва ёмон ҳақидаги ёлғон таъсирида жамият бизга ўтказадиган босими юкини енгиллатдик. Баъзи қўрқувларимизни савол остига қўйишдан қўрқмадик.

Буларнинг бари кичик ютуқлар, ўзлик сари дадил қадамлар. Сиз билан суҳбатлашиб, кўнглим тўлди, сергаклигим ошди, фикрларим яна-да ойдинлашди.

Бу суҳбатимиз анча оғир ва кескин мавзуларга тегиниб ўтди. Бу ҳам бизнинг сергаклигимиз ошишига, шахсиятимиз ўсишига, муҳимлигимиз пасайишига туртки бўлди. Суҳбатимиз ёмон бўлмади, ҳар ҳолда. Буларнинг барчаси учун мен, албатта, сиздан миннатдорман.

Яна бир бор раҳмат сизга.

Муаллиф ҳақида

Исми-шарифим – Жавлон Жўраев

Мутахассислигим – иқтисодчи

Қизиқишиларим – фалсафа, амалий психология, жамиятшунослик, ахборот технологиялари, адабиёт, тиллар, мусиқа, тасвирий санъат

Интернет саҳифам – www.juraev.uz

Электрон почта манзилим – dilpora@gmail.com

Агар китоб сизнинг шахсий ўсишингизга оз бўлсада хисса қўшган бўлса – уни маъқул топган дўстларингизга тавсия этинг. Бу каби билимлар ҳар кимга даҳлдор ва улардан фойда топишга ҳар ким ҳақли. Ишонинг – атрофимизда кучли шахслар қанча кўп бўлса, ҳаётимииз шунча ёрқин бўлади.